К 17.02.06-190 60/06 25.05.2006

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Дис 431
2006

УДК 94(575).04

Қўлёзма ҳуқуқида

958.7

УРАКОВ ДИЛШОДБЕК ЖАМОЛИДДИНОВИЧ

ТУРКИСТОНДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ МАЪМУРИЯТИНИНГ РАСМИЙ ҲИСОБОТЛАРИ - ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА (XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИ)

07.00.09. - «Тарихнавислик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари» ихтисослиги

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: т.ф.д. Д.Х. Зияева

ТОШКЕНТ - 2006

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3-21

I БОБ. ТУРКИСТОН МАЪМУРИЯТИНИНГ РАСМИЙ ҲИСОБОТЛАРИНИ УМУМИЙ ТАСНИФИ 22-57

1.1. Мунтазам равишда ёзилган ҳисоботлар таснифи 22-39

1.2. Сиёсий ва стратегик мақсадларни акс эттирган ҳужжатлар таҳлили 39-57

II БОБ. РАСМИЙ ҲИСОБОТЛАРДА СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ВА АГРАР СОҲАЛАРГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР 58-89

2.1. Бошқарув тизимини ташкил этиш, сиёсий-ижтимоий аҳволга оид маълумотлар 58-75

2.2. Рус маъмуриятининг ҳисоботларида ер-сув муносабатлари масаласи ва унинг оқибатлари таҳлили 75-89

III БОБ. РАСМИЙ ҲИСОБОТЛАРДА ЎЛКА ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИНГ ТАСНИФИ 90-120

3.1. Ҳисоботларда ўлка қишлоқ хўжалигига оид маълумотлар 90-104

3.2. Расмий манбаларда солиқлар, савдо ва саноатга оид масалалар 105-120

Хулоса 121-125

Фойдаланган адабиётлар ва манбалар 126-136

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон XXI асрга ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда катта ўзгаришлар билан қадам қўйди. Бундай жаҳоншумул ўзгаришларнинг асл манбаи Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритганлиги бўлди. Истиқлол туфайли халқнинг ўзига хос тараққиёт йўлини танлаши, бой маданиятни улуғлаш, порлоқ келажакка қаратилган миллий мафкурани тарғиб этиш Ватан тарихини ҳаққоний ёритиш ва тадқиқ этишни ҳаётий зарурият қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президент И.А. Каримовнинг асарларида[1], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилда «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» қарорида тарих фани ривожланишини асосий тамойиллари белгилаб берилди[2]. Шу муносабат билан «ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси» ишлаб чиқилди. Мазкур концепцияда Ўзбекистонда қадимги давр қаторида XVI - XIX аср биринчи ярмида давлатчилик тарихи ҳамда XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларидаги мустамлака даврини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш,[3] тарихий воқеаларни бирламчи манбалар асосида ўрганиш алоҳида таъкидланган. Мазкур вазифаларни ҳал этишда манбашунослик ва ҳужжатшунослик фанлари назарий-услубий асосларига таяниб, тарихий манбаларни илмий истеъмолга киритиш талаб этилади.

---

[1] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ, 1998.

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон тарихи. - 1999. - № 1. Б. 15 - 17.

[3] Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси // Ўзбекистон тарихи. - 1999. - № 1. Б. 32.

Президент И. Каримов таъкидлаганидек, «шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланарди»[1].

Шу ўринда, Россия империясининг Туркистондаги ҳукмронлик даври ҳақида маълумот берувчи тарихий манбалар таҳлили ҳам долзарб вазифа бўлиб, бу муаммога доир тарихий тадқиқотларни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Мазкур манбалар қаторида ўлкада фаолият кўрсатган рус маъмурлари ёзиб қолдирган расмий ҳисоботлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Ушбу ҳужжатлар тарихчилар томонидан кам ўрганилган бўлиб, илмий таҳлилга муҳтождир.

Маълумки, Россия империяси Ўрта Осиё хонликларини истило этгач, маҳаллий халқларни итоатда ушлаб туриш учун зўрликка асосланган ҳарбий-маъмурий бошқарув тизимни жорий қилди. Тизимни узоқ вақт ушлаб туриш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Бу бошқарув тизими ўлкани асоратда сақлаш, унинг иқтисодий-табиий ва жисмоний ресурсларидан империя манфаатлари учун фойдаланишда катта рол ўйнади. Империя амалдорларининг бу борадаги фаолияти уларнинг марказга, император ҳукуматига юборган расмий ҳисоботларида ўз аксини топди. Мустамлака даври тарихига бағишланган асарларда бу манбаларга бир неча бор мурожаат қилинган бўлса-да, улар тарихий манба сифатида чуқур ва атрофлича баҳоланмаган. Ваҳоланки, бу манбалар таҳлили империянинг турли соҳалардаги сиёсати қандай асосга қурилганлигини кўрсатиб бериш билан бирга, ушбу сиёсат тафсилотлари билан ҳам таништиради. Шу сабабли, Туркистоннинг мустамлака даври тарихини ёритишда чор маъмуриятининг

[1] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ, 1998. Б. 5.

расмий ҳисоботлари муҳим манба бўлиб, уларнинг манбашунослик нуқтаи-назаридан таҳлили ўлкада юз берган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнлар моҳияти, сабаб ва оқибатларини баҳолаш учун илмий, назарий аҳамият касб этади. Мавзунинг долзарблиги унинг ана шу илмий ва назарий аҳамияти билан белгиланади.

Диссертациянинг даврий чегараси. Мазкур диссертациянинг даврий чегаралари 1867 йилдан 1917 йилгача бўлган воқеликни ўз ичига олади. Чунки, 1867 йил 14 июлда Тукистон генерал-губернаторлиги ташкил топиши билан бу ердаги рус маъмурлари томонидан империя ҳукуматига мунтазам равишда расмий ҳисоботлар ёзила бошланган. Бу жараён 1917 йил февралгача, яъни Россияда император ҳукумати ағдарилиши, Туркистонда генерал-губернаторлик тугатилгунча давом этди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Расмий ҳужжатларни манбашунослик нуқтаи-назаридан ўрганишга оид тадқиқотлар асосан айрим мақолалар кўринишида бўлиб, уларни бу соҳадаги илк ўрганиш сифатида баҳолаш мумкин.

XX асрнинг 50-60 йилларидан бошлаб совет тарихшунослигида Туркистон ва бошқа губерниялар расмий ҳисоботларини манба сифатидаги ўрнини кўрсатувчи туркум тадқиқотлар яратилди. Бу борада А.В. Пясковскийнинг 1905-1907 йилларда ўлкадаги инқилобий ҳаракатлар тарихи бўйича эълон қилган мақоласи биринчи қадам бўлди. У ўз мақоласида 1905-1907 йиллардаги Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишда ўлка ва вилоят губернаторларининг йиллик ҳисоботлари муҳим манба сифатида аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлайди [1].

---

[1] Пясковский А.В. Источники по истории революции 1905 - 1907 гг. в Туркестане. // Проблемы источниковедения. - М.: АН СССР, 1955. С. 148-154.

Н.П. Дятлованинг «Губернаторлар ҳисоботлари - тарихий манба сифатида» номли мақоласида илк бор мазкур манбаларнинг таркибий тузилиши ва таҳлилига эътибор қаратилади[1].

Шунингдек, 2003 йилда тарихчи олимларнинг манбашунослик фани муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжумани ўтказилди. Ушбу анжуман материаллари тўплам шаклида нашр этилиб, ундаги Н.А. Абдурахимова мақоласида губернаторлар ҳисоботларининг тарихий манба сифатидаги аҳамиятига эътибор қаратилган[2].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тадқиқот объектидаги ҳисоботлар Россия империясининг Туркистондаги ҳукмронлигини ёритувчи катта ҳажмдаги адабиётларга манбавий асос бўлиб хизмат қилган. Бу адабиётларни ушбу манбалардан фойдаланиш даражаси, йўналиши, услубий ёндошуви жиҳатидан 3 га бўлиш мумкин:

I. Россия империяси даври нашрлари.

II. Совет адабиётлари.

III. Мустақиллик даври тадқиқотлари.

Биринчи гуруҳга оид асарларнинг муаллифлари асосан юқори амалдорлар, ҳарбийлар, савдо-саноат эгалари бўлиб, минтақада ҳукумат олиб бораётган талончилик сиёсатини қўллаб-қувватлаганликлари табиий. Дастлабки адабиётларда гарчи империянинг Туркистондаги маъмурий-бошқаруви тузилиши ва ўлкадаги олиб

---

[1] Дятлова Н.П. Отчеты губернаторов как исторический источник // Проблемы архивоведения и источниковедение. - Л., 1964. С. 228 - 237.

[2] Абдурахимова Н.А. Губернаторские отчеты по Туркестану и их особенности как исторический источник // Тарихий манбашунослик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари (2003 йил 25 апрел). - Т.: Университет, 2003. С. 9 - 14.

борилаётган сиёсати каби масалалар таҳлил этилгани билан, уларда расмий ҳисоботлардаги маълумотлар учрамайди[1].

XX аср бошида нашр этилган адабиётларда муаллифлар йиллик ҳисоботларга ва вилоят статистика қўмиталари манбаларига мурожаат қила бошладилар. Бу жиҳатдан генерал-лейтенант М.А. Терентьевнинг асарини қайд этиш мумкин[2]. Унда Ўрта Осиёнинг босиб олиниши ва мустамлакага айлантирилиши билан боғлиқ тарихий воқеалар ёритилиши билан бирга К.П. фон Кауфманнинг фаолиятига алоҳида тўхтаб ўтилган. Шунингдек, унда К.П. Кауфман ҳисоботи материаллари ҳам ўрин олган эди[3].

Мазкур даврда шунингдек, Туркистоннинг иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ қатор адабиётлар вужудга келди[4]. Ушбу асарларда асосан масалага империя манфаатларидан келиб чиқиб ёндошилади. Аксарият юқори мартабали амалдорлар бўлган муаллифлар бу асарларни вилоят статистик қўмиталари маълумотлари ва ҳисоботларига таянган ҳолда яратганлар. Масалан, Н.И. Малаховский ўз асарида статистик қўмиталар маълумотларига суяниб, ўлкадан олиб кетилган бойликлар ҳақида ахборот тарзида маълумот беради[5]. Шундай ёндошиш С.И. Гулишамбаровга ҳам тегишлидир[6].

---

[1] Романовский Д.И. Заметки по Среднеазиатскому вопросу. - СПб., 1868; Костенко А.Ф. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. - СПб., 1871; Григорьев В.В. Русская политика в отношении Средней Азии. - СПб., 1906.

[2] Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. - СПб., 1906. Т. III.

[3] Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. - СПб., 1906. Т. III. С. 271-293.

[4] Массальский В.И. Хлопковое дело в Средней Азии. - СПб., 1892; Фёдоров Н.П. Хлопководство в Средней Азии. - СПб., 1898; Стеткевич А. Убыточен ли Туркестан для России. - СПб., 1899; Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. - СПб., 1908; Малаховский Н.И. Производственные силы Туркестана. - СПб., 1909; Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркестанского района обслуживаемого Среднеазиатской железной дорогой. - Асхабад, 1913; Оглоблин В.И. Промышленность и торговля Туркестана. - М., 1914; Юферов В.И. Труд в хлопковых хозяйствах Туркестана. - М., 1914.

[5] Малаховский Н.И. Производственные силы Туркестана. - СПб., 1909.

[6] Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркестанского района обслуживаемого Среднеазиатской железной дорогой. - Асхабад, 1913.

Бундай адабиётларда расмий ҳисоботлардаги маълумотлар қайд этилган ҳолда, уларга жиддий танқидий фикр-мулоҳазалар ё муносабат билдирилмаган.

Совет даврида яратилган Туркистон тарихига оид адабиётларда ўлкадаги мустамлакачилик сиёсати, унинг асосий йўналишлари, ҳудуднинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти кенг ёритилган бўлиб, улар рус маъмурияти ҳисоботларига кенг мурожаат қилганлар. Масалан, 20 йилларда Г.И. Сафаров[1] статистик маълумотларни таҳлил этиб, асосли далиллар асосида метрополиянинг ўлка бойликларини аёвсиз талаганлигини фактлар билан асослаб берган.

П.Г. Галузо тадқиқотида эса руслаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари кўрсатиб берилган ва бу миллий-озодлик ҳаракатларининг асосий омилларидан бўлганлиги таъкидланган. П.Г. Галузо расмий манбалар ичида алоҳида аҳамиятга эга бўлган Ф.К. Гирс ва К.К. Пален тафтиш ҳисоботларини таҳлил этиб, рус ҳарбий-маъмурий бошқарувини мустамлакачилик моҳиятини очиб беради[2].

Юқорида тилга олинган бу тадқиқотларда масалага холис ёндошув яққол кўзга ташланади.

Расмий ҳисоботлардаги материаллардан кенг фойдаланган яна бир совет муаллифи А.П. Демидов[3] бўлиб, у Туркистонда пахтачилик соҳасини ривожланиши билан боғлиқ масалаларни ёритган. У бу масалани ёритишда вилоят ҳарбий губернаторларининг йиллик ҳисоботларидаги статистик иловалардан кенг

---

[1] Сафаров Г.И. Колониальная революция (опыт Туркестана). - М., 1921.
[2] Галузо П.Г. Туркестан - колония. - М.: Госиздат, 1929. С. 57.
[3] Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности Туркестана. - М.: Госиздат, 1926.

фойдаланган. Чунончи у 1888 - 1917 йиллардаги экилган пахта майдонларини алоҳида ва умумлаштирган ҳолида ёритиб берган[1].

XX асрнинг 30-йилларига келиб собиқ иттифоқда маъмурий-буйруқбозлик тизимининг қарор топиши ва мустаҳкамланиши тарихий тадқиқотларга мафкуравий тайзиқни кучайиши, уларнинг мазмунига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Лекин тарихий фактларнинг бойлиги совет адабиётларининг катта ютуғи бўлди. Совет даврида Туркистон тарихини турли соҳаларини ёритувчи кўплаб тадқиқотлар яратилди ва уларда совет тузуми чоризм ҳукмронлигидан афзаллиги, унга барҳам берганлиги ҳақидаги ғоя устивор бўлиб қолди. Бу даврда А. Аминов, М. Вяткин, А. Савицкий, А. Содиқов, А. Юлдашев, Н. Халфин, Ҳ. Зиёев, М. Вексельман ва бошқалар[2] томонидан ўлка иқтисодий ҳаётини акс эттирган илмий адабиётлар тайёрланди.

А. Аминов монографиясида статистик иловалардаги фактларга таяниб Туркистонда саноатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ёритилса, А.М. Юлдашев ва А. Савицкий асарларида Россиянинг ўлкадаги аграр сиёсатининг асосий йўналишлари таҳлил этилди.

А. Савицкий ўз монографиясининг кириш қисмида К.П. Кауфман ва Ф.К. Гирс ҳисоботлари ўзининг ушбу тадқиқотида асосий манба бўлиб хизмат қилганини алоҳида таъкидлаган[3].

---

[1] Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства... С. 36, 43.

[2] Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). - Т., 1959; Вяткин М.П. Монополистический капитал в Средней Азии. - Фрунзе: Академия наук КиргССР, 1962; Савицкий А.П. Поземельный вопрос в Туркестане. - СамГУ, 1963; Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане. - Т.: Узбекистан, 1969; Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России. - М.: Наука, 1965; Садыков А.С. Россия и Хива в конце XIX - начала XX вв. - Т.: Фан, 1979; Х.З. Зиёев. Ўзбекистон пахтачилиги тарихидан. - Т.: Фан, 1980; Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX- начало XX вв.). - Т.: Фан, 1987 ва бошқалар.

[3] Савицкий А.П. Поземельный вопрос в Туркестане... С. 12.

Лекин, муаллиф ҳисоботлардаги маълумотларни кўп ҳолларда таҳлилсиз келтириб ўтган.

М.И. Вексельман ўз тадқиқотида вилоят ҳарбий губернаторларининг ҳисоботлари ва статистик иловаларга таянган ҳолда ўлкадаги ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожланишида рус капиталининг ўрнини кўрсатиб берган.

Мазкур даврда Туркистоннинг мустамлака тарихи ижтимоий-сиёсий ҳаётини, миллий-озодлик ҳаракатларини ёритувчи қатор адабиётлар юзага келди[1]. Бироқ, ушбу асарларда расмий ҳисоботларнинг тарихий ва манбавий аҳамиятига мавзу моҳиятидан келиб чиқиб алоҳида тўхталиб ўтилмаган. Умуман, совет даври адабиётларида расмий ҳисоботлар маълумотларидан кенг фойдаланиб, уларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланса-да, манбавий таҳлил этилмади. Уларда масалага ёндошувнинг мустамлакачилик моҳияти, империя ҳукуматининг стратегик мақсадлари кўрсатиб берилмади. Чунки, совет ҳукумати кўп соҳаларда Россия империясининг вориси бўлиб, бу масалаларга урғу беришни истамас, аксинча, хаспўшлашга интиларди.

Истиқлол шарофати билан мустақиллик йилларида халқимизнинг бой ўтмишини ўрганиш, уни илмий асосда, холисона тадқиқ этиш тарихчилар олдидаги бош вазифага айланди. Бу йилларда Туркистоннинг мустамлака даври тарихини қайта кўриб чиқиш ва чуқур ўрганишга фаол киришилди.

---

[1] Тухтаметов Т.Г. Русско-бухарские отношение в конце XIX - начале XX вв. - Т.: Фан, 1966; Хидоятов Г.А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце XIX в. - Т.: Фан, 1969; Турсунов Х.Т. Восстание 1916 г. в Средней Азии и Казахстане. - Т.: Госиздат УзССР, 1962; Ковалев П.А. Революционная ситуация 1915 - 1917 гг. и ее проявления в Туркестане. - Т.: Фан, 1971; Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края (1865 - 1917 гг.). - М.: Наука, 1980; Левтеева Л.Г. Присоединение Средней Азии к России в мемуарных источниках. - Т.: Фан, 1986; Ахмеджанов Г.А. Советская историография присоединения Средней Азии к России. - Т.: Фан, 1986.

Энг аввало совет даврида моҳияти бузиб кўрсатилган миллий-озодлик ҳаракатлари масалалари қайта кўриб чиқилди ва бу Ҳ. Зиёев, Д. Зиёева, З. Чориев, Ж. Исмоилова, Ҳ. Содиқов, Х. Юнусова, О. Суюнова ва бошқа тарихчи олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топди[1].

Ушбу муаллифлар ўз илмий тадқиқотлари мавзуси моҳиятидан келиб чиққан ҳолда расмий ҳисоботлардаги маълумотлардан кенг фойдаландилар.

Масалан, Д.Ҳ. Зиёева 1916 йилги қўзғолоннинг манбалари ҳақида фикр юритиб, бу масалада ҳарбий губернаторлар, уезд ва участка маъмурларининг ахборотларини манба сифатида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини, уларда ҳали илмий муомалага кирмаган кўплаб маълумотлар мужассам эканлигини таъкидлайди[2].

З.У. Чориев Туркистонда Россияга мардикорларнинг сафарбар этилишини ёритган тадқиқотларида вилоят ҳарбий губернаторлари ҳисоботлари ва уезд ҳамда волост бошқарувчилари ахборотларини кенг таҳлил қилади ва шу асосда мавзунинг моҳиятини очиб беради[3].

Бироқ, ушбу муаллифлар расмий ҳисоботларни фақатгина ўрганилаётган мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўрганиб, уларнинг манбавий таҳлилига тўхталиб ўтмаганлар.

---

[1] Ҳ. Зиёев. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. - Т.: Шарқ, 1998; Д.Ҳ. Зиёева. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. - Т., 2000; З. Чориев. Туркистон мардикорлари. Сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916 - 1917 йиллар). - Т., 1999; Ж. Исмоилова. Туркистонда 1916 йил мардикорликка сафарбарлик. // Ўзбекистон тарихи. 2002. - № 1. Б. 31 - 37; Ҳ. Содиқов. XX аср бошларида чоризмнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати ва истиқлол учун кураш. Док. дисс. - Т., 1994; Юнусова Х.Э. Тошкентда 1892 йилги халқ қўзғолони. - Сариёғоч, 1998; Суюнова О. Национально-освободительная борба 1916 года в Туркестане (на примере Сырдарьинской области).: Автореф. ... дисс. канд. ист. наук. - Т., 1997 ва б.

[2] Зиёева Д.Ҳ. 1916 йил қўзғолони тарихшунослиги ва манбалари. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1997. - № 1-2. Б. 53 - 56.

[3] Чориев З. Туркистон мардикорлари. Сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916 - 1917 йиллар). - Т., 1999.

Бу хусусият мазкур даврда Россия империясининг Туркистондаги маъмурий-бошқарув тизими, миллий сиёсати ва руслаштириш сиёсати каби мавзуларни тадқиқ қилган Ғ.А. Ахмаджонов, Ф.Б. Исҳоқов, Н.А. Абдурахимова, Г. Рустамова, Ж. Исмоилова ва бошқаларнинг асарларига ҳам хос бўлиб, масалага тарихий ёндошув билан чекланган холос[1].

Масалан, Ф.Б. Исҳоқов ўз тадқиқотида Россиянинг ўлкада олиб борган миллий сиёсати, руслаштириш ва маънавий-маърифий соҳаларда юритган қаттол сиёсатини ёритишда бошқа манбалар билан биргаликда К.П. Кауфман, Ф.К. Гирс ва К.К.Пален ҳисоботларига таянган ҳолда иш кўрган[2].

Н.А. Абдурахимованинг тадқиқоти Туркистондаги рус мустамлакачилик тизими ва унинг хусусиятларига бағишланиб, у ҳам К.П. Кауфман ҳисоботи ва Ф.К. Гирс ҳамда К.К. Паленнинг тафтиш ҳисоботларидаги мавзуга оид маълумотларини таҳлил қилиб ўтган[3].

Ж. Исмоилова эса ўз тадқиқотида Сирдарё вилояти статистик иловаларига таяниб, Тошкентнинг «янги шаҳар» қисмидаги ижтимоий ҳаётни фактик маълумотлар асосида кенг ёритиб берган[4].

---

[1] Ахмеджанов Г.А. Российская империя в Центральной Азии. - Т.: Фан, 1995; Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867 - 1917 гг.). - Т.: Фан, 1997; Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX-начало XX вв.): Диссертация на соискания ученой степени доктора исторических наук. - Т., 1994; Рустамова Г.К. Колониальная сущность царской и большевистической власти в Туркестане (1967 - 1924 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Т., 1999; Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Тошкентнинг «янги шаҳар» қисми тарихи. - Т.: Фан ва технология, 2004.

[2] Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867 - 1917 гг.). - Т.: Фан, 1997.

[3] Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX-начало XX вв.): Диссертация на соискания ученой степени доктора исторических наук. - Т., 1994.

[4] Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Тошкентнинг «янги шаҳар» қисми тарихи. - Т.: Фан ва технология, 2004.

Истиқлол йилларида Туркистон ўлкаси иқтисодий ҳаёти тарихи билан Н.У. Мусаев, Х.Ш. Авазова, М.Р. Жабборов, Н.Ю. Потапова ва бошқалар илмий тадқиқотлар яратди[1].

Н.У. Мусаевнинг докторлик диссертацияси Туркистондаги саноат ишлаб чиқаришининг вужудга келиши ва ривожланиши масалаларига бағишланиб, унда вилоятлар йиллик ҳисоботларининг статистик шарҳларидаги кўплаб маълумотлар умумлаштирилиб ўрганилган[2].

М.Р. Жабборовнинг номзодлик диссертацияси гарчи «Туркистон тўплами» асосида Фарғона вилояти тарихини ўрганиш масалаларига бағишланган бўлса-да, унда муаллиф мавзуга ёндошиш жараёнида Фарғона вилояти йиллик ҳисоботларининг иловаларидаги қишлоқ хўжалиги, саноат, савдо ва ҳунармандчиликка оид бўлган кўплаб маълумотларни келтириб ўтган[3].

Н.Ю. Потапованинг номзодлик диссертацияси XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистондаги тадбиркорлик тарихи масалаларига бағишланиб, унда муаллиф минтақадаги саноат корхоналарнинг вужудга келиши ва ривожланиши, хусусий рус фирмаларининг фаолияти ва бошқа мавзуларни ўрганиш жараёнида Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари йиллик ҳисоботларининг статистик иловаларидан кенг фойдаланган[4].

---

[1] Авазова Х.Ш. Развитие банков и фирм в Туркестане во второй половине XIX - начала XX вв.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Т., 1997; Мусаев Н.У. Формирование и развитие промышленного производства в Туркестане (конец XIX - начало XX вв.): Автореф. дисс.. док. ист. наук. - Т., 1999; Жабборов М.Р. Освещение истории Ферганской области в «Туркестанском сборнике» (конец XIX - начала XX вв.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Т., 2000; Потапова Н.Ю. История предпринимательства в Туркестане (вторая половина XIX - начала XX вв.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. - Т., 2002 ва б.

[2] Мусаев Н.У. Формирование и развития промышленного производства в Туркестане (конец XIX - начала XX вв.): Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - Т., 1999.

[3] Жабборов М.Р. Освещение истории Ферганской области в «Туркестанском сборнике» (конец XIX - начала XX вв.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. - Т., 2000.

[4] Потапава Н.Ю. История предпринимательства в Туркестане (вторая половина XIX - начала XX вв.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Т., 2002.

Иқтисодий ҳаётни ўрганишда катта ютуқлар қўлга киритилганлигига қарамай, расмий ҳисоботларни мазкур мавзу доирасида ҳам кенгроқ таҳлил этиб, уларнинг тарихий манба сифатидаги ўрнини илмий-тадқиқ этиш муаммоси ҳали ҳам ўз ечимини кутмоқда.

Шунингдек, мустақиллик йилларида чоп этилган ўқув қўлланмалари ва дарсликларда рус маъмурлари ҳисоботларидаги маълумотлар маълум даражада ўз аксини топган[1].

Туркистоннинг Россия империяси ҳукмронлиги даври тарихи хориж тарихшунослигида ҳам кенг ўрганилганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

МДҲ давлатлари орасида Қозоғистон ва Россия тарихчилари[2] бу соҳада маълум тадқиқотларни амалга оширдилар.

Рус тарихчиси Д.В. Васильев Туркистон генерал-губернаторлиги бошқарув тузилишига оид мақоласида К.П. Кауфман, Ф.К. Гирс ва К.К. Пален ҳисоботларига таянган ҳолда К.П. фон Кауфманнинг бошқарув соҳасидаги фаолиятини расмий ҳисоботлар орқали таҳлил қилган[3].

Европа ва Америка тарихшунослари ҳам Туркистон тарихининг баъзи бир жиҳатларини умумий тарзда ўрганишга ҳаракат қилдилар. Бу ўринда немис тарихчиси Франк Гольчевский Россия империясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини уму-

---

[1] Ўзбекистон халқлари тарихи. II жилд. - Т.: Фан, 1993; Бобобеков Ҳ. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1999; Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. - Т.: Шарқ, 2000; Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. - Т.: Шарқ, 2001; Ҳидоятов Г.А., Кастецкий В.А. Ўзбекистон тарихи. 9 синф учун. - Т., 2002.

[2] Царская колонизация в Казахстане по материалам русской периодической печати. - Алма-Аты, 1995; Прошлое Казахстана в источниках и материалах. - Алма-Аты, 1998.

[3] Васильев Д.В. Организация и функционирование главного управления в Туркестанском генерал-губернаторстве (1865-1884 гг.). // Вестник Московского университета. Серия История. - М., 1999. - №3. С. 48-63.

мий тарзда ёритишга ҳаракат қилган[1]. Лекин у Туркистондаги рус маъмуриятининг расмий ҳисоботларига мурожаат қилмаган.

Шунингдек, М.М. Блиева, В.В. Дегоева, Н.С. Киняпинадан иборат муаллифлар гуруҳининг XIX асрда Россиянинг Кавказ ва Ўрта Осиёдаги сиёсатининг хориж тарихшунослигида ўрганилиши масалаларига бағишланган мақолаларида Америка ва ғарб тарихчиларидан Маев, Р. Пирс, С. Бекер, Дж Морган, М. Янн, Э. Каррер Д. Анкосс каби тарихчиларининг асарларига баҳо берар экан, улар ҳам бу омилга эътибор бермаганлар[2].

Америка тарихчилари Мейер ва Брайсекнинг 1999 йилда эълон қилинган Ўрта Осиё минтақаси учун Россия ва Англия ўртасидаги кураш масалаларини ёритувчи илмий ишларида ҳам Туркистондаги расмий манбалардан умуман фойдаланилмаган[3].

Хуллас, Туркистондаги рус маъмуриятининг расмий ҳисоботларидан ватан тарихшунослигида кенг фойдаланилган бўлса-да, улар манбашунослик нуқтаи-назаридан таҳлил этилмаган. Бу манбалардаги материаллар ҳалигача тўлиқ илмий истеъмолга киритилмаган. Шу сабабли мазкур мавзу илмий-тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари. Диссертациянинг асосий мақсади Туркистонда Россия империяси ташкил этган ҳукуматининг маъмурияти томонидан тайёрланган расмий ҳисоботларни тарихий манба сифатида таҳлил этиш бўлиб, бунда асосий эътибор ушбу ҳужжатларни тури ва мазмуни жиҳатидан баҳолаб, классификация қилиш орқали Россия империясининг Туркистондаги мустамлакачилик фаолиятини атрофлича ёритиб

---

[1] Frank Golszewski. Russlands Zentralasiatische Expansion im lichte der neweren sowjetischen jeschechtsinterpetation // Osteuropa N 6. 1980. S. 481 - 493.
[2] Вопросы истории. - 1988. - № 4. С. 37 - 54.
[3] Meyer, Karl E., Brysac, Shareen Bluir. Tournament of Shadows: The Great Game and Race for Empire in Central Asia. - Washington D.C., 1999.

беришга қаратилган. Манбашунослик ва тарихшуносликнинг назарий-услубий асосларига таянган ҳолда диссертацияда қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш белгиланди:

- расмий ҳисоботларни таркибий жиҳатдан мунтазам ёзиб борилган ва сиёсий-стратегик йўналишдаги ҳужжатлар сифатида туркумлаш, ҳамда уларни ички ва ташқи таҳлил этиш;

- ҳисоботлардаги маълумотлар асосида Россия империясининг ўлкадаги ҳарбий-маъмурий бошқарувни ташкил этиш борасидаги фаолиятини таҳлил этиш;

- минтақага рус аҳолисини кўчириб келтириш ва шу билан боғлиқ чора-тадбирларни акс эттирувчи ҳужжатларни таҳлил этиш;

- Туркистон маъмуриятининг ижтимоий соҳада олиб борган мустамлакачилик фаолияти ва унинг оқибатларини ҳисоботлардаги маълумотлар орқали ёритиб бериш;

- Россия империясининг минтақада олиб борган аграр сиёсати ва унинг оқибатларини махсус комиссиялар ҳисоботларини таҳлил этган ҳолда ўрганиш;

- ҳисоботлардаги ҳудуднинг хом-ашё базасига айлантирилиши, қишлоқ хўжалиги аҳволига оид статистик маълумотларни умумлаштирган ҳолда таҳлил этиш;

- империянинг савдо ва солиқ соҳаларида олиб борган сиёсатини ҳисоботлар орқали ўрганиш;

- XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида капиталистик муносабатларнинг кириб келиши ва унинг иқтисодий ҳаётга таъсирини манбалар орқали ёритиб бериш.

Диссертациянинг назарий-услубий асослари. Бу асослар энг аввало жаҳон илм-фани томонидан тўпланган янгича сиёсий фикрлаш, ижтимоий жараёнларни назарий ва услубий таҳлил

қилиш билан белгиланади. Тадқиқотда ўрганилаётган манбалар Ўзбекистоннинг янги тарихи концепцияси нуқтаи-назаридан ёндошув асосида ўрганилган.

Диссертациядаги услубий ёндошувлар ҳамда мавзуга оид концепцияларни ишлаб чиқишда Республика Президенти И.А. Каримов асарларининг аҳамияти катта бўлди. Бу асарларда миллий мустақил ривожланишнинг назарий-услубий тамойиллари шакллантирилган.

Тадқиқ этилаётган манбаларда акс этган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётни ёритишда тарихийлик, холислик ҳамда диалектик тамойилларга амал қилинди.

Шунингдек, махсус тарих фанлари (манбашунослик, тарихшунослик, ҳужжатшунослик) услублари асосида ҳисоботлар ички ва ташқи жиҳатдан таҳлил қилинди. Ҳамда ушбу ҳужжатлар тури ва мазмунига кўра туркумланди.

Тадқиқотда индукция ва дедукция, тарихий-қиёсий таҳлил услублари кўтарилган масалаларни илмий асосланган ҳолда ҳал этишда муҳим аҳамият касб этди.

Ундан ташқари, тадқиқотнинг илмий-услубий асосини ишлаб чиқишда манбашунослик бўйича ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Тадқиқотнинг асосий манбалари катта ҳажмда бўлиб, уларни 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Туркистон генерал-губернаторлари ҳисоботлари.
2. Вилоят ҳарбий губернаторлари йиллик ҳисоботлари.
3. Тафтиш комиссияси (Ф.К. Гирс, К.К. Пален) ва Туркистонда хизмат сафарида бўлган марказ амалдорлари ҳисоботлари (А.В. Кривошеин).

20 06 431 | Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

4. Йиллик ҳисоботларга илова тарзида тайёрланган статистик шарҳлар.

Ўлка генерал-губернаторлари ва ҳарбий губернаторлар ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг (ЎзР МДА) «Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси» - (ф. И-1), «Сирдарё вилоят бошқармаси» - (ф. И-17), «Самарқанд вилоят бошқармаси» - (ф. И-18), «Фарғона вилоят бошқармаси» - (ф. И-19) номли жамғармаларида сақланади. Мазкур жамғармаларда, шунингдек, уезд ва участка бошқарувчилари ахборотлари ҳам ўрин олган.

Туркистон ўлкаси ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олувчи маълумотлар статистик иловаларда акс этган бўлиб, ушбу манбалар вилоят статистик қўмиталари томонидан тайёрланган. Тадқиқот иши бўйича Самарқанд вилояти статистик иловалари (1887-1909 йиллар, жами 21 та), Сирдарё вилояти статистик иловалари (1885-1914 йиллар, жами 29 та) ва Фарғона вилояти статистик иловалари (1884-1913 йиллар, жами 29 та) муҳим базавий асос бўлиб хизмат қилди[1].

Расмий ҳисоботлар таркибига кирувчи Ф.К. Гирс ва К.К. Паленнинг тафтиш ҳисоботлари ҳамда империя вакили бўлган А.В. Кривошеин ҳисоботлари ҳам диссертация манбаларининг катта туркумини ташкил этган[2].

---

[1] Обзор Самаркандской области за 1887 - 1909 гг., Самарканд-Ташкент, 1888 - 1912; Обзор Сыр-Дарьинской области за 1885 - 1914 гг. - Ташкент, 1886 - 1916; Обзор Ферганской области за 1884 - 1913 гг. - Новый Маргелан (Скобелев), 1889 - 1916.

[2] Отчет о состоянии Туркестанского края, составленный сенатором тайным советником Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению. В 2-х частях - Ч. 1. Администрация. Управление краем; Ч. 2. Суд. Финансы. - СПб., 1888; Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К.К. Паленом. Вып. 1-18. - СПб., 1909 - 1910; Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. Приложение к всеподданейшему докладу. - СПб., 1912.

Ушбу тадқиқот ишини ёзишда маҳаллий тарихчилар асарлари, жумладан, Қўқон шаҳри қозиси муҳаммад Юнус ибн Муҳаммад Тоибнинг «Тухфаи Тоиб», Марғилон ҳокими девони котиби Муҳаммад Азиз ибн Муҳаммад Ризо Марғилонийнинг «Тарихи Азизий», Фозилбек Отабек ўғлининг «Дукчи Эшон воқеаси» номли асарларидан ҳам муҳим тарихий манба сифатида қиёсий таҳлил учун фойдаланилди[1].

Диссертациянинг илмий янгилиги. Диссертацияда миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига таянган ҳолда архив фондларидаги ҳужжатлар ва бошқа бирламчи манбаларнинг танқидий-илмий таҳлили ҳамда ўзаро солиштириш ва умумлаштириш асосида, янгича ёндашувга асосан ўзбек манбашунослигида илк бора Туркистонда хизмат қилган империя маъмурларининг расмий ҳисоботларини тарихий манба сифатидаги аҳамиятини ёритишга ҳаракат қилинди. Тадқиқотда биринчи бор расмий даражадаги ҳисоботлар тури ва мазмунига кўра мунтазам ёзиб борилган ва сиёсий-стратегик йўналишдаги ҳужжатлар туркумига ажратилиб ўрганилди.

Шунингдек, Туркистон ўлкаси бошқарув тизимини ташкил этиш ҳамда ижтимоий ҳаётга доир кўплаб фактик маълумотлар умумлаштирилган ҳолда ёритиб берилди.

Тадқиқотда ҳукуматнинг ўлкада аграр соҳа бошқарувини тартибга солиш баҳонасида олиб борган мустамлакачилик сиёсати биринчи бор ҳисоботлар орқали манбашунослик фани нуқтаи-назаридан холис таҳлил этиб берилди.

---

[1] Муҳаммад Йунус ибн Мухаммад Амин Х^{в}аджа (Та'иб). «Тухфа-йи Та'иб». Подготовка к изданию и предисловие: Б.Н. Бабаджанов, Ш.Х. Вахидов, Х.Комацу. - Ташкент-Токио, 2002; Мухаммад Азиз Марғилоний «Тарихи Азизий» (Фарғона чор мустамлакачилиги даврида). Нашрга тайёрловчилар ва сўзбоши муаллифлари Ш. Воҳидов. Д. Сангирова. - Т.: Маънавият, 1999; Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси. Фарғонада истибдод жаллодлари. Нашрга тайёрловчилар: С. Аҳмад, У. Долимов, Ш. Ризаев. - Т.: Чўлпон, 1992.

Шунингдек, расмий ҳисоботлар доирасида Туркистоннинг XIX аср охири ва XX аср бошидаги қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ ва саноатга оид бўлган эмпирик (фактик) маълумотлар умумлаштирилган ҳолда таҳлил этилиб, илмий хулосалар берилди.

Диссертациянинг амалий аҳамияти. Тадқиқот иши Ўзбекистон тарихининг янги манбалар билан бойитишга хизмат қилади. Диссертациядан Туркистоннинг Россия империяси мустамлакачилиги даври тарихини ёритишда ҳамда олий ўқув юртларида тарихчи мутахассислар тайёрлашда, манбашунослик бўйича махсус курсларда, ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда, маъруза ва амалий машғулотларда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Муаллиф диссертация мавзуси бўйича қуйидаги илмий-амалий анжуманларда маърузалар қилган: «Бағрикенглик - жамият барқарорлигининг асоси» (Т., 2004); «Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар» (Т., 2005). Шунингдек, тадқиқот хулосалари илмий тўпламлар ва журналларда эълон қилинган мақолаларда ўз ифодасини топган.

Илмий тадқиқотнинг апробацияси. Диссертация мавзуси ЎзР ФА Тарих институти қошидаги Мувофиқлаштирувчи кенгашда тасдиқланган. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети тарих факультетининг факультетлараро «Ўзбекистон тарихи» ва «Манбашунослик ва махсус тарих фанлари» кафедралари қўшма йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган. Шунингдек, илмий иш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ҳамда ЎзР Фанлар Академияси Тарих институти илмий семинарларида муҳокамадан ўтган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлардан иборат.

I БОБ. ТУРКИСТОН МАЪМУРИЯТИНИНГ РАСМИЙ ҲИСОБОТЛАРИНИ УМУМИЙ ТАСНИФИ

I. 1-§. Мунтазам равишда ёзилган ҳисоботлар таснифи

Туркистоннинг XIX аср охири - XX аср бошидаги тарихига оид манбалар ниҳоятда кенг қамровли ва катта ҳажмда бўлиб, улар рус ва маҳаллий муаллифлар қаламига мансубдир. Рус муаллифлари қаламига мансуб манбалар ўз навбатида бир неча йўналишларга - матбуот материаллари, хотира ва эсдаликлар, турли мавзуларда яратилган тадқиқотлар ва расмий ҳужжатларга бўлинади. Бу манбалар ичида расмий ҳужжатлар, аниқроғи ҳисоботлар алоҳида ўрин тутади. Чунки, бу ҳужжатлар ўлкани ҳарбий асосда бошқарган маъмуриятнинг турли соҳалардаги фаолиятини ва ҳолатини акс эттиради.

Расмий ҳисоботлар таркиби жиҳатидан бир неча хил кўринишда бўлиб, аввало уларни тури ва мазмунига кўра туркумлаш зарур. Шунга мувофиқ вилоят ва ўлка губернаторлари йиллик ҳисоботлари ва уларнинг статистик иловаларини мунтазам равишда ёзилган ҳисоботлар гуруҳига киритиш керак. Чунки, император томонидан ўлкага тайинланган вилоят ва ўлка губернаторларига ҳар йили подшо номига йиллик ҳисоботлар ёзиш мажбурияти юклатилган ва бу жараён даврий изчилликда давом этган.

Йиллик ҳисоботлар губернаторлар томонидан ўзига бириктирилган вилоят ва губерниянинг бир йиллик ҳаётини акс эттирувчи маълумотлар мажмуи бўлиб, унда барча соҳалар қамраб олинган.

Аслида Россия империясининг ўзида губернаторлар ҳисоботи 1804 йилдан йўлга қўйилган бўлиб,[1] 1870 йили Министрлар Кабинети ҳисоботларнинг янги тартибини ишлаб чиқади. Мазкур ҳужжатга кўра ҳисоботлар 2 қисмдан иборат бўлиб, 1-қисмда губерниянинг муҳим соҳалари қисқа ҳолда ёритилиши лозим эди. Шунингдек, бу қисмда подшо диққатини тортувчи таклиф-мулоҳазалар бўлиши керак эди.

Иккинчи қисм - ушбу ҳисоботларнинг иловаси бўлиб, унда статистик шарҳлар, губерниянинг иқтисодий ҳаёти ва бошқа соҳалар тўлиқ ёритилиши талаб этилган[2].

Йиллик ҳисоботлар императорга унинг шахсий маҳкамаси - 1-бўлим орқали тушган. Шундан сўнг императорнинг эътирозлари, таклиф-мулоҳазалари ёки диққат-эътиборини тортувчи масалаларга алоҳида белгилар қўйилган. Ушбу масалалар Министрлар Кабинетида кўриб чиқилиши ва унинг ижроси таъминланиши лозим эди[3].

1880 йилгача губернаторлар ҳисоботлари 3-4 нусхада қўлёзма ҳолида ёзилиши зарур бўлиб, уни нашриётда кўпайтириб, тарқатишга рухсат берилмаган.

Иловалардаги статистик шарҳлар ҳам 1870 йилгача қўлёзма ҳолида бўлиб, кейинчалик уларни кўпайтириб тарқатишга рухсат берилган[4].

1867 йили Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиши билан минтақадаги губернаторларга ҳам юқорида таъкидланган вазифалар юкланди. Бу ҳол Россия империясининг 1876 йилги

---

[1] Дятлова Н.П. Отчеты губернаторов как исторический источник // Проблемы архивоведения и источниковедения. - Л., 1964. С. 228.
[2] Дятлова Н.П. Отчеты губернаторов как исторический источник... С. 231.
[3] Ўша жойда. С. 235.
[4] Ўша жойда. С. 237.

қонунлар тўпламининг 629-модда 1-банди билан қонуний асосга эга бўлди[1].

Шунга қарамай, Туркистон ўлкасида 1882 йилгача бундай ҳисоботлар ёзилмаган. Буни ўлкани тафтиш қилган махфий маслаҳатчи Ф.К Гирс ҳам ўз тафтиш ҳисоботида қайд этиб ўтган[2]. 1882 йилдагина ўлка губернатори Кауфман ўзининг бошқарув даври учун 14 йиллик яхлит ҳисоботни тайёрлайди.

1870 йилда киритилган ҳисоботлар тартиби императорни қониқтирмаган бўлса керак, 1897 йил 11 апрелда подшо топшириғи билан Министрлар Кабинети йиллик ҳисоботларни яна янги шаклини жорий қилади[3].

Мазкур тартиб ҳақида хабар берувчи ҳужжатда қайд этилишича, ўша вақтгача ёзилган йиллик ҳисоботлар 2 мақсадга хизмат қилган:

1) Олий ҳукуматга (императорга) губерниялар ҳолати хусусида бевосита маълумотлар етказиш;

2) Ҳукумат маҳкамалари учун йиллик статистик маълумотлар етказиш[4].

Лекин, ушбу ҳисоботларда факт ва рақамларнинг кўплиги императорни муҳим мавзулардан чалғишига олиб келган. Шу сабабли ҳисоботларни янги тартибига кўра, губернаторлар вилоят ва губерниянинг иқтисодий ва сиёсий соҳаларини қисқа ҳамда ўз таклиф ва мулоҳазалари билан бойитган ҳолда ёзишлари зарур бўлган. Иловалар фақат статистик мазмун касб этиб, унда тўлиқроқ маълумотлар берилиши талаб қилинган[5]. Сўнгги 20 йил,

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 1605-иш, 2-в.
[2] Гирс Ф.К. Отчет о состоянии Туркестанского края. - СПб., 1888. С. 24.
[3] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 1605-иш, 3-в.
[4] Ўша жойда.
[5] Ўша жойда.

яъни 1897-1917 йиллар давомида Туркистонда ҳам расмий ҳисоботлар шу тартибда ёзилган.

Ҳар бир вилоятнинг йиллик ҳисоботлари вилоят ҳаётини турли соҳаларида кечган ўзгаришлар жараёнини ёритиб беради ва империя ҳукуматининг ўлкада олиб борган мустамлакачилик сиёсатининг моҳияти ва хусусиятларини очиб беришга хизмат қилади.

Ҳисоботнинг мазмуни кўп жиҳатдан уни ёзаётган губернатор шахси билан боғлиқ бўлган. Уларнинг баъзилари ўзи бошқараётган ҳудуд аҳволини очиқ, танқидий ҳолда баён этган бўлса, аксарият қисми бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни хаспўшлаб, бошқача кўрсатганлар. Ушбу манбаларда айрим ҳолларда нотўғри статистик маълумотлар ҳам учраб турган.

Мазкур ҳужжатларни таҳлил этишда энг аввало улар асосланган манбаларга - дастлабки маълумотларга эътибор қаратиш лозим.

Вилоят ҳарбий губернаторлари қайд этган маълумотлар волост ва уезд бошлиқларининг ахборотларига асосланган. Шундай ахборотлардан бири сифатида 1877 йили 15 августда Марғилон уезди бошлиғи томонидан ёзилган маълумотни мисол келтириш мумкин. Унда уезднинг маъмурий бўлиниши, ер майдони, аҳолиси, мачит-мадрасалар сони ва бошқа маълумотлар келтирилган[1].

Бундай ахборотлар сифатида Самарқанд вилоятига қарашли уездлар бошлиқлари тайёрлаган маълумотларни ҳам кўрсатиш мумкин[2].

---

[1] ЎзР МДА. 19-жамғарма, 1-рўйхат, 22594-иш, 3-5-варақлар.
[2] ЎзР МДА. 18-жамғарма, 1-рўйхат, 3665, 3973, 3977-ишлар.

Лекин, бундай маълумотларнинг ҳаммаси ҳам тўлалигича йиллик ҳисоботлар таркибига киритилмаган.

Ўлка бўйлаб берилган илк ҳисобот юқорида кўрсатиб ўтилганидек, генерал-губернатор К.П Кауфманга тегишли эди. У «генерал-адъютант К.П. Кауфманнинг Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларида фуқаролик бошқаруви ва тузилиши бўйича ҳисобот лойиҳаси» деб номланиб, 1867 йил 7 ноябрдан 1881 йил 25 мартигача бўлган даврни ўз ичига олган[1].

Ушбу ҳисобот қуйидаги 8 та бобдан иборат бўлган:

1-Боб. Туркистон генерал-губернаторлиги аҳолиси;

2-Боб. Ўлканинг маъмурий тузилиши;

3-Боб. Туркистон ўлкасига кўчириш сиёсати;

4-Боб. Вилоятлардаги ер эгалик аҳволи;

5-Боб. Ўлканинг иқтисодий ҳаёти;

6-Боб. Солиқ тизими;

7-Боб. Қурилиш ишлари;

8-Боб. Маориф.

Ўлкада К.П. Кауфман *фаолияти Россия* ҳукмронлигини ўрнатилиши билан бошланган эди. У минтақада зўрликка асосланган ҳарбий-маъмурий бошқарув аппаратини шакллантиришга жиддий киришган бўлиб, чекланмаган ваколатларга эга эди.

Унинг ушбу ҳисоботида метрополиянинг стратегик мақсадлари ўзининг кенг ифодасини топган эди.

Ўлкани К.П. Кауфмандан сўнг бошқарган генерал-губернаторлар Н.О. Розенбах, А.Б. Вревский, Н.И. Гродековлар ҳисоботлари умумлаштирилган ҳолда ёзилган.

---

[1] Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П. Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 7 ноября 1867 - 25 марта 1881 гг. - СПб., 1885.

Улар ёзган ўлка ҳисоботларига нисбатан вилоят ҳарбий губернаторларининг йиллик ҳисоботлари кўпроқ маълумотларга эга бўлган. Айниқса, Фарғона вилоятининг йиллик ҳисоботлари жуда бой бўлган[1].

Вилоятлар бўйича ҳисоботлар 1882 йилдан бошлаб ёзилган ва дастлаб қуйидаги маълумотларни ёритган: аҳолининг сони ва таркиби. Бунда ҳудудда яшовчи ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг сони, уларнинг этник таркиби рақамларда кўрсатилган. Масалан, 1882 йилда Фарғона вилоятининг жами аҳолиси - 652 450 киши бўлиб, шундан - 538 835 киши ўтроқ аҳоли, кўчманчи аҳоли - 113 615 кишини ташкил этган[2]. Лекин, мазкур рақамларни ҳаммасини тахминий эканлигини таъкидлаш зарур. Чунки, бу вақтда маҳаллий аҳоли ҳали тўлиқ рўйхатга олинмаган эди.

Ҳисоботда солиқларга алоҳида тўхталиб, бир йил давомида йиғиб олинган турли хил солиқларнинг умумий миқдори кўрсатилган. Шунингдек, режадаги солиқларнинг қанчаси олинмай қолганлиги ҳам кўрсатилган. Масалан, биргина Фарғона вилоятида 1882 йилда 152 7668 руб 42 коп. миқдорида солиқ олинган. Бу белгиланганидан 661 983 руб кам бўлган[3].

Ҳисоботнинг қишлоқ хўжалигига оид қисмида вилоятда экилган майдон ва йиғиб олинган ҳосил кўрсатилган. Агарда мўлжалланган ҳосил йиғиб олинмаса, унинг сабаби кўрсатилган. Кўп ҳолларда асосий сабаб сифатида об-ҳавонинг ноқулай келгани қайд этилган.

1886 - 1887 йиллардан бошлаб ҳисоботларда пахтачилик ва ипакчилик алоҳида саҳифаларда баён этила бошланган. Унда Америка ва маҳаллий пахта майдонлари, улардан йиғиб олинган

---

[1] ЎзР МДА. 1 ва 19-жамғармалар.
[2] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 324-иш, 3-в.
[3] Ўша жойда. 4-в.

ҳосил ҳамда унинг қиймати кўрсатилган. Фарғона вилояти пахтачиликка ихтисослашиб бориши билан XX аср бошларидан расмий ҳисоботларнинг дастлабки саҳифаларида ушбу соҳага оид маълумотлар берила бошланди. Масалан, 1902 йил учун ёзилган ҳисоботнинг биринчи саҳифасида «жами пахта майдонлари - 138 600 дес., етиштирилган ҳосил - 7647 000 пуд,[1] эканлиги кўрсатилган.

«Савдо-сотиқ» қисмида вилоятга келтирилган ва чиқарилган товарларнинг умумий қиймати кўрсатилган. Масалан, 1894 йилда *Россия ва* бошқа ерлардан келган товарлар - 147 322 46 руб, юборилган товарлар қиймати - 211 885 46 рублни ташкил этган[2].

Ҳисоботларда ўлкага русларни кўчириб келиш масаласига алоҳида ўрин ажратилиб, у «Колонизация» деб номланган бандда берилган. Бунда ўлкага кўчиб келганлар сони, ташкил этилган рус қишлоқлари кўрсатилган. Шу билан бирга, губернаторларнинг мазкур жараённи кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар бўйича таклиф-мулоҳазалари ҳам ўрин олган. Руслаштириш жараёнини кучайиши билан Сирдарё вилояти йиллик ҳисоботларида ушбу пункт асосий эътиборда бўлган. Кўчириш мавзусига оид энг бой маълумотлар ҳам Сирдарё вилоятига тегишлидир.

«Почта-телеграф» қисмида вилоятдаги почта-телеграф идоралари ва улардаги хизматчилар сони, аҳолига кўрсатилган хизмат турлари рўйхати қисқача келтирилган.

Ҳисоботларда маорифга ҳам ўрин ажратилган. Мазкур пунктда асосан маҳаллий мактаб ва мадрасалар, унда ўқиётган ўқувчилар сони келтирилади. Шунингдек, рус-тузем мактабларини очиш билан боғлиқ таклифлар ҳам ўрин олган.

---

[1] ЎзР МДА. 19-жамғарма, 1-рўйхат, 7856-иш, 1-в.
[2] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 1280-иш, 5-в.

Медицина ҳақида ҳисоботларда вилоятдаги тиббиёт муассасаларда ишловчи ходимлар, касалланган одамлар сони ва бошқа масалалар ўрин олган.

Шунингдек, суд ишлари, вилоятда йил давомида юз берган офатлар, ирригациянинг аҳволи, қурилиш ишлари, саноат ҳам умумий тарзда ёритилган. Ҳисоботлар охирида губернаторнинг ўз таклифлари баён этилган. Бундай таклифларни аксарияти ҳудуднинг хом-ашё базасига айлантириш, руслаштириш, ислом динига муносабат, ҳарбий-маъмурий бошқарувни кучайтириш масалалари билан боғлиқ бўлган.

Ҳисоботларга хос умумий хусусиятларнинг бири шундаки, уларда сиёсий воқеаларга алоҳида эътибор берилмаган. Бундай мавзулар мазкур ҳужжатларга кирмасдан, алоҳида ахборотларда акс этган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳамма вилоятлар ҳисоботлари ҳам бир хил тарзда ёзилмаган. Масалага ҳар бир вилоятнинг иқтисодий ва сиёсий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилган.

Масалан, Сирдарё вилояти йиллик ҳисоботларида (Марказий Архивнинг 1, 17, 269-жамғармаларида сақланади) шаҳар ҳаёти яхши ёритилган. Жумладан, 1890 йилги ҳисоботда Тошкент шаҳрига оид статистик маълумотлар ўрин олган бўлиб, унда шаҳардаги аҳоли, завод-фабрикалар, ўқув юртлари, савдо-сотиқ ва фаолият кўрсатаётган хусусий фирмалар ҳақида маълумотлар ўрин олган[1].

Шунингдек, Сирдарё вилоятининг дастлабки ҳисоботларида ирригацияга махсус тўхтаб ўтилади. Хусусан, 1885-1886 йилларда

[1] ЎзР МДА. 269-жамғарма, 1-рўйхат, 19-иш, 206-в.

Тошкент, Чимкент, Перовск уездларидаги суғориш иншоотлари аҳволи ўша йилнинг ҳисоботларида алоҳида ўрин эгаллайди[1].

Самарқанд вилоятига оид ҳисоботларда (МДАнинг 1 ва 18 жамғармаларида сақланади) эса қишлоқ хўжалигига оид маълумотлар кенг ёритилган.

Сирдарё ва Фарғона вилояти ҳисоботларида метрологик ўлчамлар доимо бир хил қўлланган (пуд, десятина). Самарқандга оид ҳужжатларда эса ботмон, четверть ўлчовлари ҳам ишлатилган[2].

Ҳисоботлар ҳажми жиҳатидан ҳам бир хилда эмас. 1900 йилларгача бўлган ҳисоботлар ҳажми ўртача 20-30 варақкача бўлган бўлса, кейингилари ўртача 10 та варақ ҳажмида бўлган.

Мазкур манбалар императорни бефарқ қолдирмаган. Бошқа губерняларга нисбатан Туркистонга оид ҳисоботлар жиддий ўрганилган, чунки, ҳозирда Марказий Архивда сақланаётган ҳужжатлар орасида «Отметка царя» деб номланган туркум йиғма жилдлар мавжуд. Уларда ўлка вилоятларининг йиллик ҳисоботларига императорнинг муносабати, эътирозлари ва таклифлари ўрин олган. Лекин, ҳамма ҳисоботларга ҳам бундай муносабат билдирилмаган.

1895 йил учун ёзилган Самарқанд вилояти ҳисоботининг охирига император «виночилик ишининг ривожланиши учун кадрлар масаласини ҳал қилиш зарур»,[3] деб ёзиб қўйган.

Императорнинг ўлкадаги вазият доимо қизиқтириб келганини яна шунда кўриш мумкинки, Сирдарё вилоятини 1895 йилги ҳисоботини Николай IIнинг ўзи қизиқиб сўраган. Архивда бу

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 1926-иш, 4-в.
[2] ЎзР МДА. 18-жамғарма, 1-рўйхат, 296-иш, 3-в.
[3] Ўша жойда. 530-иш, 10-в.

ҳисобот «маҳкамада йўқлиги ва тез орада жўнатиб юборилиши»,[1] маълум қилинган хабар сақланиб қолган.

Империя ҳукумати айниқса Фарғона вилоятига нисбатан жиддий эътиборда бўлган. Чунончи, 1899 йилдаги вилоят ҳисоботида Фарғона ҳарбий губернатори «қуйи маъмурият вакиллари умуман талабга жавоб бермайди» - деган фикрни қайд этган. Бу императорни бефарқ қолдирмаган. У «бу соҳада қандай ўзгаришлар қилиш керак. Бунга генерал-губернаторнинг фикри қандай?»[2] - деб савол қўйган.

1901 йилдаги ҳисобот бўйича, император «вилоятда ипакчиликни янада ривожлантириш мақсадида Янги Марғилонда маҳаллий ва келтирилаётган ипак қурти уруғларини назорат қилувчи станция очиш»[3] таклифини маъқуллаган.

1903 йил ҳисобот учун у: «ўлкада рус аҳолиси нуфузини кўпайтириш учун Кўгарт водийсида суғориш ишларини яхшилашни, унинг учун керакли тадбирлар ишлаб чиқишни» таклиф қилади[4].

Мазкур фармонни амалга ошириш учун Кўгарт водийсида янги ерларни ўзлаштиришга 3000 руб ажратилди[5].

Кўриниб турибдики, император ўлкада мустамлака тизимини мустаҳкамлаш, минтақа бойликларини кўпроқ ўзлаштириш масалаларига катта эътибор қаратган.

Умуман олганда, йиллик ҳисоботлар расмий даражадаги ҳужжатлар таркибига кирган бўлиб, ундаги маълумотлар тарихий аҳамиятга эгадир. Унинг муаллифлари ҳукумат вакиллари бўлиб,

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамгарма, 12-рўйхат, 80-иш, 41-в.
[2] ЎзР МДА. 1-жамгарма, 12-рўйхат, 80-иш. 25-в.
[3] Ўша жойда. 801-иш, 2-в.
[4] Ўша жойда. 3-в.
[5] Ўша жойда. 5-в.

улар мустамлакачи давлатнинг асосий манфаатларини акс эттирганлар.

Йиллик ҳисоботларнинг 2-қисмидаги иловалар статистик шарҳлардан иборат бўлиб, улар вилоят статистика қўмиталари томонидан ҳар йили тайёрланган ва катта ҳажмларда нашр этилиб турган.

Марказий архивда вилоятларга оид бундай иловалардан Фарғона вилояти бўйича 20 та, Сирдарё вилояти бўйича 20 та ва Самарқанд вилояти бўйича 15 та бор.

Фарғона вилояти бўйича биринчи статистик илова 1883 йилга тегишлидир. 1883-1900 йилларда «Обзор Ферганской области за год» номи билан, ундан кейин «Статистический обзор Ферганской области за год» номи билан нашр этилган.

Сирдарё вилоятида эса биринчи статистик илова 1885 йилга доир бўлиб, унда 1883, 1885 йилларга оид маълумотлар ўрин олган[1].

Иловаларда асосан қуйидаги масалалар ёритилган: Вилоятнинг табиий ва ишлаб чиқарувчи кучлари. Ушбу бандда ҳудуднинг табиати, ер майдони, маъмурий бўлиниши, ишлов бериладиган ва ишлов берилмайдиган ерлар миқдори, уларнинг уездлар бўйича тақсимланиши, вақф ерларнинг миқдори, вилоятни суғорувчи дарёлар ва бошқа маълумотлар киритилган.

Шунингдек, маъмурий тузилишдаги ўзгаришлар ҳам мазкур бандда кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Фарғона вилоятига 1883 йили Сирдарё вилоятидан 2 та волост қўшиб олингани,[2] 1884 йили Еттисув вилояти Тўқмоқ уездининг Кетмон-тепа волости аҳоли-

[1] Обзор Сырдарьинской области за 1885 год. - СПб., 1886.
[2] Обзор Ферганской области за 1883 год. - Новый Маргелан, 1886. С. 3.

нинг илтимоси билан Наманган уездига қўшиб олингани хабар берилади[1].

Шунингдек, ушбу бандда вилоятнинг жуғрофик чегаралари ҳақида кўрсатиб ўтилган. Масалан, 1889 йилги иловада «Фарғона вилояти 1876 йилда Қўқон хонлиги ўрнида ташкил топган. Вилоят 38 ва 42^0 шимолий кенглик ва 39 1/2, 44 1/2 шарқий узунликда жойлашган. У шимолда Сирдарё ва Еттисув, шарқда Еттисув ва Қашқар вилояти билан, жануби Бухоро, ғарбда Самарқанд билан чегарадош»,[2] деб кўрсатилади. Иқлимга оид янги маълумотлар ҳар йили киритиб борилган.

Иловаларнинг қишлоқ хўжалиги қисмида дон маҳсулотлари; экилган майдон ва йиғиб олинган ҳосил, донли экинларнинг турлари, пахтачилик, ипакчилик, боғдорчилик ва чорвачиликка оид маълумотлар ҳамда статистик жадваллар ўрин олган. Кейинчалик стратегик аҳамиятга эга бўлган пахтачилик соҳаси алоҳида бандларда кўрсатилган.

Иловаларда чорвачилик соҳаси ёритилганда, майда ва йирик шохли ҳайвонлар турлари, уездлар бўйича уларнинг алоҳида ва умумий миқдори, агарда ҳисобот йилида ҳайвонлар ўлиб кетган бўлса, уларнинг тури ва миқдори ҳам кўрсатиб борилган.

Пахтачилик соҳаси ёритилганда, маҳаллий ва Америка навлари экилган майдони, олинган ҳосил, тозаланган толанинг нархи (пуд ҳисобида), сотилган пахтанинг умумий қиймати каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, иловалардаги муҳим маълумотлардан бири - нархлар тўғрисидаги статистик жадвалларни бериб борилганлигидир. Унда донли экинларнинг ёз ва қишдаги нархлари, чорва

---

[1] Обзор Ферганской области за 1884 год. - Новый Маргелан, 1886. С. 4.
[2] Обзор Ферганской области за 1889 год. - Новый Маргелан, 1890. С. 6.

ҳайвонларининг ўртача баҳолари каби фактлар маълум қилинади. Жумладан, Фарғона вилоятида 1892 йилда чорванинг нархи қуйидагича бўлган:

	Баҳор	Ёз	Куз	Қиш
Қўй (яхшиси)	12	11	9	11
Ўртача қўй	8	7	7	8
Сигир (яхшиси)	20	20	20	20
Ўртача сигир	12	14	14	15 руб. миқдорида бўлган[1]

Бундай жадваллар ўша давр нарх-наволари ҳақида умумий тасаввур беради.

Иловаларда саноатга алоҳида жой ажратилиб, ҳар бир вилоятдаги завод ва фабрикалар сони, ишчилар сони, завод-фабрикаларнинг нимага ихтисослашгани, йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий миқдори ва бошқа маълумотлар келтирилган. Сирдарё ва Фарғона вилоятларига оид иловаларда майда ҳунармандлар корхоналари, уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотининг умумий қиймати ҳақида ҳам маълум қилиб борилган. Саноатда асосий корхоналар пахта тозалаш заводлари бўлганлиги боис, уларнинг тузилиши ва ишлаш принципига доир маълумотлар ҳам мазкур бандда акс эттан.

Солиқларга доир иловаларда ҳар бир солиқ тури номи кўрсатилган ҳолда, йиғиб олинган ва қолиб кетган солиқ миқдори ҳам доимий равишда кўрсатиб борилган. Жумладан, 1907 йил Фарғона вилоятидан йиғиб олинган солиқлар қуйидагича бўлган:

[1] Обзор Ферганской области за 1892 год. - Новый Маргелан, 1894. С. 40.

	Белгиланган	Олинган	Қолиб кетган
Давлат ер солиғи ва ўтов солиғи	2 486 106 р	2 457 682 р 88 к	28 423 р 72 к
Лалми ва ишлов берилмайдиган ерлардан олинган солиқ	447 805 р 52 к	436 084 р 40 к	11 721 р 12 к
Фабрика ва заводлардан тушган солиқлар	79 021 р 16 к	59 107 р 25 к	19 913 р 91 к
Бошқа солиқлар	6 405 р 67 к	6 377 р 69 к	27 руб 97 к
Жами	3.019 338 р 35 к	2.959 251 р 62 к	60 086 р 73 к[1]

Сирдарё вилояти ва Самарқанд вилоятига доир статистик иловаларда ҳам шундай тартиб сақланган. Шуниси эътиборлики, ушбу манбаларда солиқларни олдинги йилларга нисбатан бўлган миқдорини солиштириш каби маълумотлар ҳам учраб туради.

Иловаларда савдо-сотиққа ҳам эътибор берилиб, вилоятга Россия ва бошқа ерлардан келтирилган товарлар ва олиб кетилган моддий бойликларнинг умумий қиймати кўрсатилган. Темир йўлларнинг ишга тушиши муносабати билан ҳамда ўлка бойликларини талаш сиёсатининг авж олганлигини, олиб кетилган бойликлар номи, миқдори ва қиймати (масалан: пахта, ипак, қуруқ мевалар, чорва маҳсулотлари ва ҳоказо) ҳамда қаерга жўнатилганлигидан билиш мумкин. Товарлар Россия, Бухоро, Қашғар, Марсел, Оренбургга олиб кетилган. Ушбу банддаги маълумотлар империя-

[1] Статистический обзор Ферганской области за 1907 год. - Скобелев. 1909. С. 73.

нинг ўлка бойликларини талаш борасидаги фаолиятини яққол акс эттиради.

Савдо мавзуси ёритилганда, вилоятга келтирилган товарлар қиймати олиб кетилган бойликлар қийматидан кўпроқни ташкил этганлигини кўриш мумкин.

Маориф Сирдарё ва Фарғона вилояти статистик шарҳларида 2 қисмда ёритилган. Аввало маҳаллий мактаб ва мадрасалар сони, унда таълим олаётган ўқувчилар ва маҳаллий маорифга муносабат масаласи ҳикоя қилинган, 2-қисмда эса рус-тузем ва европа типидаги ўғил ва қизлар таълим муассасалари рўйхати ва шунга боғлиқ маълумотлар ўрин олган.

Иловаларда вилоятнинг санитар ҳолатига ҳам тўхтаб ўтилади. Унда аҳолига хизмат кўрсатувчи тиббиёт ходимлари ва санитария муассасаларининг сони, ҳисобот йилида касал бўлганлар сони, касаллик турлари ва фавқулодда тарқалган эпидемиялар ҳақида ҳам сўз боради.

Мисол учун, 1900 йили Фарғона вилояти бўйича медицина ёрдамини сўраб, мурожаат қилганлар 92 000та кишини ташкил этиб, шундан 193 таси ўлган. Шу йили вилоятда 14 та врач, 36 та фельдшер фаолият кўрсатган.[1]

Шунингдек, ушбу манбаларда суд, жиноят ишлари, ирригация, аҳолининг таркиби, сони, қурилиш ишлари ва бошқа маълумотлар статистик жадваллар кўринишида ёритиб борилган.

Фарғонада XX аср бошларида ер ости бойликларини кенг тарзда ўзлаштирилиши билан илова саҳифаларида «тоғ-кон ишлари» деган махсус бандлар пайдо бўлди.

Сирдарёга оид аксарият иловаларда вилоятнинг қисқача тарихи ёритилган. Сирдарёда рус аҳолиси кўчириб келтириш кўп

[1] Обзор Ферганской области за 1900 год. - Новый Маргелан, 1901. С. 110.

бўлганлиги учун «Колонизация» бандлари алоҳида кўрсатилган. Унда рус қишлоқлари сони, аҳолиси, уларга тегишли ер майдони, хўжалигига оид статистик маълумотлар Фарғонага нисбатан анча кенг берилган.

Жумладан, 1910 йилги маълумотга кўра, 92 рус қишлоғида 424 12 та рус аҳолиси яшаётган бўлиб, уларга тегишли ер майдони - 191 076 десятинани ташкил этган. Ундан ҳар бир одамга ўртача 30 десятина ер тўғри келади. 17 тадан майда ва йирик чорва ҳайвонлари ҳар бир хўжаликда мавжуд эканлиги ҳам кўрсатиб ўтилган[1].

Бошқа вилоятлардан фарқ қилиб, Фарғонага оид статистик шарҳларда бир неча йиллик турли соҳаларга оид маълумотлар умумлашма ҳолатда, алоҳида статистик жадвалларда ёритилган.

Масалан, 1900 йилги илованинг охирида 1891-1900 йилларни ўз ичига олган қишлоқ хўжалигини турли соҳалари ва солиқларга оид маълумотлар 8 та жадвалда йилма-йил кўрсатиб берилган[2].

Самарқанд вилоятида йиллик ҳисоботларга ўхшаб, мазкур статистик шарҳларда ҳам биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ маълумотлар ёритилган. Узумчилик алоҳида бандларда кўрсатилади. «Колонизация» бандлари иловаларнинг охирида берилган бўлиб, унчалик кўп маълумотлар сақланмаган.

Иловаларнинг ҳажмлари Самарқанд вилояти бўйича 25-40 бетни ташкил этса, Сирдарё бўйича 65-80 бет, Фарғона вилоятидаги статистик шарҳлар 100-140 гача саҳифаларни эгаллаган.

Таъкидланаётган расмий манбалардаги статистик факт ва рақамларни ҳаммасини ҳам тўғри деб бўлмайди. Шу жиҳатдан

---

[1] Обзор Сырдарьинской области за 1910 год. - Ташкент, 1912. С. 161.
[2] Обзор Ферганской области за 1900 год. - Новый Маргелан, 1901. С. 130-140.

уларни бошқа манбалар билан қиёсий солиштириш мақсадга мувофиқдир.

Ўлка генерал-губернаторлари Н.О. Розенбах (1884-1889), А.Б. Вревский (1889-1898), С. Духовской (1898-1901), Н.И. Гродеков (1906-1908), А.В. Самсонов (1909-1913) ва бошқаларнинг императорга юборилган ҳисоботларида империянинг Туркистонда олиб бораётган сиёсатининг стратегик мақсадлари ётади. Шунингдек, губернаторлар минтақа имкониятларидан кўпроқ фойдаланиш таклифларини баён қилганлар.

Н.О. Розенбах 1885 йил ҳисоботида «Фарғона водийсида пахтачиликни ривожлантирилиши империя манфаатлари учун фойдалидир»,[1] - деган фикрни илгари суради ва «бунинг учун ирригация ишларига жиддий эътибор қаратиш лозим»[2] - деган хулосага келади.

Шундай фикрлар А.Б. Вревский ҳисоботида ҳам мавжуд. У ҳам пахтачилик соҳасига эътибор қаратиб «пахтачилик ҳозирги вақтда суғориладиган ерларнинг бор-йўғи саккиздан бир қисмини эгалламоқда»[3] - деб ёзади.

Ўлка бойликларини талаш сиёсатини маъқуллаб, Москва-Тошкент темир йўлини қуришни тавсия қилади. Шунингдек, «Тошкент-Оренбург йўлининг ишга туширилиши билан бир йилда 40 миллион пуд турли маҳсулотлар олиб кетиш мумкин»[4] - деб ёзади.

Хавфсизлик масаласида ўз таклифларини қуйидагича баён қилган: «Туркистон чегара бўлганлиги учун ва инглиз-ҳинд хавфи борлиги инобатга олиниб, кўпроқ аскар сақлаш зарур»[5].

---

[1] ЎзР МДА. *1-жамғарма, 27-рўйхат, 1133(а)-иш, 7-в.*
[2] Ўша жойда.
[3] Ўша жойда. 1589-иш, 3-в.
[4] Ўша жойда. 4-в.
[5] Ўша жойда.

Айтиш мумкинки, генерал-губернаторлар таклиф ва мулоҳазалари сиёсий аҳамият касб этиб, жиддий ўзгаришлар бўлишида асосий ўрин тутган.

Юқорида қайд этилган ўлка ва вилоят губернаторларининг ҳисоботлари ва уларнинг статистик шарҳлари расмий ҳисоботларнинг асосини ташкил этади. Бу ҳужжатлар бир томондан империянинг ўлкадаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий аҳволга нақадар қизиқиб ўрганганлигини, бу қизиқиш энг аввало ундан унумли фойдаланиш ва итоатда тутиш мақсадидан келиб чиққанлигини кўрсатади. Айни пайтда бу ҳисоботларда ва айниқса уларнинг иловаларида қайд этилган факт ва рақамлар мустамлака даври тарихини ойдинлаштиришда муҳим ўрин тутади.

I. 2-§. Сиёсий ва стратегик мақсадларни акс эттирган ҳужжатлар таҳлили

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда империя томонидан олиб борилган мустамлакачилик сиёсати минтақада кескин вазиятни юзага келтирди. Натижада, ўлка аҳолисининг норозилик чиқишлари бошланди. Шу муносабат билан, мазкур воқеалар хусусида маълумот берувчи туркум ҳужжатлар пайдо бўлди. Бундай ҳужжатлар ўлка ва вилоят губернаторлари уезд, участка бошлиқларининг ахборотлари (рапортлар) ва маърузалари (доклад), бўлиб, ушбу манбалар ҳам расмий ҳисоботларнинг асосий қисмини ташкил этади.

Таъкидланаётган манбаларнинг ҳар бири бирор бир сиёсий воқеликка бағишланган. Ўлка губернаторлари томонидан ёзилган ахборотлар бевосита император ёки ҳарбий вазир номига жўнатилган. Вилоят ҳарбий губернаторлари эса ўлка генерал-губерна-

тори номига ахборот йўллаганлар. Уезд ва участка бошлиқлари томонидан тайёрланган ахборотлар вилоят ҳарбий губернаторлари ва ўлка генерал-губернатори номига жўнатилган. Бундай ҳужжатлардаги маълумотлар бир-бирини тўлдириб, содир бўлган воқеалар ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Ҳозирда Марказий Давлат Архивининг «Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси» ва вилоятлар бошқармаси жамғармаларида сақланаётган ушбу манбаларнинг аксарияти махфий ҳолда ёзилган. Уларнинг ҳажми 10-30 варақ атрофидадир.

Бу ҳужжатларнинг сиёсий йўналишдаги ҳужжатлар гуруҳига киритилишига сабаб шундаки, уларда ҳукумат ва маъмуриятга қарши кураш билан боғлиқ масалалар, сиёсий воқеалар ўз аксини топган. Бу ҳужжатларда ушбу кураш жараёнларини акс эттирувчи маълумотлар билан бирга, маъмуриятнинг бу воқеалар сабабларига берган баҳоси ва унга барҳам бериш юзасидан таклифлари ҳам ўрин олган.

Ватан тарихшунослигида «миллий-озодлик ҳаракатлари» мавзуси яхши ўрганилганлиги[1] боис, юқорида қайд этилган ҳужжатлардан кенг фойдаланилган, бироқ уларнинг мазмуни, мақсади ва моҳияти жиҳатидан таҳлил қилинмаган. Шу сабабли, ушбу ҳужжатларни ҳар бир йирик сиёсий воқеа билан боғлиқ ҳолда манбавий йўналишда таҳлил ва тасниф қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, 1885 йили Фарғона водийсида Дарвишхон Тўра бошчилигидаги қўзғолон бўлиб ўтади. Бу ҳақда «О беспорядках в Ферганской области»[2] деб номланган йиғма жилдда қуйидаги рус маъмурларининг ахборотлари мавжуд:

---

[1] Ушбу мавзу Суюнова О., Д. Зиёева, З. Чорисв, Ж. Исмоилова, Ҳ. Зиёев томонидан кенг илмий тадқиқ этилган.

[2] ЎзР МДА. 1-жамгарма, 31-рўйхат, 3-иш.

1. Туркистон генерал-губернатори Н.О. Розенбахнинг ҳарбий Вазир номига юборилган ахбороти.

2. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Н.А. Иванов ахбороти.

3. Генерал-майор Мединскийнинг тергов иши бўйича ҳисоботи.

Розенбахнинг 1885 йил 2 сентябрда 153-рақам билан юборилган ахборотномаси қўлёзма ҳолида ёзилган бўлиб, ахборотнома устига «махфий» грифи қўйилганлиги ундаги маълумотлар ва фикрлар ўша даврда қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

Ахборотнинг дастлабки саҳифаларида Дарвишхон Тўра шахси билан боғлиқ маълумотларда[1] унинг юқори табақага мансублиги, бой-бадавлат киши бўлганлиги таъкидланган.

Кейинги саҳифаларда қўзғолоннинг бориши, иштирокчиларнинг номлари ва қўзғолон ҳудуди ҳақида ҳикоя қилинади.[2] Қўлга олинган қўзғолончилар «шайкалар» деб таърифланади, «шайкалар ҳукуматга қарши ғоялар билан курашаётганлиги, бу халққа ёмон таъсир қилиши мумкин»[3]лиги эътироф этилади. Бу ҳукуматнинг ўзига қарши курашнинг умумхалқ тусини олишидан хавфсираганлигидан далолат беради.

Губернатор қўзғолончиларни қидириб топиб, қаттиқ жазолаш ва бу ишда қатнашган кишиларни мукофотлаш учун алоҳида маблағ ажратилишини сўрайди[4]. Демак, ҳукумат ўзига қарши кучларни йўқ қилиш учун ҳар қандай маблағни аямаган.

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 31-рўйхат, 3-иш, 12-в.
[2] Ўша жойда. 13-16-варақлар.
[3] Ўша жойда. 16-в
[4] Ўша жойда. 25-в.

Фарғона ҳарбий губернаторининг Н.О. Розенбах номига юборган ахбороти эса ҳарбий губернатор Н.А. Иванов томонидан 1885 йил 8 октябрда 9480-тартиб рақами билан қўлёзма ҳолида юборилган. Ушбу манбада 17 августдан - 14 сентябргача давом этган қўзғолоннинг бориши ҳақида маълумот берилади. Вилоят бошлиғи ушбу қўзғолонда қуйи маъмурият вакиллари ҳам актив иштирок этганини хабар қилиб, улардан бир нечтаси лавозимларидан олинганини хабар қилади[1]. Демак, совет даврида таъкидланганидек, империяга қарши фақат камбағаллар эмас, балки қуйи маъмуриятда ишлаган маҳаллий бойлар - элликбоши, мингбоши ва оқсоқоллар ҳам иштирок этган.

Ушбу қўзғолон ўлкадаги Россия ҳукмронлигига қарши кўтарилганлигини тан олган Н.А. Иванов «Фарғонадаги каби тартибсизликлар такрорланмаслиги учун жойларда ҳарбий кучларни кўпайтириш керак, шундагина тинчликка эришишимиз мумкин»[2] - дейди.

Ҳарбий губернатор ўз ахборотномасини якунлар экан, «вилоятда тинчлик ва осойишталик ҳукм суряпти, халқ бўлаётган қўзғолонлардан норози, ҳамда биз юргизаётган тўғри сиёсатдан *доимо мамнун ҳолда яшамоқда*»[3] - *деган нотўғри хулосалар беради* ва мавжуд вазиятни, норозиликни яшириб, қўзғолонга сиёсий тус бермасликка ҳаракат қилади.

Учинчи муҳим расмий ҳужжат генерал-майор Мединскийнинг қўзғолон бўйича олиб борилган тергов иши бўйича ҳисоботидир. Мазкур тергов иши ҳисоботи 1885 йил 6 декабрда ёзилган бўлиб, 36 саҳифани ташкил этувчи қўлёзмадан иборат. Тергов ишида 17 август воқеаларида қатнашиб, қўлга тушган 63 та қўзғо-

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 31-рўйхат, 3-иш, 10-в.
[2] Ўша жойда. 19-в.
[3] Ўша жойда. 30-в.

лончиларнинг исми-фамилияси келтирилган. «Асосий жиноятчилар» деб саналган 44 та қўзғолончининг фамилияси қидирувга берилган[1].

Юқорида санаб ўтилган расмий ахборотлар 1885 йилги қўзғолон ҳақида маълумот берувчи муҳим манба бўлиб, уларни холис ва танқидий ўрганиш асосида ушбу қўзғолон сабаблари, тафсилотлари, иштирокчилари ва оқибатларини аниқлаш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур қўзғолон ҳақидаги кўплаб маълумотлар ҳозиргача кенг илмий истеъмолга киритилмаган. Фақаттина тадқиқотчи С. Тиллабоев[2] ўз мақоласида қўзғолон ҳақида тўлиқ фикр юритишга ҳаракат қилган, ҳамда таъкидланаётган манбалардан унумли фойдаланган.

1892 йил Тошкентда бўлиб ўтган қўзғолон хусусидаги расмий ахборотлар «Вабо исёни» («Холерный бунт») номли йиғма жилдда[3] йиғилган бўлиб, асосан қуйидаги ҳужжатлардан иборат:

1. Сирдарё ҳарбий губернатори Н.И. Гродековнинг ўлка губернатори А.Б. Вревскийга ёзган ахбороти.

2. Туркистон генерал-губернатори А.Б. Вревскийнинг ҳарбий Вазирга юборган ахбороти.

3. Сирдарё вилояти прокурори П.Е. Рейенбатнинг айблов хулосаси.

Н.И. Гродеков ахбороти 1892 йил 25 июнда 28-тартиб рақами билан ёзилган қўлёзма бўлиб, 10 саҳифадан иборат.

Умуман, ҳарбий губернатор 2 та ахборот тайёрлаган бўлиб, иккинчиси 1892 йил 17 июлда жўнатилган.

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 31-рўйхат, 3-иш, 38-40-в.

[2] Тиллабоев С. Мустамлакачиларга қарши Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолон // Ўзбекистон тарихи. - 2002. - № 1. Б. 19 - 26.

[3] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 31-рўйхат, 3-иш.

Дастлабки ҳужжатда 24 июн воқеалари, яъни қўзғолоннинг бошланиши, ҳудуди ва оқибатлари хусусида тўхталган. Унда 24 июн соат 9.00 да Бешёғоч ва Шайҳонтохурлик 400 та аҳоли вилоят бошқармаси биносига етиб келганлиги кўрсатилади[1]. Ҳарбий губернатор Гродеков шаҳар бошлиғи С.Р. Путинцевни халқ оммаси тартибсизликларини ноўрин айбдори бўлди, деб ёзади ва айбдорларни ҳарбий вақт қонунлари билан жазолаш керак, деб ҳисоблайди[2]. Лекин, ҳарбий губернатор ҳарбийлар қуролсиз халқни аямай калтаклагани тўғрисида, бунда солдатлар билан оддий рус аҳолиси ҳам актив қатнашганлиги, кўпгина маҳаллий аҳоли ўлдирилганлиги хусусида тўхталмаган.

Генерал Н.И. Гродековнинг иккинчи ахборотида қўзғолон қатнашчилари, раҳбарлари ҳақида ҳикоя қилинади. Унда қўзғолончиларни жазолашда ўзларига ёқмаган зиёлиларни, халқни кўтаришга қодир маърифатпарвар ва миллатпарварларни қатағон қилишни сўрайди. Собиқ эски шаҳар оқсоқоли Иноғомхўжа Умархўжаевни ҳаракатни асосий раҳбари ва ҳақиқий сабабчиси деб ҳисоблайди[3].

Шунингдек, ушбу ҳужжатда эски шаҳар оқсоқоли шериклари ва қариндошлари ҳам фаол иштирокчи деб кўрсатилиб, «24 июн воқеалари содир бўлган куннинг ўзидаёқ барчасини қамоққа олишга фармойиш бердим»[4] деб кўрсатилади.

Ахборотномада губернатор баъзи бир таклифлар билан чиқади. Яъни, оқсоқолликларга ўз измидан чиқмайдиган кишиларни қўйиш, ўлкада миршаблик ҳолатини жорий этиш ва бошқалар.

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 31-рўйхат, 3-иш, 7-в.
[2] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 31-рўйхат, 3-иш, 9-в.
[3] Ўша жойда. 10-в.
[4] Ўша жойда.

Туркистон генерал-губернатори А.Б. Вревскийнинг ҳарбий Вазирга юборган ахбороти 1892 йил 5 июлда ёзилган. Унда 24 июн воқеалари ва унинг иштирокчилари ҳақида сўз боради[1].

А.Б. Вревский ахборотномада қўзғолонни ҳаққоний ёритишга ҳаракат қилмайди. Балки, бутун айбни оддий халқ оммаси елкасига ташлади ва айбдорларни жазолашга киришди ва «60 киши асир олиниб, ҳарбий судга берилгани»ни таъкидлайди.

Умуман, бундай нотўғри хулосалар чиқариш барча Туркистонда фаолият кўрсатган маъмурлар учун хос бўлган хусусият эди. Чунки, улар аввало ўз мансабларидан ажралиб қолиш хавотирида бўлсалар, иккинчидан бу халқ ҳаракатларининг Россияни бошқа мустамлака ҳудудларига ўтиб кетишидан чўчир эдилар.

Сирдарё вилояти прокурори П.Е. Рейенбатнинг айблов хулосаси, тергов ишини таҳлил қилиш, қўзғолончиларни жазолашда турли қарашлар мавжуд бўлганлигини ойдинлаштиради. Чунки, Н.И. Гродеков имкони борича қўзғолонни асл моҳиятини ниқоблаш ниятида маҳаллий юқори табақа вакилларини кўпроқ жазолаш ва ҳатто бутун шаҳар оқсоқоллари, қози ва миршабларини вазифасидан бўшатиш таклифи билан чиқади.

Прокурор губернатор буйруғи билан қамалганларни баъзиларини айби бўлмаганлиги учун озод қилади. Шу жойда Н.И. Гродеков ва П.Е. Рейенбат ўртасида келишмовчилик келиб чиққан. А.Б. Вревский ҳам прокурор тарафида туриб, «фақат полиция ва прокурор аниқлаган ва 24 июнга алоқадор одамларгина жазо олишлари керак»[2] деган.

Юқорида қайд этиб ўтилган манбалар аввало қўзғолонни асл моҳиятини очиб беришга хизмат қилса, иккинчидан бу воқеалар

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 31-рўйхат, 3-иш, 42-43-варақлар.
[2] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 31-рўйхат, 3-иш, 138-в.

ҳукмрон доирага қандай таъсир кўрсата олганлигини аниқлашга ёрдам беради.

Ватан тарихшунослигида 1892 йилги қўзғолон яхши ўрганилганлигини ҳисобга олиб, таъкидланаётган манбалардан унумли фойдаланган тадқиқотчиларни қайд этиш лозим. Тарихчи олим Ҳ. Зиёев миллий-озодлик ҳаракатлари тарихини ўрганар экан, бошқа манбалар қаторида ушбу расмий ҳисоботларни ҳам тарихий нуқтаи назардан кенг таҳлил этган[1]. Х. Юнусова тадқиқоти айнан 1892 йилги қўзғолонга бағишланиб, унда Н.И. Гродеков, А.Б. Вревский ва П.Е. Рейнбат ахборотларидаги маълумотлар ўрин олган[2].

Тадқиқ қилинаётган манбалар гуруҳига фақат йирик қўзғолонлар ҳақида ҳикоя қилувчи ахборотлар эмас, балки минтақада тез-тез бўлиб турган турли чиқишларни акс эттирувчи ҳужжатлар ҳам киради.

Мазкур фикрни исботи сифатида Фарғона ҳарбий губернатори ёрдамчиси генерал-майор Н.А. Мединский ва ҳарбий губернатор Повало-Швайковскийнинг ахборотларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

1893 йил 15 мартда ўлка генерал-губернатори номига юборилган ахборотда Н.А. Мединский Андижон уезднинг Қашқар ва Қўқон қишлоқдаги сайлов ўтказишга қарши халқ ҳаракатлари ҳақида маълумот берган. Унда таъкидланишича, 1893 йил 3 февралда Қошқар қишлоққа келган пристав Шаригин мингбоши сайловини ўтказиш чоғида халқнинг қаттиқ қаршилигига дуч келган. Исёнчиларни жазолаш учун Н.А. Мединский кучайтирилган рота билан етиб келади. Унинг буйруғи билан 31 та

---

[1] Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. - Т.: Шарқ, 1998. Б. 363 - 383.

[2] Юнусова Х. Тошкентда 1892 йилги халқ қўзғолони. - Сариёғоч, 1998.

ўзбек деҳқони қалтакланади ҳамда аскар ва зобитларни боқиш учун аҳолига катта пул жаримаси солинади[1].

1895 йили Кенгкўл волостида элликбошилар сайловини ўтказишга келган яна ўша Шаригин оломон қаҳрига дуч келади. Бу воқеалар ахборотда қуйидагича тасвирланади: «...Ротмистр (Шаригин - Д.Ў.) қирғизлар қаршилигига дуч келди, оломон унга қарата тошлар ота бошлади. Бунинг натижасида Мирза Муҳаммад Турди тош тегиб яраланди. Ротмистрнинг ходимлари уни авайлаб, ўтовга олиб кирдилар. Шунда ўтов томонга ҳам тошлар ёғилди...»[2].

Юқорида қайд этилган ахборотларда шу нарса маълум бўладики, мўстамлакачилар қуйи маъмурият сайловларини ўтказишда ўз мансабларини суистеъмол қилиб, халққа катта жабр кўрсатганлар. Бундай ҳодисалар халқнинг норозилигига, турли хил чиқишларига олиб келиши муқаррар эди.

1998 йил Андижондаги қўзғолон ҳақида рус маъмурлари тайёрлаган ахборотлар генерал И.И. Корольков томонидан ёзилган «Фарғона вилояти маҳаллий аҳолиси томонидан кўтарилган қўзғолон билан боғлиқ тергов иши ҳисоботи» деб номланган йиғма жилдда мавжуд[3].

Ҳисоботнинг дастлабки саҳифаларида губернатор марказдан буйруқ олгач, ўзига керакли одамлар билан Андижонга жўнаб кетганлиги ҳикоя қилинади. Дукчи Эшон шахси билан боғлиқ маълумотлар тўртинчи саҳифадан ўрин олган. Кейинги саҳифаларда қўзғолончиларнинг Андижон шаҳрига юриши тафсилотлари ва қўлга тушган ҳамда қидирувда бўлган Эшоннинг 14 та сафдоши исми-шарифи, Ўш ва Марғилондаги воқеалар ўрин олган[4].

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 4-рўйхат, 155-иш, 1-6-варақлар.
[2] ЎзР МДА. 19-жамғарма, 4560-иш, 1-5-варақлар.
[3] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 25-рўйхат, 73-иш.
[4] Ўша жойда. 6-8-варақлар.

Генерал И.И. Корольков мазкур ҳужжатда сусткашликка йўл қўйган рус маъмурларидан Повало-Швайковский ва капитан Никеевни асосий айбдор сифатида, уезд бошлиқлари Зайцев, Коишевскийни камроқ хатоларга йўл қўйганликда ва қуйи маъмуриятни ҳаммасини бош айбдорлар сифатида кўрсатади[1].

Шунингдек, ҳисоботда И.И. Корольковнинг руслаштириш ва маҳаллий аҳоли турмуш тарзига жиддий таъсир кўрсатувчи таклифлардан иборат 16 бандли ислоҳотлар режаси баён этилади[2].

Кейинги саҳифаларда Андижон гарнизони бошлиғи Михайлов ва уезд бошлиқлари ахборотлари ўрин олган.

Михайлов ахбороти[3]да қўзғолончиларнинг гарнизонга ҳужуми ва у ерда содир этилган воқеалар тафсилоти ўрин олган.

Ўш уездининг бошлиғи подполковник Зайцев ахбороти Ўшдаги қўзғолонлар ҳақида ёзилган. Эшоннинг бу ерда ҳам муридлари кўп бўлганлиги боис, Зайцев қўзғолон олдини олиш учун жойларда аскарлар сонини кўпайтиради... 18 май куни ўшлик қўзғолончиларга бошчилик қилиши керак бўлган Умарбек Додҳоҳ Бекмурод ўғли қўлга олингани ҳам маълум қилинади[4].

Шундай мазмундаги ахборотлар Марғилон уезди бошлиғи Брянов, Андижон уезди бошлиғи Коишевский, Наманган уезди бошлиғи Араванитаки томонидан ҳам ёзилган[5].

Андижон қўзғолонидан кейин янги генерал-губернатор С.М. Духовской зулмкор ва халқни доимий бўйин эгишга мажбур қиладиган ҳужжат тайёрлади ва уни юқори амалдорлардан

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 25-рўйхат, 73-иш, 10-в.
[2] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 25-рўйхат, 73-иш, 13-16-варақлар.
[3] Ўша жойда. 18-19-варақлар.
[4] Ўша жойда. 23-в.
[5] Ўша жойда. 23-29-варақлар.

тасдиқлаб беришини сўради. Ушбу ҳужжат «Ислам в Туркестане» номли губернатор маърузаномасида ўз ифодасини топди[1].

Ушбу ҳужжатда дастлаб исломнинг нуфузига алоҳида тўхталиб ўтилган. Унда Шариат, Сўфизм, пан-исломизмнинг моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилинади. Ўлка аҳолиси тўлиқ исломга эътиқод қилишини «агарда Туркистонда мусулмонлар 14 миллион кишини ташкил этишини ҳисобга олсак, у ҳолда биз улар билан узоқ вақтгача ҳисоблашишга мажбурмиз»[2] - деган жумлалар билан ифодалайди.

Шунингдек, исломнинг жамиятдаги нуфузини пасайтириш учун «... халқнинг маънавий-руҳий ҳолатига кучли таъсир кўрсатувчи мадрасалар ишларига фаол даражада аралашиш, мусулмонларни бирлаштиришга қодир бўлган мусулмон диний бошқарувига йўл қўймаслик, жами мусулмон ўқув юртларини рўйхатдан ўтказиш ва оила, никоҳ ишларини ҳал қилиш ҳуқуқини рус маъмуриятига бериш»[3] - каби чора-тадбирларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблайди Духовской.

«Андижон қўзғолони» тарихига оид шу вақтгача қатор илмий ишлар амалга оширилган бўлиб[4], улар орасида Ҳ. Зиёев ва А. Эгамназаров тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш зарур. Мазкур муаллифлар И.И. Корольков ва С.М. Духовской ҳисоботларидаги кўплаб маълумотларни ўз илмий ишларида кенг таҳлил қилганлар[5].

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 25-рўйхат, 72-иш.
[2] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 25-рўйхат, 72-иш, 1-в.
[3] Ўша жойда. 9-в.
[4] Юсупов Э.Ю., Лунин Б.В. Андижанское восстание в советской исторической литературе // ОНУ. - 1987. - № 1; Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи Эшон (ҳужжатли қисса). - Т., 1994; Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. - Т.: Шарқ, 1998.
[5] Зиёев Ҳ. Кўрсатилган асар. Б. 383-400; Эгамназаров А. Кўрсатилган асар. Б. 6-65.

1916 йилги Туркистондаги «мардикорликка сафарбарлик»ка қарши миллий-озодлик ҳаракати рус маъмурлари диққат-эътиборида бўлди. Чунки, бутун ўлкани қамраб олган қўзғолон империя вакилларини саросимага солиб қўйганди. Шу жиҳатдан, мазкур воқеилик ҳақида ҳикоя қилувчи ахборотлар кўпчиликни ташкил қилади.

Қўзғолон ҳақида умумий маълумот берувчи расмий ҳужжатлардан бири ўша вақтда Туркистон генерал-губернатори бўлган А.Н. Куропаткиннинг ҳарбий Вазирга юборган ахборотидир.

Ахборот қўлёзма ҳолида ёзилган бўлиб, 26 бетдан иборат[1].

Дастлабки саҳифаларда қўзғолонни бошланиш сабаблари Самарқанд вилоятидаги қўзғолонлар ва келтирилган зарарлар ҳақида хабар берилади.

Жумладан, «вилоят бўйича Жиззах ва Обручево бекатлари орасидаги темир йўл ишдан чиқди. 40 та давлат ва 9 та хусусий бинолар вайрон қилинди. Рус аҳолисига келтирилган зарарлар: 150 та от, 255 бош йирик ҳайвонлар, 1000 дан ошиқ майда ҳайвонлар. Уларнинг умумий миқдори - 1 миллион рубл»[2].

Сирдарё вилояти ва Фарғона бўйича ҳам шу тарзда маълумот берилади. Лекин, маҳаллий аҳоли кўрган зарар ва ўлганлар ҳақида ҳеч қандай хабар берилмайди.

Ахборотнинг иккинчи қисмида қўзғолоннинг асосий сабабларига тўхталади. Унда қуйи амалдорларнинг ўз мансабларини суистеъмол қилиши оқибатида қўзғолон бошланди, деган фикрни илгари суради[3].

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1197-иш.
[2] Ўша жойда. 1-в.
[3] Ўша жойда. 5-в.

Ушбу ҳужжатнинг охирги саҳифаларида уруш йиллари Туркистон ўлкасининг урушга қўшган ҳиссаси факт ва рақамларда кўрсатиб ўтилган[1].

1916 йилги қўзғолон бутун минтақани қамраб олгани боис, уезд бошлиқлари ва вилоятлар ҳарбий губернаторлари ҳам ўзларига тегишли ҳудуддаги воқеалар ҳақида ахборотлар бериб туришган.

5 июлда Ургутдаги тартибсизликлар ҳақида Самарқанд уезди бошлиғи А.И. Мартинсон ҳарбий губернатор Н.С. Ликошинга ахборот жўнатади. Унда таъкидланишича, икки мингдан ортиқ аҳоли приставдан тузилган рўйхатни ёқиб ташлашни талаб қилган. Талаб бажарилмагач маҳкамага ҳужум қилиб, рўйхатлар йиртиб ташланади, амалдорлар эса қаттиқ калтакланади[2].

11 июлда Жумабозор қишлоғидаги тартибсизлик ҳақида ҳарбий губернатор Н.С. Ликошин 1916 йил 12 июлда ўлка губернатори вазифасини бажарувчи М.Р. Ерофеевга махфий ахборотнома жўнатди[3].

Фарғона вилояти бўйича Қўқон уезди бошлиғи муовини А.Г. Китаев[4], Скобелев уезди бошлиғи Е.М. Гоштавт[5] ва бошқаларнинг ахборотлари ҳам шундай мазмунда бўлган.

Умуман, бундай манбалар муаллифлари воқеани бевосита иштирокчилари бўлишган, шунингдек, ушбу воқеалар тўлиқ тасвирлангани боис, мазкур воқеаларнинг ҳаммаси ҳам юқори амалдорлар ҳисоботидан ўрин олмаган.

Шунга қарамай, юқорида қайд этилган манбалар тарихчилар томонидан яхши тадқиқ этилган[1]. Жумладан, З. Чориев ўз моно-

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 31-рўйхат, 1197-иш, 7-20-варақлар.
[2] ЎзР МДА. 18-жамғарма, 2-рўйхат, 660-иш, 9-10-варақлар.
[3] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 2-рўйхат, 1135-иш, 70-72-варақлар.
[4] ЎзР МДА. 276-жамғарма, 2-рўйхат, 146-иш, 13-14-варақлар.
[5] Ўша жойда. 152-иш, 25-26-варақлар.

графиясида Фарғона ва Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторлари ва уезд бошлиқлари ахборотларидаги кўплаб фактик маълумотларни келтириб ўтган[2].

Сиёсий аҳамият касб этувчи ахборот ва маърузалар бир томонлама, ҳукумат манфаатлари нуқтаи-назаридан ёзилган бўлиб, маъмурларнинг асл мақсадлари қандай эканлигини тушуниш қийин эмас. Шу жиҳатдан, уларни танқидий таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Расмий ҳисоботларда ҳукуматни ўлкадаги стратегик мақсадлари ҳам кенг ўрин эгаллаган бўлиб, улар турли соҳаларга тегишлидир.

Сиёсий ва стратегик йўналишдаги ҳужжатлар қаторига ўлкани тафтиш этиш мақсадида император ҳукумати йўллаган тафтиш комиссия ҳисоботларини киритиш мумкин. Чунки, уларда иқтисодий аҳамиятга молик масалалар билан бир қаторда ўлка бошқаруви муаммосига ҳам эътибор берилган. Бундай комиссияларнинг биринчиси 1882 йили император Александр III топшириғи билан Туркистон ўлкасини тафтиш қилиш учун махфий маслаҳатчи Ф.К. Гирс бошчилигида тузилади. Унинг таркибига Ички ишлар вазирлиги ходими Голдинский, Россиянинг Қашғардаги элчиси Петровский, божхона департаменти аъзоси Езучевский ва Новгород округ суди прокурори Дитлов киритиладилар.

Комиссия ишидан кўзланган мақсад, аввало, минтақадаги солиқ ишлари ва маъмурий бошқарувни тартибга солиш ҳамда ер

---

[1] Кастельская З.Д. Восстание 1916 года в Узбекистане (к 20-летию восстания). - Т.: Госиздат УзССР, 1937; Турсунов Х.Т. Восстание 1916 г. в Средней Азии и Казахстане. - Т., 1962; Ковалёв П.А. Революционная ситуация 1915-1917 гг. и её проявления в Туркестане. - Т.: Фан, 1971; Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. - Т.: Шарқ, 1998; Суюнова О. Туркистонда 1916 йил миллий озодлик кураши тарихидан. - Т., 1997; Чориев З. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари. - Т., 1996 ва б.

[2] Чориев З. Кўрсатилган асар. Б. 87-104.

тузилиши бўйича якуний бошқарув қонун лойиҳасини тайёрлаш эди. Ф.К. Гирс ўз фаолияти давомида 2 та қисмдан иборат тафтиш ҳисоботини тайёрлади.

1-қисм «Маъмурият. Ўлка бошқаруви» деб номланади[1].

Ҳисоботнинг дастлабки саҳифаларида тафтиш ишининг мақсади баён қилинади. Сўнгра, Туркистон ўлкасини мавжуд бошқарув тизими ҳақида ахборот берилган. Кейинги саҳифаларда К.П. Кауфманнинг ўзбошимчалиги туфайли йўл қўйган хатолари тўғрисида тўхталган. Ҳисоботнинг охирида маъмурий бошқарувнинг такомиллаштириш бобидаги таклифлари ўрин олган.

Ҳужжатнинг 2 - қисми суд ва молия масалаларига бағишланган.

Ушбу қисмда дастлаб мавжуд суд тизими таҳлил этилиб, ўлка генерал-губернаторининг чексиз ваколатга эга бўлганлиги танқид қилинган. Ф.К. Гирс таъбирича «Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ўлкада шундай ҳуқуқларга эга эдики, ҳатто Адлия Вазирлиги бундай имкониятларга эга эмас эди»[2].

«Молия» бўлимида сиёсий аҳамиятга молик масалалар ўрин олган эди. Даставвал ерга эгалик муносабатлари кенг таҳлил этилади. Бунда мулк ерлари ва вақф ерларига муносабат комиссиянинг диққат марказида туради. Кейинги саҳифаларда «ирригация» ва «солиқ» ишлари ёритилган. Комиссия аъзолари суғориш ишлари ўлкада катта аҳамиятга эга эканлигини тушунганлари ҳолда, унинг ривожи учун ҳеч қандай чора-тадбирлар қабул қилмайдилар.

---

[1] Отчет о состоянии Туркестанского края. Составленный сенатором тайным советником Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению. Ч. 1. - Администрация. Управление краем. - СПб., 1888.

[2] Гирс Ф.К. Отчет по ревизии... С. 206.

Солиқлар бобида К.П. Кауфман томонидан Фарғона вилояти учун ишлаб чиқилган солиқ тизими танқид остига олинади. Ҳамда минтақадан кўпроқ солиқ олишни тарғиб этадилар.

Ф.К. Гирснинг тафтиш иши ниҳоясида комиссия ўз олдига қўйган вазифаларни бажарган эди. Чунки, улар чиқарган хулосалар, ҳамда таклиф этилган ўлкани бошқариш Низоми лойиҳаси 1886 йилда тасдиқланган Низом учун асос бўлиб хизмат қилди.

XX аср бошларида Туркистонда кескин сиёсий вазиятнинг келиб чиқиши ўлкада янги бошқарув тизимини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди.

1908 йил 19 мартда император фармони билан сенатор граф К.К. Пален бошчилигида Туркистон генерал-губернаторлигини тафтиш қилиш учун махсус комиссия тузилди. Комиссия 1908 йил 13 июлдан 1909 йил бошларигача фаолият кўрсатди[1].

Сенатор К.К. Пален Туркистонни янгича империянинг мустамлака манфаатлари доирасида тафтиш қилди ва унинг хулосалари бир неча томларда ҳисобот тарзида ўз аксини топди.

К.К. Пален ўлкани руслаштириш масаласидаги ҳисоботида ўлкага русларнинг кириб келиши, К.П. Кауфман, Н.О. Розенбах, И.И. Гродеков ва бошқа губернаторларни кўчириш ишидаги фаолияти ёритилган. Шу билан бирга, келгусида бу жараён қандай давом этиши кераклиги хусусида баҳс юритилади. К.К.Паленнинг фикрича «кўплаб рус аҳолисини кўчириб келтириш фойда келтирмайди. Шунинг учун бу жараён секин ва пухта тарзда олиб борилиши керак»[2] деган таклифни илгари суради. Маҳаллий аҳолига ерларни хусусий тарзда бўлишини

---

[1] История Узбекской ССР. - Т., 1968. Т. II. С. 328.
[2] Пален К.К. Переселенческое дело в Туркестане. - Т., 1910. С. 24.

мустаҳкамлаш зарур. Кейинчалик, ушбу ерлар тинч йўл билан руслар томонидан сотиб олинади. Бунда давлат томонидан ҳеч қандай куч ишлатиш керак бўлмайди, деб таъкидлайди[1].

Ўлкани бошқарув тартибини ўзгартириш ҳақидаги ҳисоботда[2] мустамлака бошқарув тизимини янада мустаҳкамлашга эътибор қаратилади. Шунингдек, вилоят, уезд ва волост бошқармаларини ислоҳ қилиш таклифи кўтарилиб, «уезд маъмуриятининг маҳаллий аҳолини доимий назоратда ушлаб туриш учун уездлар сонини камайтириш, лекин вилоят бошқармалари шахсий таркибини кўпайтириш зарур»[3]лиги таъкидланади.

Шунингдек, К.К. Пален қишлоқларни бошқариш тўғрисидаги[4] ва ўлкада полиция хизматини кучайтириш[5] ҳақидаги ҳисоботларида ҳам империя манфаатларидан келиб чиқиб, мавжуд тизимни узоқроқ ушлаб туриш учун зарур бўлган чора-тадбирлар ва таклифлар ўз ифодасини топган. Бу таклифлар шубҳасиз стратегик аҳамиятга эга эди.

К.К. Пален илгари сурган фикрларни орадан кўп ўтмай А.В.Кривошеин қўллаб-қувватлайди ва императорга тақдим этган маърузасида бу нарса ўз ифодасини топди.

Россия ер тузилиши ва ер ишлари бошқарувчиси А.В. Кривошеин Туркистонда сафарда бўлиб, Николай II учун маълу-

---

[1] Пален К.К. Переселенческое дело в Туркестане... С. 248.
[2] Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Краевое управление. - СПб., 1910. С. 13.
[3] Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Краевое управление... С. 16.
[4] Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по высочайшему повелению сенатором графом К.К. Паленом. Сельское управление: русское и туземное. - СПб., 1910.
[5] Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Полиция безопасности. - СПб., 1910.

мотнома тайёрлайди. Кейинчалик ушбу ҳужжат китоб ҳолида нашр этилиб, 88 саҳифани ташкил этади[1].

Ушбу ҳужжатда А.В. Кривошеин Туркистондаги ирригация ишлари аҳволига тўхталиш билан бирга, ўлкага русларни жойлаштиришни кечиктирилиши сабабларини ҳам таҳлил этади. Ва руслаштириш жуда секин олиб борилаётганлигини танқид қилади. У ўз фикрини қуйидагича ифодалаган: «... Ярим аср мобайнида бор-йўғи юз эллик рус қўрғонининг вужудга келиши, бир-бутун олганда, Европадаги бир нечта катта давлатларга тенг келадиган Туркистоннинг бепоён ҳудудига аҳолини кўчириб келтириш учун заррача ҳолос»[2].

Охирги саҳифаларда А.В. Кривошеин ўлкада рус кишилари мавқеини мустаҳкамлаш ва минтақа имкониятларидан фойдаланишнинг стратегик режаларини баён қилган[3].

Мазкур стратегик ва сиёсий аҳамиятга молик ҳисоботларда мустамлакачиликни кучайтириш чора-тадбирлари аксарият ҳолларда махфий тарзда баён этилди. Бироқ, ушбу ҳужжатларда энг аввало ўлкада мустамлака бошқарув тизимини янада мустаҳкамлаш, аҳолини итоатда тутиш ва ўлкага русларни кўчириб келиш муаммоларини ҳал этиш йўллари ҳақида фикр юритилади. Бу ҳужжатлар Россия империясининг асосий ва бош стратегик мақсади Туркистонда ўз ҳукмронлигини умрбод сақлаб туриш бўлганлигини намоён этади.

Хулоса қилиб айтганда, ўлкада фаолият кўрсатган рус маъмурлари томонидан тайёрланган ҳисоботлар расмий мақомга

---

[1] Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. Приложение к всеподданнейшему докладу. - СПб., 1912.
[2] Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего... С. 47.
[3] Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего... С. 80-82.

эга бўлиб, уларни тури ва мазмунига кўра таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, мазкур манбалар турли мақсадларда яратилган бўлиб, Туркистон маъмурияти фаолиятини ҳамда империянинг ўлкада олиб борган сиёсатининг моҳиятини акс эттириши билан ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, мунтазам ёзиб борилган ҳисоботлар минтақа ҳаётининг барча қирраларини ёритиб бериши билан бирга, ушбу воқеаларнинг мунтазамлигини таъминлагани сабабли ўзига хос таҳлил талаб этса, сиёсий-стратегик туркумдаги ҳужжатлар эса метрополия олиб бораётган сиёсатнинг туб мақсадлари ва унинг оқибатлари ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу манбаларни таркибий жиҳатдан туркумларга ажратган ҳолда таҳлил этиш пировардида тарихий ҳақиқат юзага чиқади ва қандай мақсадларда яратилганлигига қараб, ўзига хос ёндашувни тақозо этади. Ҳатто, ҳисоботлардаги нотўғри мулоҳазалар ҳам ўзига хос қимматга эга, чунки улар ўз муаллифларининг мақсадларини фош этишга хизмат қилади. Ушбу манбаларни бошқа манбалар билан солиштирган ҳолда чуқур таҳлил этиш лозим.

II БОБ. РАСМИЙ ҲИСОБОТЛАРДА СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ВА АГРАР СОҲАЛАРГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

II. 1-§. Бошқарув тизимини ташкил этиш, сиёсий-ижтимоий аҳволга оид маълумотлар

Туркистондаги Россия ҳукумати маъмуриятининг расмий ҳисоботларида ўрин олган энг муҳим масалалардан бири ўлкадаги бошқарув тизими фаолияти билан боғлиқ маълумотлардир. Бу табиий эди, албатта, зеро, маъмуриятнинг ўлкадаги энг асосий ва бош вазифаси ҳар бир вилоят, уезд, шаҳар ва қишлоқни ўз измида ва ҳукмида сақлаш эди. Ҳукумат ўз қўлида ҳарбий, фуқаролик ва суд ҳокимиятини бирлаштирган ҳолда бутун ўлка миқёсида ва ҳар бир вилоят, уезд даражасидаги бошқарув тизимининг барча асосий нуқталарини эгаллаши лозим эди.

Бу тизим К.П. Кауфман Туркистонни бошқараётган вақтда ишлаб чиқилган бўлиб, унинг расмий ҳисоботида кенг акс эттирилган.

Ҳисоботнинг «Туркистон генерал-губернаторлигининг маъмурий тузилиши» деб номланган махсус бобида ўлка генерал-губернаторлиги, вилоят ва уездлар бошқармалари таркибий тузилиши ҳақида ҳам маълумот бериб ўтган. Унга кўра, генерал-губернаторлик бош бошқармаси - губернаторлик маҳкамаси ва махсус ишлар билан ишловчи бир нечта маъмурдан иборатдир.

Вилоятлар бошқарувида ҳарбий губернатор ва вилоят бошқармаси ҳамда вилоят молия муассасаси ва вилоят почта идораси мавжуд бўлган.

Уездлар бошқармалари уезд бошлиғи, унинг икки ёрдамчиси, маҳкама ва уезд судьяси, врач, ҳамда почта бўлимидан иборат

бўлган[1]. Мазкур бобда маҳаллий аҳолининг маъмурий бўлиниши тўғрисида ҳам маълумот берилган.

Чунончи, қирғизлар маъмурий бўлинишига кўра волост ва овулларга бўлинади. Ўтроқ аҳоли оқсоқолликларга бўлинади[2].

К.П. Кауфман уларнинг суд тизими ҳақида ҳам тўхталган. Жумладан, «қирғизларда бий суди бўлиб, улар 4 тадан 8 тагача волостлар орасидан сайланган. Сартларда (ўтроқ аҳоли - Д.Ў.) судлар шариат бўйича иш юритувчи қозилар қўлида бўлиб, улар алоҳида оқсоқолликлардан сайланган»[3].

Дарҳақиқат, К.П. Кауфман дастлабки даврда маҳаллий аҳоли урф-одатлари бўйича бошқаришни маъқул кўрган. Лекин, кўп ўтмай у империя манфаатлари нуқтаи-назаридан аста-секин ўзгаришларни амалга ошира бошлаган.

Дастлаб, солиқларни бир тизимга солиш мақсадида аҳолини рўйхатга олиш баҳонаси билан Еттисув ва Сирдарё вилоятининг Перовск, Казалинск ва Авлиёота уездларига сўнгра, 1868 йили Қурама ва Чимкент уездларига махсус комиссия жўнатади[4].

Ушбу комиссиялар хулосасига таяниб, губернатор 2 та вилоятдаги маъмурий тартибга ўзгартишлар киритади. Ҳисоботда бу ҳақда қайд этилишича, ҳар 2 та вилоятдаги ўзгаришлардан сўнг, 179 та волост, 1378 та оқсоқоллик ва овуллар вужудга келган, 1872 йили аҳолиси озлиги ва чегарада (Ғулжа районида - Д.Ў.) нотинч вазият бўлганлиги сабабли Иссиққўл уезди Тўқмоқ ва Верний уездларига қўшиб юборилади[5].

---

[1] Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П. Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 7 ноября 1867 - 25 марта 1881 гг. - СПб., 1885. С. 44.
[2] Ўша жойда. С. 45.
[3] Ўша жойда. С. 45.
[4] Ўша жойда. С. 49.
[5] Ўша жойда. С. 59.

Таъкидланаётган манбада бошқа вилоятлар бўйича ҳам маълумотлар келтирилган. Жумладан, Зарафшон округида 1872 йили К.П. Кауфман янги ўзгаришларни амалга оширади. У, аввало, солиқ ишидаги саркор ва амлокдорларни йўқ қилади, сўнгра 1876 йили хирож ва таноб солиғи ўрнига ер солиғини жорий қилган[1]. Айтиш мумкинки, солиқнинг бу тури Сирдарёда 1870 йилдан бери қўлланиб келган эди.

Ушбу ҳисоботда Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги Зарафшон округи ва Амударё бўлимларининг маъмурий ҳудудий тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилади. Унда кўрсатилишича, 1875 йилга келганда Зарафшон округида 38 та волост ва 241 та оқсоқоллик мавжуд бўлган.[2] Амударё бўлимида 15 та волост, 61 та оқсоқоллик ва овуллар бор эди.[3] Фарғона вилоятида қуйи маъмурият амин ва волост бошлиқлари, оқсоқол ва овул бошлиқларидан иборат бўлган[4].

Умуман, генерал-губернаторлик бўйича 407 та волост, 2872 та оқсоқоллик ва овуллар бор бўлган[5].

К.П. Кауфман ушбу ҳисоботда ўлкани маъмурий бошқарувини янгилаш лойиҳасини тақдим этади. Унинг фикрича, маъмурий жиҳатдан генерал-губернаторлик вилоят ва уездларга нотўғри бўлинган[6].

У янги лойиҳани ишлаб чиқишда ўлканинг ўтроқ аҳоли яшайдиган қисмини ва кўчманчи аҳоли яшайдиган ҳудудларни алоҳида қилиб ажратиш зарурлигига эътибор қаратади.

---

[1] Кауфман. Проект отчета... С. 69.
[2] Ўша жойда. С. 70.
[3] Ўша жойда. С. 70.
[4] Ўша жойда. С. 71.
[5] Ўша жойда. С. 74.
[6] Ўша жойда. С. 81.

Зарафшон округини тугатиш билан 65 000 руб., Фарғонадаги 2 уездни тугатиш орқали 40 000 руб. тежаш хақидаги фикрни илгари суради[1].

Мазкур лойиҳада уезд бошқармаларини ислоҳ қилиш таклифи ҳам ўрин олган. Унда асосий эътибор уездларни участкаларга бўлиб бошқаришга қаратилади. Чунки, К.П. Кауфман назарида уезд бошлиқлари ҳаддан ташқари кўп ишларни бажарган. Шу сабабли Тўқмоқ, Чимкент, Хўжанд уездларида қўшимча иш ўринлари очишга мажбур бўлган[2]. К.П. Кауфман илгари сурган ғоялар маълум даражада 1886 йилги «Низом»да ўз аксини топган.

Жумладан, ҳудуднинг ўтроқ ва кўчманчи аҳолига қараб бошқарилиши, Фарғонада 2 та уезднинг тугатилиши (*Чимён ва Чуст уездлари - Д.Ў.*), ҳамда уездларнинг участкаларга бўлиб бошқарилиши ва бошқалар.

К.П. Кауфман ўзининг 14 йиллик фаолияти давомида минтақада империя манфаатларига хизмат қилувчи мустаҳкам бошқарув аппаратини вужудга келишига катта ҳисса қўшди.

Шу билан бирга, у ўз мавқеидан фойдаланиб, амалда бўлган «дашт қонунлари»ни ҳам бузиб юборади. Буни Ф.К. Гирснинг тафтиш ҳисоботидаги маълумотлар тасдиқлайди.

К.П. Кауфманнинг ўлкада бошқарув тизими юзасидан олиб борган фаолияти Гирснинг тафтиш ҳисоботида кенг кўрсатиб ўтилган ва баҳоланган.

Унда кўрсатилишича, К.П. Кауфман даврида Туркистон ўлкаси маъмурий тузилишга кўра, 4 га - Сирдарё, Фарғона, Зарафшон, Амударё бўлимларига бўлинган ва турли Низомлар билан бошқарилган. Масалан: Сирдарё вилояти 1867 йил 11 июлда

---

[1] Кауфман. Проект отчета... С. 91.
[2] Ўша жойда. С.86.

чиққан Низом ва генерал-губернатор киритган ўзгартиришлари асосида бошқарилган. Зарафшон округи - 1868 йил 29 июн Кауфман тасдиқлаган вақтинчалик қоидага кўра бошқарилган. Амударё бўлими 1874 йил 21 май генерал-губернатор тасдиқлаган Низом ва 1867 йилги Низом асосида бошқарилган. Фарғона вилоятида эса маъмурий, солиқ, ер ишлари 1873 йилги лойиҳа асосида, суд ишлари 1867 йилги Низом асосида бошқарилган[1].

Мазкур маълумотдан кўриниб турибдики, К.П. Кауфман Фарғона вилояти бошқарувида ҳали тасдиқланмаган лойиҳани амалда жорий қилган. Ф.К. Гирс К.П. Кауфманнинг хатоларини алоҳида кўрсатиб ўтган. Жумладан, 1870 йили Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги бозорни руслар яшайдиган ҳудудга кўчиртириб юборганлигини, суд қарорларининг бекор қилишни ўз қўлига олганлигини танқид остига олади[2].

Ф.К. Гирс вилоят бошлиғи бўлган ҳарбий губернаторлар ҳам чексиз ваколатларга эга бўлганлигини таъкидлайди. Улар волостдаги сайловларни бекор қилиш ҳуқуқига эгалигидан фойдаланиб, биргина Сирдарё вилоятида 3 йил ичида 109 та волост бошқарувчисидан 38 тасини бўшатиб юборганлар[3].

Суд ишлари соҳасида ҳам К.П. Кауфман қатор камчиликларга йўл қўйган эди. Ф.К. Гирснинг фикрича, 1864 йилги Россиядаги суд ислоҳатлари Туркистонга умуман таъсир кўрсатмаган. К.П. Кауфман ҳарбий губернаторларга берган ҳуқуқлардан фойдаланиб, улар уезд судьяларига хайфсан ва огоҳлантиришлар бериб турганлар[4].

---

[1] Гирс Ф.К. Кўрсатилган асар. С. 6.
[2] Ўша жойда С. 24.
[3] Ўша жойда. С. 29.
[4] Ўша жойда. С. 206.

Кўриниб турибдики, юқоридаги икки ҳисобот бир-бирини тўлдиради ва империянинг Туркистондаги бошқарув сиёсатини таҳлил этишда ёрдам беради.

Юқорида таҳлил этилган мавзу ватан ва хориж тарихшунослигида яхши ўрганилган[1]. Жумладан, Н. Абдурахимова, Г. Рустамова тадқиқотларида К.П. Кауфман ва Ф.К. Гирс ҳисоботларидаги бошқарувга оид кўпгина маълумотлар ўз аксини топган[2].

Туркистондаги рус маъмурлари дастлабки ҳисоботларидаёқ аҳолининг этник таркиби, сони, турмуш тарзи, яшаш аҳволи хусусида маълумотлар бериб борганлар. Жумладан, Кауфман ҳисоботининг биринчи бобида мазкур масалага кенг эътибор қаратилади. У 1880 йилга келиб, ўлка аҳолиси 3.150.000 кишига яқин, деб ҳисобот беради. Албатта, бу фактлар тахминий эканлигини, унга сабаб эса, ҳали аҳоли тўлиқ рўйхатга олинмаганлигини маълум қилади[3].

Шу билан бирга, ўтроқ ва кўчманчи аҳолини яшаш жойи ва хўжалигига қараб, Туркистонни 2 қисмга жанубий ва шимолий зонага ажратган ҳолда, аҳоли сони ва ўтроқлашув даражасини қуйидаги факт ва рақамларда келтириб ўтган:

Жанубий зона	Ер майдони	аҳолиси	Ўтроқ аҳоли	Кўчманчи	Ўтроқлашув даражаси
	3.872 кв.мил.	1.550.000	1.320.000	230000	85%

[1] Садыков Х.Д. Политико-административное устройство Туркестанского генерал-губернаторства (1867 - 1917 гг.). Дисс... канд. ист. наук. - Т., 1973; Киняпина Н.С. Административная политика царизма на Кавказе и в Средней Азии в XIX веке. // Вопросы истории. 1983. - № 4. С. 35-47; Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX - начало XX вв.). Диссертация на соискание ученой степени доктора исторических наук. - Т., 1994.

[2] Абдурахимова Н.А., Г. Рустамова. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX - первой четверти XX вв. - Т., 1999. С. 26-51.

[3] Кауфман К.П. Кўрсатилган асар. С. 17.

Жанубий зонага Зарафшон округи, Фарғона вилояти, Сирдарё вилоятининг 2 та жанубий уезди кирган.

Шимолий дашт зона	Ер майдони	Аҳолиси	Ўтроқ аҳоли	Кўчманчи	Ўтроқлашув даражаси
	15.554 кв. мил.	1.470.000	135.000	133.5000	9 %

Шимолий зонага Еттисув вилояти, Сирдарё вилоятининг шимолий уездлари ва Амударё бўлими кирган[1].

Келтирилган рақамлардан шундай хулосага келиш мумкин: Губернаторликнинг катта қисмида кўчманчи аҳоли истиқомат қилган, ҳамда аҳоли сони жиҳатидан ҳам улар ўтроқ аҳолидан кўпроқ, лекин кўчманчи аҳолида ўтроқлашув даражаси паст даражада бўлган.

Ҳисоботда қайд этилган муҳим маълумотлардан яна бири ўлка аҳолиси этник таркиби хусусидаги материаллардир. Бунга кўра, кўп сонли халқларнинг этник таркибига «руслар, татарлар, тожиклар, ўзбеклар, қорақалпоқлар, қипчоқлар, туркманлар, сартлар, қирғизлар, қурамалар, чалақозоқлар (*? - Д.Ў.*), дунганлар, мўғил-хитойлар, қалмиқлар кирган. Кам сонли аҳоли ҳиндлар, форслар, яҳудийлар, араблар, афғонлар ва лўлилардан иборат бўлган»[2].

Шуни таъкидлаш жоизки, этник таркиб ҳақидаги ушбу маълумотда хатолик мавжуд. Чунки, губернатор бугунги ўзбек халқининг кўпгина уруғларини тушунмаган ҳолда алоҳида халқ сифатида кўрсатиб ўтган. Жумладан, қипчоқлар, қурама ва бошқалар.

---

[1] Кауфман. Кўрсатилган асар. С. 15.
[2] Ўша жойда. С. 20-21.

Ҳисоботларда шунингдек, ҳар бир халқнинг сони, вилоятдаги аҳоли сони рўйхатига ҳам эътибор қаратилган.

1895 - 1897 йилларда Туркистон генерал-губернатори бўлган А.Б. Вревский ўз ҳисоботида «1895 йили ўлкада 3.102.385 та киши яшаган бўлса, 1897 йили уларнинг сони 3792,774 тага етди»[1] - деб ҳисоб берган.

Шу ўринда, 1880 йилга нисбатан 1895 йилда камроқ аҳоли яшаган экан, деган хулосага келмаслик зарур. Чунки, 1895 йилда Еттисув вилояти генерал-губернаторлик таркибидан чиқарилган бўлиб, унинг аҳоли сони мазкур рўйхатга кирмаган.

Йиллик ҳисоботларда вилоят аҳолисининг умумий сони кўрсатилган, холос. Иловаларда эса ҳудудда яшовчи эркак ва аёл аҳоли рўйхати ҳамда ҳар бир элатнинг умумий сони ва уларнинг уездлар бўйича умумий жойлашуви статистик рақамларда ўз ифодасини топган.

Фарғона вилояти бўйича ҳисоботлардаги ушбу масалага оид маълумотлар умумлаштирилганда, қуйидагича бўлган:

1890 йили - 801 269 киши

1900 йили - 1 670 369 киши

1910 йили - 2 062 531 киши[2].

Мазкур манбаларда аҳолининг шаҳар ва қишлоқларда жойлашуви ва уларнинг этник таркиби ҳам кўрсатиб борилган. Жумладан, 1899 йили Фарғонада 1 641 000 аҳолидан шаҳарларда 294 877 та, қишлоқларда 1 256 370 киши яшаган бўлиб, ундан сартлар - 821 000, қора-қирғизлар (*қирғизлар - Д.Ў.*) - 300 000,

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 27-рўйхат, 1589-иш, 2-в.

[2] Обзор Ферганской области за 1890 год. - Новый Маргелан, 1893. С. 23; Обзор Ферганской области за 1900 год. - Новый Маргелан, 1901. С. 29; Статистический обзор Ферганской области за 1910 год. - Скобелев, 1912. С. 3.

тожиклар - 168 000, қашғарлар - 165 000, руслар - 9 750 кишини ташкил қилган[1].

Дастлабки вақтда аҳолининг сони тахминий эканлиги манбаларда кўп таъкидланган. Масалан, 1883 йилги ҳарбий губернатор ҳисоботида «хонлик замонида аҳолини рўйхатга олиш бўлмаганлиги учун, ҳозирда ушбу тадбирга улар гумонсираб қарамоқдалар»[2] - деб қайд этилган.

Сирдарё вилояти ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу ҳужжатларда аҳоли сони билан бирга халқнинг турмуш тарзи, хўжалиги, маданияти тўғрисидаги маълумотлар уйғунлашиб кетган.

Мазкур вилоятда: 1886 йили - 1 219 400 киши
1894 йили - 1 590 214 киши
1913 йили - 2 097 896 киши яшаган[3].

Шунингдек, ҳарбий губернаторлар ҳисоботларида ҳудудда яшовчи аҳоли сонини кўрсатишда ноаниқликлар мавжуд бўлган. Жумладан, 1889 йилги ҳисоботда вилоят аҳолиси 1888 йилги билан бир хилда (1.143.584 киши) кўрсатилган ва «бу рақам ҳам унчалик тўғри эмас»[4] - деб ёзиб қўйилган.

Юқоридаги икки вилоятга нисбатан Самарқанд вилоятида кам аҳоли яшаганлигини йиллик ҳисоботлардаги фактлар тасдиқлаб беради.

Чунончи, 1890 йили вилоятдаги жами аҳоли 781 924 киши бўлса, 1911 йили уларнинг сони - 967 000 тага етган[5].

---

[1] Обзор Ферганской области за 1899 год. - Новый Маргелан. 1901. С. 72.
[2] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 324-иш, 11-в.
[3] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 1924-иш, 10-в; Обзор Сыр-Дарьинской области за 1904 год. - Т., 1906. С. 3; Обзор Сыр-Дарьинской области за 1913 год. - Т., 1916. С. 4.
[4] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 8-иш, 21-в.
[5] Ўша жойда. 11-рўйхат, 696-иш, 39-в; 12-рўйхат, 1730-иш, 10-в.

Ушбу ҳисоботлардаги факт ва рақамлар таҳлили якунида ўлканинг мустамлака давридаги демографик ҳолати тўғрисида маълум тасаввурлар ҳосил қилиш мумкин.

Лекин, ушбу маълумотларнинг ҳаммаси ҳам ҳозирга қадар тўлиқ илмий муомалага киритилмаган. Фақатгина Ж. Исмоилова ўз тадқиқотида Сирдарё вилояти статистик иловаларидаги фактик маълумотлардан кенг фойдаланилганлигини таъкидлаш жоиздир[1].

Ўлкага русларни кўчириб келтириш стратегик аҳамият касб этганлиги туфайли ҳисоботларда мазкур мавзу алоҳида бандларда ёритилган. Ватан тарихшунослигида кўчириш сиёсати яхши ўрганилганлиги сабабли[2], қуйида мавзунинг баъзи жиҳатларига тўхталиб ўтиш кифоядир.

К.П. Кауфман ҳисоботининг 3-боби кўчириш сиёсатига бағишланган.

Таҳлил жараёнида К.П. Кауфман даврида ўлкага мусулмон бўлмаган аҳолини кўчириб келтиришда иккита босқич мавжуд эканлигини кўриш мумкин.

1-босқич Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгунга қадар бўлган даврни, яъни 1847-1867 йилларни ўз ичига олади. Бу йилларда Еттисув вилоятига рус армиясининг таянчи ва мадад кучлар сифатида ҳарбий казак қўшинлари кўчириб келтирилган. 1847 йили Еттисувда дастлабки казаклар қишлоғи вужудга келиб, 1867 йилгача 14 та казак қишлоқлари (15 000 та казак) ташкил этилган[3].

II-босқич К.П. Кауфманнинг Туркистон генерал-губернатори бўлган давр - 1867-1881 йилларни қамраб олади. Ушбу йилларда

---

[1] Исмоилова Ж. Кўрсатилган асар. Б. 12-16.

[2] Галузо П.Г. Аграрные отношения на юге Казахстана в 1867 - 1914 гг. - Алма-Ата, 1965; Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане. - М., 1991; Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867 - 1917 гг.). - Т.: Фан, 1997 ва б.

[3] Проект отчета К.П. Кауфмана... С. 250.

Еттисув ва Сирдарё вилоятларига кўчириш олиб борилди, 1877 йилга келиб, Еттисувда 27 та казак қишлоғи мавжуд бўлиб, унда 24 165 та казак ва 29847 та рус деҳқонлари яшар эди[1]. Сирдарёда 1874-1876 йилларда Авлиёота уездида биринчи рус қишлоқлари - Қораболта, Чолдевор, Михайловский вужудга келади[2].

Ҳарбий губернаторлар томонидан ёзилган йиллик ҳисоботларда ҳам кўчириш сиёсати натижаларига алоҳида эътибор берилган.

Сирдарё вилоятининг 1885 йил учун ҳисоботида вилоятда 7 та рус қишлоғи борлиги кўрсатилиб, - «рус колонизацияси ёрдами билан ўлкани этнографик жиҳатдан босиб олиш мумкин»[3] - деган хулоса таъкидланади.

1888 йилги Сирдарё вилояти ҳисоботида генерал Н.И. Гродеков «Туркистонга кўчириб келтирилган рус казакларининг экинларини тўнғиз ва бошқа ёввойи ҳайвонлар пайҳон қилмоқда», деган баҳонани рўкач қилиб, ўлкадаги рус қишлоқларини қуроллантириш керак, деган масалани қўйган[4].

Ушбу вилоятда рус аҳолисининг тез ўсиб борганлигини 1910 йилги статистик иловада келтирилган маълумотлар тасдиқлайди. Агар 1885 йилда вилоятда 7 та рус қишлоғи бўлган бўлса, 1910 йилда вилоятда 92 та рус қишлоғи бўлган. Рус аҳолисининг сони 42 412 та, улар яшаган умумий ер майдони 191 076 десятинани ташкил этади[5].

Шунингдек, баъзи бир ҳисоботларда кўчиб келган рус деҳқонларини мақтаб ёзилган ҳолатлар учраб туради. Генерал Романов 1906 йилги Сирдарё вилояти ҳисоботида «... рус деҳқон-

---

[1] *Проект отчета К.П. Кауфмана...* С. 298.
[2] Ўша жойда. С. 275.
[3] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 1926-иш, 72-в.
[4] ЎзР МДА. 269-жамғарма, 1-рўйхат, 8-иш, 25-в.
[5] Обзор Сырдарьинской области за 1910 год. - Т., 1912. С. 161.

лари хўжалиги маҳаллий аҳоли хўжалигига нисбатан анча яхши: рус деҳқони 1 дес.дан 55-60 пуд, маҳаллий аҳоли эса 1 дес.дан 45-50 пуддан ҳосил оляпти»[1] - деб ёзади. Аслида, унумли ерларнинг рус деҳқонларига олиб берилиши натижасида шундай ҳолат юзага келган эди.

Фарғона вилояти йиллик ҳисоботларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, империя рус аҳолисини Фарғона вилоятига кўчиришда дастлаб анча эҳтиёткорлик билан иш юритган.

Фарғонада илк рус қишлоғи - Покровский 1893 йилда ташкил этилди.[2] 1898 йилги Андижон қўзғолонидан сўнг вилоятда рус нуфузини кўпайтиришга жиддий эътибор берилади.

1899 йилги Фарғона вилояти йиллик ҳисоботида «200 та оила Марғилон уездига, 100 та оила Андижон уездига ва 20 та оила Ош уездига келтирилди»[3] - деб маълумот берилган. 1900 йили Киев губерниясидан Фарғона вилояти Кўгарт водийсига 40 та оила кўчириб келтирилган[4].

1905-1907 йиллардаги рус инқилоби мағлубиятга учрагандан сўнг, қувғинга учраган кўпгина рус деҳқонлари Туркистонга қочиб кела бошлади. Буни олдини олиш мақсадида 1907 йилдан бошлаб Туркистон ўлкаси кўчиб келувчилар учун ёпиб қўйилди. Бу ҳақда 1908 йилги Фарғона вилояти ҳисоботида генерал-майор Сусанин шундай жумлаларни келтирган эди: «Кўп йиллар мобайнида эркин рус деҳқонлари Ўрта Осиёга юзлаб кела бошлади. 1907 йили Фарғона вилояти кўчиб келувчилар учун ёпиб

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 25-рўйхат, 114-иш, 1-в.
[2] Ўша жойда. 19-жамғарма, 1-рўйхат, 116-иш, 3-в.
[3] Ўша жойда. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 80-иш, 6-в.
[4] Ўша жойда. 1-жамгарма, 12-рўйхат, 164-иш, 11-в.

қўйилди»[1]. Шунга қарамай, 1908 йили Андижон уездида 8 та рус қишлоғи барпо қилинди[2].

Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторининг йиллик ҳисоботларида кўчириш сиёсати яхши ёритилмаган. 1900 йилги йиллик ҳисоботнинг иловасида Самарқанд вилоятида 9 та рус қишлоғи бўлиб, унда 2126 та руслар яшайди - деб маълумот берилади[3]. 1911 йили вилоятда Михайловский қишлоғи ташкил этилгани тўғрисида вилоят ҳарбий губернатори ҳисоботида қайд этиб ўтилади[4].

Тадқиқот доирасидаги манбаларда маориф масалалари ҳам яхши ёритилган. Табиийки, маъмурият маорифни руслаштириш бобида империянинг тутган стратегик йўлини қўллаб-қувватларди.

К.П. Кауфман ҳисоботининг охирги 8-боби маориф масалаларига бағишланган бўлиб, у маҳаллий мактаблар сонини доимий равишда қисқартириб бориш ҳамда уларни тугатиш билан мадрасаларда тингловчилар сонига кескин зарба бериш мумкин, деб ҳисоблаган. Шу билан бирга, мадрасаларнинг маҳаллий халқлар ҳаётида нуфузли ўринга эга эканлигини тан олган ҳолда қуйидаги фикрларни келтириб ўтган эди: «Ҳозирда ҳам мадрасалар мусулмон руҳонийлар аристократияси кучини сақлаб қолган маскан бўлибгина қолмасдан, мусулмон арконларини тарғиб қилувчи марказ сифатида ҳам муҳим ўринга эга бўлиб турибди»[5].

К.П. Кауфман руслар ва маҳаллий аҳоли болаларини биргаликда тарбиялаш масаласини кўтариб чиқади.

Маориф мавзуси вилоят йиллик ҳисоботларида ҳам алоҳида саҳифаларда ёритилган. Ушбу ҳисоботларда маориф ҳақида фақат

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1382-иш, 9-в.
[2] Ўша жойда. 1588-иш, 129-в.
[3] Обзор Самаркандской области за 1900 год. - Самарканд, 1901. С. 24.
[4] ЎзР МДА. 1-жамгарма, 12-рўйхат, 1730-иш, 4-в.
[5] Проект отчета К.П. Кауфмана. С. 432.

статистик маълумотлар ўрин олган бўлса ҳамки, уларни таҳлили аниқ хулосаларга асос бўлади.

Масалан, Фарғона вилояти бўйича 1883 йилда мадрасалар - 132 та, мактаблар - 1423 та, европа типидаги мактаб - 1 та деб кўрсатилган[1].

Кейинги йиллардаги ҳисоботларда рус-тузем мактаблари алоҳида бандларда кўрсатилган. Жумладан, 1887 йилда Фарғона вилоятида 5 та рус-тузем мактабида 147 та ўқувчи таълим олганлиги кўрсатилса[2], 1910 йилги иловада 18 та рус-тузем мактабларида 500 га яқин ўқувчи таълим олганлиги таъкидланган[3].

Айниқса, Сирдарё вилоятида рус мактаблари кўпчиликни ташкил этган. 1888 йилги генерал Н.И. Гродеков томонидан ёзилган йиллик ҳисоботда жами 36 та русча таълим мактаблари бўлиб, улардан 12 таси рус-тузем типида эканлиги таъкидланади[4]. 1908 йилга келиб эса, вилоятдаги турли хилдаги рус мактаблари 92 та бўлиб, унда 8 398 та ўқувчи таълим олганлиги айтиб ўтилади[5]. Демак, ўн йил ичида бу мактаблар сони 2,5 баробар ўсган.

Мазкур манбаларда янги усул мактаблари ҳақида ҳам маълумотлар учраб туради. Масалан, Фарғона вилоятининг 1908 йилги ҳисоботида вилоятда 27 та янги усулдаги мусулмон мактаблари мавжудлиги қайд этилса,[6] 1909 йилги Сирдарё вилояти ҳисоботида губернатор Тошкентда 15 та янги усул мактаби борлигини кўрсатиб ўтади ва улар устидан назоратни кучайтириш зарурлигини таъкидлайди. Бу мактаблар «Таржимон» газетаси муҳар-

---

[1] ЎзР МДА. 19-жамғарма, 1-рўйхат, 1170-иш, 40-в.
[2] Обзор Ферганской области за 1887 год. Новый Маргелан. 1889. С. 51.
[3] Статистический обзор Ферганской области за 1910 год. Скобелев. 1912. С. 183.
[4] ЎзР МДА. 269-жамғарма, 1-рўйхат, 4-иш, 4-в.
[5] Обзор Сырдарьинской области за 1908 год. - Т., 1910. С. 68.
[6] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1382-иш, 12-в.

рири (*И. Гаспирали - Д.Ў.*) томонидан тарғиб этилганлиги ҳам қайд этилади[1].

Ҳисоботларда вилоятларнинг санитар ҳолатига оид маълумотлар ҳам мунтазам бериб борилган. Бунда асосан хизмат кўрсатувчи тиббиёт ходимлари, беморлар сони ва бошқа масалалар ёритилган.

Жумладан, 1891 йилда Фарғона вилояти бўйича 5 та врач ва 14 та фельдшерлар фаолият кўрсатганлиги, ҳамда 1495 та касал уларда даволанганлиги, шундан 42 та одам ўлганлиги статистик иловада қайд этилади[2]. 1907 йилги статистик иловада ўша йили 27 та эркак врач, 7 аёл врач, 39 та фельдшер, 13 та фельдшер-акушерка, 15 та фармацевт 9862 кишига хизмат кўрсатганлиги маълум қилинади[3].

Сирдарё вилоятининг 1888 йилги ҳисоботида вилоятда 2 та рус аёл врачи бир йилда 7 722 та кишига хизмат кўрсатганлиги қайд этилса[4], 1890 йилги ҳисоботда врачлар 40 609 кишига хизмат кўрсатганлиги[5], 1908 йили 15481 касал рўйхатга олиниб, улар орасидан 451 киши вабо билан касалланганлиги ва 277 киши шу касал билан ўлганлиги[6] маълум қилинади.

Самарқанд вилоятида эса 1900 йили 7 врач, 12 фельдшерлар 7 862 кишига хизмат кўрсатган бўлса[7], 1910 йили 9 врач, 15 фельдшер 9 275 кишини даволаганлиги[8] қайд этилади.

И.И. Корольковнинг руслаштириш дастурида рус аёл-врач ва акушеркаларидан унумли фойдаланиб, русча турмуш тарзини

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1588-иш, 77-в.
[2] Обзор Ферганской области за 1891 год. - Новый Маргелан. 1893. С. 60.
[3] Статистический обзор Ферганской области за 1907 год. - Скобелев. 1909. С. 105.
[4] ЎзР МДА. 269-жамғарма, 1-рўйхат, 4-иш, 4-в.
[5] ЎзР МДА. 269-жамғарма, 1-рўйхат, 18-иш, 4-в.
[6] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 27-рўйхат, 83-иш, 8-в.
[7] Обзор Самаркандской области за 1900 год. - Самарканд. 1901. С. 26.
[8] Обзор Самаркандской области за 1910 год. - Самарканд. 1912. С. 24.

маҳаллий аёллар онгига сингдириш масалаларига алоҳида урғу берилганди. Шунинг учун мазкур бандларда баъзан рус аёл врачлари фаолияти алоҳида кўрсатилган.

Жумладан, 1908 йилги Фарғона вилояти ҳисоботида «рус аёл шифокорларидан маҳаллий аҳоли хотин-қизлари мамнунлар. 14 тадан ортиқ рус шифокорлари 9 312 та касал маҳаллий аёлларга хизмат кўрсатди»[1] - деб хабар берилган.

Лекин, кўп ҳолларда туб аҳоли маҳаллий табиблар хизматидан кўпроқ фойдаланганлар. Бу ҳақда, 1885 йилги Сирдарё вилояти ҳисоботида «халқ табиблари олдинги (IX-X аср) ноёб китобларидан фойдаланиб даволайдилар»[2] - деб маълумот берилади.

1911 йили Панжикент уезди бошлиғи ҳисоботида эса эшонлар дуо ўқиб даволамоқдалар, шундай бўлсада маҳаллий аҳоли уларга кўпроқ ишониши[3] қайд этилган.

Шунингдек, ҳисоботларда турли хил эпидемиялар тарқалиши ҳақида ҳам маълумотлар учрайди.

Жумладан, 1884 йил охирида Еттисувдан Сирдарё вилояти ҳудудига дифтерия касалини тарқалиши оқибатида 10 киши шу касал билан ўлганлиги 1885 йил ҳисоботида қайд этилган эди[4].

1908 йили Фарғона вилояти губернатори вилоятда шу йили 1 та одам вабо билан ўлганлиги, 30 000 та одам безгак билан касалланганлигини ёзган эди[5].

Таъкидланаётган манбаларда суд ишлари бўйича кўплаб статистик маълумотлар келтирилган. Жумладан, 1904 йили

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1382-иш, 12-в.
[2] Ўша жойда. 11-рўйхат, 1926-иш, 6-в.
[3] Ўша жойда. 18-жамғарма, 1-рўйхат, 3973-иш, 26-в.
[4] Ўша жойда. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 1926-иш, 5-в.
[5] Ўша жойда. 12-рўйхат, 1382-иш, 12-в.

Фарғона вилоятидаги империя судларида турли хил жиноят содир этган 459 та жиноий иш кўрилган[1].

1905-1910 йиллар орасида яъни 5-6 йил ичида жиноятчилик деярли 2 баробар ошганлигини Фарғона ва Самарқанд вилояти мисолида қуйидаги рақамлар орқали билиш мумкин.

Фарғона вилоятида	Самарқанд вилоятида
1905 йили - 3 447 та киши	1906 йили - 3 761 та киши
1910 йили - 6 315 та киши[2]	1910 йили - 6 315 та киши жиноят содир этган[3]

Сирдарё вилоятида 1908 йили 4192 та жиноят иши[4] қайд этилган бўлса, 1910 йили 5078 киши жазоланган[5].

Мазкур даврда жиноятчиликни ўсишини Фарғона ҳарбий губернатори 1908 йилги ҳисоботида қуйидагича изоҳлаган: «Жиноятчиликнинг асосий сабаблари - ерсиз пролетариатнинг кўпайиши ҳамда спиртли ичимликлар ичиб жиноят содир этишдир. Шу билан бирга суднинг қонунлари ҳам унчалик кучли эмас»[6]. Агар маҳаллий аҳоли орасида бу даврда спиртли ичимликлар кенг истеъмол қилинмаганлиги ҳисобга олинса, бу жиноятларда рус аҳолиси нуфузи юқори бўлганлиги маълум бўлади. Бундан ташқари маҳаллий аҳоли ўртасида суд ишлари мусулмон судлари томонидан олиб борилган.

Хулоса қилиб айттанда, бошқарув масаласи империя маъмуриятининг доимо диққат марказида бўлган. Шунинг учун

[1] Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. - Скобелев. 1905. С. 22.
[2] Статистический обзор Ферганской области за 1905, 1910 год. - Скобелев. 1912. С. 149.
[3] Обзор Самаркандской области за 1906, 1910 год. - Самарканд. 1908, 1912.
[4] Обзор Сырдарьинской области за 1908 год. - Ташкент. 1910. С. 142.
[5] Обзор Сырдарьинской области за 1910 год. - Ташкент. 1912. С. 137.
[6] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1717-иш, 3-в.

ҳисоботларда маъмурий бошқарув ва ўлканинг ижтимоий ҳаётига доир бой фактик маълумотлар асосий саҳифаларни эгаллаганлиги бежиз эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатлар муаллифлари мустамлака маъмурият вакиллари эканлиги туфайли, улар мавзуга империя манфаатлари нуқтаи-назаридан ёндошганлиги табиий. Шуни ҳисобга олган ҳолда, уларни танқидий ва бошқа манбалар билан қиёслаб таҳлил этиш мақсадга *мувофиқдир.*

II. 2-§. Рус маъмуриятининг ҳисоботларида ер-сув муносабатлари масаласи ва унинг оқибатлари таҳлили

Туркистонни босиб олган Россия империяси ўлкада мустамлака маъмурий бошқарув тизимини ташкил этиш билан *бир қаторда аграр соҳа бошқарувини ўз манфаатларига мос* равишда йўлга қўйишга ҳам катта эътибор қаратди.

Мазкур масалага доир қимматли маълумотлар ҳукуматнинг расмий ҳисоботларида ҳам кенг ўрин олган бўлиб, бу ҳужжатларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1) Ер-сув муносабатларини ўрганиш бўйича иш олиб борган комиссияларнинг ҳисоботлари;

2) Вилоят ҳарбий губернаторларининг император номига юборган йиллик ҳисоботлари;

3) Вилоят статистика қўмиталари томонидан тайёрланган йиллик ҳисоботларнинг статистик иловалари;

4) Туркистон ўлкасини тафтиш қилган империя вакиллари ҳисобланмиш юқори амалдорлар (Ф.К. Гирс, К.К. Пален, А.В. Кривошеин) нинг тафтиш ҳисоботлари.

Мазкур ҳисоботлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Туркистонда XIX аср охири - XX аср бошида олиб борилган аграр сиёсат тарихи бугунги кунда янгича, холисона ёндошув асосида кўриб чиқилиши зарур.

Расмий ва бошқа ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, империя ҳукумати ер-сув муносабатларида узоқни кўзлаб иш тутган эди. Энг аввало ҳукумат маҳаллий аҳолининг ерга бўлган муносабатларини ўрганиб, ўлкада яшаётган кўчманчи халқларнинг ерларини «давлат мулки» деб эълон қилди. Бу ерлар ўз эгаларига чекланмаган муддатга фойдаланишга берилди.

Шунингдек, «мулкий ерлар» хусусий мулк деб тан олинди. Қолган барча турдаги ерлар давлат мулки деб эълон қилинди.

Дастлабки даврларда аграр сиёсатда молиявий солиқларга катта эътибор берилди. К.П. Кауфман ўзига берилган ваколатлардан фойдаланиб, аста-секин ер ишларини тартибга солиш ҳамда ер-сув муносабатларига доир янги тартибни ишлаб чиқишга киришди. Асосий мақсад ер-сувга бўлган эгаликни империя фойдасига ҳал қилиш эди.

К.П. Кауфман давридаги мазкур масала юзасидан амалга оширилган ер-сув ишлари шу масала бўйича фаолият кўрсатган комиссиялар ҳисоботларида ўз аксини топган.

1868 йил 3 январда К.П. Кауфман полковник М.Н. Николаевга ўлкадаги мавжуд ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг ерга эгалик ҳуқуқини яхшироқ ўрганиш вазифасини топширади[1].

Туркистондаги ер-сув ишларини ўрганган полковник М.Н. Николаев ўз ахборотида ўзининг хулосаларини баён қилади.

М.Н. Николаев ўлкадаги кўчманчи халқларнинг ерга эгалик ҳуқуқини империядаги бошқа кўчманчи аҳоли ҳуқуқлари билан

[1] ЎзР МДА. 1-жамгарма, 14-рўйхат, 9-иш, 1-в.

(жумладан, Сибир қирғизлари, Ставраполь, Астрахан губернияси кўчманчи аҳолиси ва қалмиқлар) қиёслашга ҳаракат қилади[1]. У кўчманчи аҳолига ерларни хусусий мулк сифатида беришга қарши чиқади[2]. М.Н. Николаев қирғизларга фақатгина ердан фойдаланиш ҳуқуқини бериш керак, деб ҳисоблайди[3]. Кўчманчилар яшаётган ерлар давлат учун керак бўлган вақтда, уларга бошқа ерлар ажратилиши лозим, кўчманчи аҳоли тўлиқ ўтроқ ҳаётга ўтсагина, улар юрт солиғидан озод этилиши керак, деган таклифни илгари суради[4]. (Юрт солиғи кўчманчилар ўтови учун солинган.)

Ҳисоботнинг иккинчи қисми Туркистон ўтроқ аҳолисининг ерга эгалик ҳуқуқига бағишланган. Унинг дастлабки саҳифасидаёқ М.Н. Николаев ўлкадаги ўтроқ аҳолининг ер-сувга бўлган муносабати империядаги бошқа мусулмон аҳолиникидан тубдан фарқ қилишини таъкидлайди[5].

Сўнгра хонликларда то Россия томонидан босиб олингунга қадар мавжуд бўлган ерга эгалик турлари ва улардан олинган солиқ ҳақида маълумот беради[6].

Мавжуд аҳволни ўрганиб, М.Н. Николаев 12 банддан иборат ўз хулосаларини баён қилган. Рус ҳукуматига ўтган барча ерларни, улар ишлов бериладиган ёки лалмикор ерлар бўлишидан қатъий назар ҳаммаси давлат мулки бўлиши керак, деб таъкидлайди. Фақатгина «мулк ерлари» хусусий мулк ҳисобланишини, лекин уларда авлодлардан ўтиб келганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиши лозимлигини қайд этади[7]. Шунингдек, у вақф ерларини ўз

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 14-рўйхат, 9-иш, 8-в.
[2] Ўша жойда. 8-в.
[3] Ўша жойда. 10-16 варақлар.
[4] Ўша жойда. 9«а»-иш, 16-в.
[5] Ўша жойда. 17-в.
[6] Ўша жойда. 20-в.
[7] Ўша жойда. 64-в.

ҳолида қолдиришни таклиф этади ва ўз хулосалари якунида хирож ва таноб ўрнига ер солиғи жорий этиб, уни пул билан олишни таклиф этади[1].

Унинг ҳисоботидан шу нарса маълум бўладики, ҳукумат дастлабки даврда вақф ерларига нисбатан эҳтиёткорлик билан иш тутган. К.П. Кауфман М.Н. Николаев ахборотидан қаноатланмай, янги комиссия тузиб, унга генерал-майор Гомзинни бошлиқ этиб тайинлайди. Мазкур комиссия ўз фаолияти давомида Кауфманга ер ишлари масаласида 3 та ахборот тайёрлади. Дастлабки ахборотларда давлат ерларига эгалик қилиш ҳуқуқи масалалари бўйича хулосалар жамланади[2]. Унда кўчманчи аҳолининг ерга эгалик ҳуқуқи бўйича М.Н. Николаев позицияси маъқулланади.

Мазкур манбанинг асосий қисми ўтроқ аҳолининг ерга эгалик ҳуқуқи масалаларига бағишланган.

Комиссия унда мавжуд бўлган хусусий мулк (*мулки-ҳур* - Д.Ў.), вақф мулклари тўғрисида йиғилган материалларни таҳлил этган. Шунингдек, ушбу ҳужжатда сувдан фойдаланиш масалаларига ҳам эътибор қаратилиб, унинг якунида давлат сувга ҳам эгалик қилиши лозим, деган хулосага келинди[3]. Ҳисоботнинг бу қисмида шариат асосида ерга эга бўлиш ҳуқуқи масалалари ёритилиб, ишлов бериладиган мавжуд ер эгалик шакллари ҳақида маълумот берилади[4].

Комиссия томонидан тақдим этилган иккинчи ҳисобот кўчманчи аҳолининг ерга эгалик ҳуқуқи мавзусига бағишланган.[5]

Бу қисмда ердан фойдаланиш турлари, айниқса, жамоа бўлиб ердан фойдаланиш мавзусига эътибор қаратилади[1].

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 14-рўйхат, 9 «а»-иш, 64-в.
[2] *Ўша жойда. 1-жамғарма, 22-рўйхат, 3-иш, 97-117-варақлар.*
[3] Ўша жойда. 114-в.
[4] Ўша жойда. 118-125-варақлар.
[5] Ўша жойда. 118-131-варақлар.

Комиссия иннинг якуний хулосалари, таклиф ва мулоҳазалари учинчи ахборотда ўз аксини топади[2].

Комиссия қуйидаги таклифларни киритди:

- *Ўлкадаги барча ерлар аслида давлат мулкидир.* Унинг эгалари ундан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар, холос.

- «Мамлакат» ва «меват» ерларидан солиқ олиниши керак.

- «Мамлук» ерларга кирувчи ҳур-холис ерлар хусусий эканлиги тан олинганлиги ҳолда, улардан солиқ олиниши зарур[3].

Генерал-майор Гомзин бошчилигидаги комиссия ҳисоботлари таҳлили шуни кўрсатадики, ҳукумат дастлаб аграр соҳада эҳтиёткорлик билан иш тутиб, ўлкадаги аҳволни жиддий ўрганган. Шу билан бирга, мазкур жараёнда ер-сувни империя манфаатлари учун ҳал этиш сиёсатини ҳам олиб борган.

К.П. Кауфман ушбу комиссиялар фикрларини шошилинч равишда ўрганиб, 1871 йилда Туркистонни бошқариш Низоми лойиҳасини тайёрлайди. Бироқ, ушбу лойиҳа ҳарбий ва бошқа вазирликлар томонидан кескин танқидга учраб, рад этилади.

Шундан сўнг К.П. Кауфман ер ишлари бўйича янги лойиҳани ишлашни Зарафшон округи бошлиғи генерал Абрамовга топширади[4].

Абрамов бошчилигида иш олиб борган комиссия материаллари катта ҳажмда бўлиб, унда ҳисоботлар, қишлоқларни ўрганиш якунлари ҳамда «ўлка ер тузилиши» бўйича лойиҳалар ўрин олган[5].

---

[1] Ўша жойда. 1-жамғарма, 22-рўйхат, 3-иш, 125-131-варақлар.
[2] Ўша жойда. 131-147-варақлар.
[3] Ўша жойда. 145-в.
[4] Ўша жойда. *20-рўйхат, 5091-иш, 1-в.*
[5] Ўша жойда. 27-рўйхат, 1505-иш.

М.Н. Николаев ва Гомзин комиссиялари фаолиятидан фарқ қилиб, генерал Абрамов бошчилигидаги комиссия фақат таклиф ва хулосалар билан чекланмасдан, балки ер-сув бўйича Низом лойиҳасини ҳам ишлаб чиқди. Ушбу лойиҳалар кейинчалик бир оз ўзгаришлар билан 1873 йилги Низом учун асос бўлиб хизмат қилди.

Мазкур комиссия Туркистонда деҳқонларга қарашли барча ерларни (вақф ерларидан ташқари) давлат мулкига айлантириш, вақф ерларига ҳам давлат назоратини ўрнатиш, бундан кейин вақф ерлар берилиши таъқиқланиши лозим, деган хулосага келди[1].

1873 йилги Низом лойиҳаси империя томонидан тасдиқланмади ва кескин танқидга учради.

Таҳлил этилаётган манбалар қаторига расмий даражадаги алоҳида туркум ҳужжатларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Улар 1873 йилги Низом лойиҳаси бўйича империя вазирликлари томонидан билдирилган эътироз хатларидир.

Шундай хатлардан бири 1874 йил 3 декабрда 3550 - тартиб рақами билан Молия вазири томонидан келган[2].

Ушбу ҳужжатда Молия вазири ер ишларини бошқариш борасида Туркистонда кўп ишлар амалга оширилганини тан олган ҳолда, қатор камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтади.

Хусусан, Молия вазири қонун лойиҳасида Туркистондаги ерлар давлат ери деб эътироф этилганлиги сабабли, бу ерлардан солиқ тўланишини эътиборга олиб, уни бошқаришни ҳарбий вазирликка эмас, давлат мулклари вазирлиги ваколатига

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамгарма, 27-рўйхат, 1505-иш, 382-в.
[2] Ўша жойда. 1529-иш.

киритишни мақсадга мувофиқ деб билади[1]. Ушбу хатда сувдан фойдаланиш ҳақидаги фикрлар ҳам танқид қилинади[2].

Танқидий фикрлар Ташқи ишлар вазирлиги томонидан берилган тақризда ҳам ўз ифодасини топган эди. Унда вақфлар масаласида анча эҳтиётқорлик зарурлигини, ер тузилиши лойиҳасини қўллаш мамлакатда умумий қарама-қаршиликни келтириб чиқариши мумкинлиги таъкидланади[3].

Юқоридаги 2 та вазирликнинг ер ишлари тузилиши лойиҳаси бўйича берган тақризи таҳлилидан шу нарса маълум бўладики, *марказ дастлабки даврларда ер-сув муносабатларида* либерал позицияни сақлаб турган. Чунки, Туркистон ҳали тўлиқ забт этилмаган, бўйсундирилган ҳудудларга эса бирданига кескин сиёсат ўтказиш маҳаллий аҳолининг норозилигини қайтадан кучайтириб юбориши мумкин эди.

1873 йилги Низом лойиҳасига оид яна бир манба - К.П. Кауфман томонидан юқори ташкилотларга жўнатилган махсус хат бўлиб, ҳозирда ушбу ҳужжат ЎзР МДАда сақланади[4]. Мазкур хатни губернатор Низом лойиҳасини зарурлигини исботлаш ва ўзини ҳақлигини кўрсатиш ҳамда тез орада ушбу лойиҳани тасдиқлаб беришларини сўраб, тайёрлаган эди.

Тадқиқотдаги манбанинг дастлабки саҳифасида маъмурият лойиҳа тузишда нималарга эътибор қаратилганлигини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Сўнгра, вақф ерлари мавзусига эътибор қаратилади. Унда К.П. Кауфман бу масала бўйича ўз қарашларини қуйидагича изоҳлаган: «Ерларнинг катта қисмини мулк ва вақф ерлари ташкил

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 27-рўйхат, 1529-иш, 61-в.
[2] Ўша жойда. 64-в.
[3] Ўша жойда. 79-в.
[4] Ўша жойда. 1286-иш.

қилиб, мавжуд ерлардан келадиган сезиларли даражадаги фойда айрим шахслар ва диний муассасаларга тегишли бўлмоқда. Рус давлати махсус қоида ишлаб чиқилмагани боис, ўлкада бундай ерларга нисбатан олиб бораётган сиёсатда ожиздир. Ўз навбатида келаётган фойда мусулмончилик ривожига юксак таъсир кўрсатишини ҳисобга олсак, бу сиёсий жиҳатдан зарарлидир»[1].

Кауфман вақф ерларидан келаётган фойдани аниқ фактлар асосида келтириб ўтган. Масалан, унинг кўрсатишича, биргина Зарафшон округида 1871 йили руҳонийлар ва диний идора вакиллари вақф ерларидан 143 000 руб миқдорида фойда олганлар. Улар фойдаланаётган ерлар энг зўр ишлов бериладиган ерлар ҳисобланиб, округдаги ишлов бериладиган ҳудудларнинг 7/1 қисмини ташкил этган[2].

К.П. Кауфман ер-сув муносабатлари давлат томонидан назорат қилинмаяпти, деб ҳисоблайди[3]. Ушбу хатда суғорилиш ишларига ҳам муносабат билдирилган. Унда ерга эгалик ҳуқуқини ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда ирригация ишининг бутунлай тартибсизлиги оқибатида ҳукумат катта ҳудудларни ўзлаштиришга ожизлик қилаётгани таъкидланган[4].

Бу фикрлар орқали генерал-губернатор ўлкани ҳар томонлама талашни қонунан тасдиқлаб беришни талаб қилиб, ўзи юритаётган сиёсатни тўғрилигини исботлаш ниятида эди.

Вақфлар масаласида Кауфман маълум маънода ўз мақсадларига эришган, деб ҳисоблаш мумкин. Бу ҳақда, генерал-губернатор ўз ҳисоботида қуйидаги жумлаларни келтирган эди: «Зарафшон округи ва Амударё бўлимидаги вақф ер эгалиги

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 27-рўйхат, 1289-иш, 87-в.
[2] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 27-рўйхат, 1286-иш, 87-в.
[3] Ўша жойда. 88-в.
[4] Ўша жойда. 89-в.

тартибга солинди... Мулклар эса ҳеч бўлмаганда, расман амлок, яъни ўлпон тўланадиган ерларга тенглаштирилди»[1]. Ваҳоланки, хонликлар даврида вақф ерларидан солиқ олинмай, ундан келадиган фойда мадрасалар ривожи учун ишлатиларди.

Туркистон ўлкаси ер тузилиши бўйича янги лойиҳа 1881 йилда тайёрланди. Унгача махсус комиссия Фарғона вилоятида иш олиб бориб, янги хулосаларга келган эди.

Ушбу лойиҳага илова тарзида комиссия томонидан махсус изоҳнома тайёрланган бўлиб, уни ҳам таҳлил этилаётган манбалар туркумига киритиш мақсадга мувофиқдир. Янги лойиҳа бутунлай 1873 йилги лойиҳанинг тўлиқ ўзида сақлаб қолганлиги сабабли, изоҳномада лойиҳанинг тўла асосли эканлиги, ўз ўрнида Молия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирликлари эътирозлари асоссиз эканлигини исботловчи хулосалар ўрин олган эди[2].

Мазкур ҳужжат муаллифлари «...1873 йил лойиҳаси хато-камчиликлардан ҳоли бўлмаслиги мумкин, бироқ ушбу ҳужжат бугунги кун ўлка манфаатлари ва талабларига тўлиқ жавоб беради»[3] - деган фикрни қаттиқ туриб ҳимоя қилишди.

Изоҳномада вақф ерлари масаласида қуйидаги фикрни илгари сурдилар: «Вақф ерлари ҳақиқатан ҳам ўз эгалари қўлида қолиши мумкин. Бироқ, ундан фойдаланганлиги учун фойданинг маълум қисмини мулкдор ёки мутаваллига эмас, балки давлатга тўлаш зарур»[4].

Изоҳномада солиқ масаласида Фарғона вилояти мисолида юритилаётган сиёсат қўлланиб, солиқ ишлари тартибга солингани таъкидланади[5].

---

[1] Проект отчета К.П. Кауфмана... С. 257.
[2] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 25-рўйхат, 25-иш.
[3] Ўша жойда. 1-в.
[4] Ўша жойда. 2-в.
[5] Ўша жойда. 3-в.

Шу ўринда айтиш лозимки, Фарғона вилоятида ер-сув муносабатлари тасдиқланмаган 1873 йилги лойиҳа асосида бошқарила бошланган эди. Бу К.П. Кауфман ташаббуси билан 1877 йилда амалга киритилган.

Юқоридаги манбаларда қайд этилган маълумотларни бошқа манбалар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Муҳаммад Азиз Марғилоний ўз асарида аграр соҳадаги ҳукуматнинг сиёсатини қуйидагича изоҳлаган: «...Ҳокимлар янги ўзлаштирилган ерларни танобчиларга ўлчатиб, нечта ададдан аъло, овсат (ўрта), адно (паст) *ерлар борлигини ёзиб, ҳар қайси экиннинг аҳволига қараб дафтар* қилиб подшолик ерларигача ва вақф ерларигача ажратиб солиқ оладиган бўлдилар»[1].

Аграр масала кенг ёритилган манбалардан бири сенатор Ф.К. Гирснинг ҳисоботидир. 1882 йилда Туркистонга янги генерал-губернаторнинг тайинлаш муносабати билан ўлкага Ф.К. Гирс бошчилигида тафтиш комиссияси ташриф буюради. Ушбу комиссия ўлка ҳаётини тафтиш қилиш билан бирга янги бошқарув қонун лойиҳасини тайёрлашни кўзда тутган эди. Сенатор ўз ҳисоботида ер тузилиши масалаларига жиддий эътибор қаратади. У мулк ерларига муносабатда Кауфман позициясини қўллаб-қувватлайди. Мулкий ерлар ва уларнинг эгаларини ўлка иқтисодий ҳаётига фойдаси йўқлигини таъкидлаган ҳолда, мулкий ер эгалигини тугатишни ва бу ерларни ишлов бераётган одамларга доимий фойдаланишга бериб, уларни амлок ерлар (*давлат ерлари - Д.Ў.*) билан тенглаштиришни таклиф этади[2].

Ўз фикрини исботлаш мақсадида, у мулкий ерлар ўз аҳамиятини анча олдин йўқота бошлаганлигини таъкидлайди.

---

[1] Муҳаммад Азиз Марғилоний. Кўрсатилган асар. Б. 10.
[2] Гирс. Кўрсатилган асар. Б. 347.

Бунга мисол тариқасида Қўқон хонлигида Худоёрхон давридаёқ, мулк ерлар ўз таъсирини йўқотганлигини, Бухорода ҳам амир Саид Музаффар катта ерлардан ажралгандан сўнг мулк ерларига солиқ сола бошлаганлигини кўрсатади[1].

Ҳисоботда вақф ерларига муносабат мавзуси ҳам ўрин олган. Ф.К. Гирс ҳам бу соҳада эҳтиёткорлик билан иш юритишни таклиф этади. Чунки, вақф ерларига кескин сиёсат юргизишни ўша вақтдаги Туркистон Архиепископи бирмунча қоралаб ўтган эди[2].

Сенатор ҳисоботда вақф ерлари бўйича қатор таклифларни беради. Чунончи, у диний вақф ерларини давлат ва бошқа солиқлардан озод этишни, аҳоли яшамайдиган бўш вақф ерлари эгалари ихтиёрида қолишини, аҳоли яшайдиган вақф ерлари эса уларда ишлайдиган кишилар ихтиёрига берилишини, бу ерлардан тушадиган даромадни диний ташкилотларга ўтказиш зарурлигини таъкидлайди. Хусусий вақф ерлари васият қилинган кишилар мулки ҳисобланса-да, улардан ҳам солиқ олиш керак, деб таъкидлайди. Вақф ерларини назорат қилиб туриш учун Янги Марғилон, Самарқанд, Тошкентда вақф ташкилотлари тузишни таклиф қилади, унинг таркибида ҳарбий губернатор тавсия қилган ташкилот раиси ва 4 та мутавалли бўлиши керак, деб ҳисоблайди[3].

Ф.К. Гирс кўчманчи халқларнинг ерга эгалик ҳуқуқига ҳам тўхталган. Унда кўчманчиларнинг Дашт қонунларига асосан бошқарилаётганлигини тўғри, деб эътироф этган[4].

Тафтиш ҳисоботида «Ирригация» номли бўлим мавжуд бўлиб, унда ўлка учун керакли бўлган мазкур соҳанинг ривожланишига ҳеч қандай эътибор қаратилмаган.

---

[1] Гирс Ф.К. Кўрсатилган асар. Б. 347.
[2] Гирс Ф.К. Кўрсатилган асар. Б. 348.
[3] Гирс Ф.К. Кўрсатилган асар. Б. 349.
[4] Гирс Ф.К. Кўрсатилган асар. Б. 350-351.

Ҳисоботнинг «Солиқлар» қисмида ҳукуматнинг талончилик сиёсатининг асл моҳияти намоён бўлган. Унда Ф.К. Гирс Фарғона вилоятидаги солиқ олиш тизими Кауфман томонидан шошилинч равишда ташкил қилинган, деган фикрни илгари суради. Сенатор ўлка халқлари Россиядаги деҳқонлардан кам солиқ тўламоқда, деб ҳисоблаб, Туркистондаги солиқ тизимини Самара ва Саратовдаги солиқлар билан солиштирган ҳолда, ўлканинг ўтроқ аҳолиси 3 баробар кам, кўчманчи аҳоли 4 баробар кам солиқ тўламоқда, - деб таъкидлайди[1].

Ф.К. Гирс ҳисоботи таҳлили шуни кўрсатадики, у аграр масалада ерни ишлаётганларга хусусий мулк сифатида беришни, «мулк ерлари»ни умуман тугатиб юборишни таклиф қилди.

Ф.К. Гирс томонидан тайёрланган лойиҳа кейинчалик граф Игнатьев комиссияси фаолияти учун асос бўлиб хизмат қилди. Лекин Игнатьев бошчилигида янги лойиҳа тайёрланди[2].

Шу тариқа марказдан юборилган қатор ер-сув бўйича комиссиялар фаолияти интиҳосида 1886 йилги Низомнинг 3-бўлимидаги ер-сув муносабатлари бўйича бошқарув асослари вужудга келди.

Мазкур туркумдаги манбаларнинг барчаси империянинг аграр соҳадаги стратегик мақсадларини ифода этган эди.

Вилоят ҳарбий губернаторлари йиллик ҳисоботлари ва уларнинг статистик иловаларида ер-сувга эгалик ҳуқуқи масалалари кенг ёритилмаган бўлса-да, аграр соҳага оид баъзи маълумотларни учратиш мумкин. Ушбу манбаларда мавжуд ерларнинг турлари, уларнинг майдони ва шунга боғлиқ мавзулар ўрин олган. Жумладан, Фарғона вилояти 1883 йилги ҳисоботининг статистик иловасида ҳудуддаги ерларнинг аҳволи тўғрисида сўз боради. Унда

---

[1] Гирс Ф.К. Кўрсатилган асар. Б. 367.
[2] ЎзР МДА. 1-жамгарма, 25-рўйхат, 27-иш, 101-104-варақлар.

кўрсатилишича, вилоят аҳолиси қўлидаги ерларнинг умумий майдони - 1 077 651 десятинага тенг бўлиб, шундан ишлов бериладиган ерлар - 544 263 дес. ташкил этган. Шунингдек, 47 140 дес. вақф ерлари мавжуд бўлиб, улардан солиқ олинмаган. Вақф ерларига эгалик ҳуқуқи бу пайтда ҳукумат томонидан тўлиқ ишлаб чиқилмаган[1].

Шунингдек, ушбу ҳисоботда вақф ерларининг уездлар бўйича тақсимланганлиги ҳам кўрсатилган. Унга кўра, вилоятдаги энг кўп вақф ерлар Андижон уездига тегишли бўлиб, унинг миқдори 16 246 дес.га тенг бўлган[2].

Лекин, ҳисоботларда ер-сувни бошқариш бўйича таклиф ва мулоҳазалар умуман учрамайди.

Ер-сув муносабатларига доир яна бир масала, бу 1886 йилги «Низом»да қайд этилган бўлиб, «бўш давлат ерлари»га тегишлидир, мазкур қонунда ушбу ерларга аниқ таъриф берилмагани боис, кейинчалик бу ўткир муаммога айланди. Сабаби, бу ерлар маҳаллий аҳолидан тортиб олиниб, уларга рус деҳқонлари жойлаштирилиши назарда тутилган эди. Ушбу мавзуга оид маълумотлар йиллик ҳисоботларда учраб турганлиги боис, уларни таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳисоботларда кўчиб келган рус аҳолисига олиб берилган ерларнинг умумий миқдори ҳақида гап боради. Жумладан, 1912 йилги Сирдарё вилояти йиллик ҳисоботининг статистик иловасида кўрсатилишича, ўша йили кўчиб келувчилар фонди учун вилоятда жами 73 674 дес. ер, жумладан 65 409 дес. қулай бўлган ерлар тортиб олинди ва шу йили 1 569 та оила кўчириб келтирилди[3].

---

[1] ЎзР МДА. 19-жамгарма, 1-рўйхат, 117-иш, 12-в.
[2] Ўша жойда.
[3] Обзор Сырдарьинской области за 1912 год. - Ташкент, 1914. С. 156.

Сирдарё вилоятида эса 1913 йилда 235 377 дес. ер тортиб олиш режалаштирилган[1].

Шунингдек, Фарғона вилояти бўйича 1914 йилги статистик иловада 1898 ва 1899 йилларда тортиб олинган ерлар ва кўчириб келинган рус аҳолиси ҳақида маълумот берилади[2].

Лекин, бундай маълумотлар барча вилоят губернаторлари йиллик ҳисоботларида ҳам берилмаган.

Шу ўринда, ҳисоботлардаги ҳамма маълумотларни ҳам тўғри деб бўлмайди. Жумладан, 1899 йилги статистик иловада Марҳаматга 200 та оила кўчиб келганлиги ҳақида маълумот берилса, 1914 йилги иловада 260 та оила келган, деб маълумот берилади. Фозилбек Отабек ўғли эса «... Саратов ва Самара тарафлардаги ранг-рўйина қараб бўлмайдурғон ифлослардан Андижонга тўрт юз уйлик етиб келдилар» - деб хабар беради[3].

Шунинг учун мазкур манбаларни бошқа манбалар билан қиёсий солиштириш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу расмий ҳисоботлар материаллари кейинчалик Ватан тарихшунослигида яхши ёритилди[4]. Бироқ, ушбу тадқиқотларда мазкур ҳужжатлар манбавий асосда таҳлил этилмади ва уларнинг тарихий манба сифатидаги аҳамияти алоҳида тадқиқот доирасида ўрганилмади.

Хуллас, юқорида қайд этилган расмий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳисоботларда Туркистон ўлкасида аграр масала, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш каби мавзуларни

---

[1] Обзор Сырдарьинской области за 1913 год. - Ташкент, 1916. С. 161-162.

[2] Статистический обзор Ферганской области за 1914 год. - Скобелев, 1977. С. 13.

[3] Обзор Ферганской области за 1899 год. С. 80; Статистический обзор Ферганской области за 1914 год. С. 13; Фозилбек Отабек ўғли. Кўрсатилган асар. 67-б.

[4] Зелькина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. - М., 1935; Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (со второй половины XIX века до первой мировой войны). - Т., 1959; Савицкий А.П. Поземельный вопрос в Туркестане. - Т., 1963 ва б.

ёритилишига катта эътибор қаратилган. Расмий даражада тайёрланган ҳисоботларнинг мазмун ва моҳияти ўлканинг барча ер заҳираларини истисносиз равишда иқтисодий қарам ҳолга солиш мақсадини кўзда тутганлигини намоён қилди.

Шунингдек, ҳисоботларда метрополия манфаатлари кенг ифода этилган бўлиб, уларда империянинг Туркистонни ер тузилишини тартибга солиш баҳонасида муқаддас саналмиш хусусий мулкни давлат фойдасига ҳал этилишининг қонунан мустаҳкамланиши акс этган.

Мазкур боб якунида қуйидаги умумий хулосаларга эътиборни қаратиш лозим: империя маъмурлари томонидан тайёрланган ҳисоботларда ўлканинг барча соҳаларида мустамлака бошқарув тартибини жорий этиш ва мустаҳкамлаш мавзуси асосий ўрин тутади. Унда дастлаб маъмурий бошқарувни марказ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда «ислоҳ» этишга урғу берилган.

Расмий манбалардаги ижтимоий ҳаётга доир маълумотлар гарчи статистик фактлар мисолида акс этган бўлса ҳам, аслида уларнинг таҳлили метрополиянинг минтақадаги мустамлакачилик сиёсатини тушунишга ёрдам беради.

Аграр сиёсатни ёритувчи ҳисоботлар таҳлили эса империя бу соҳада ҳам ўз манфаатлари йўлида бошқарувни ташкил этиш ва кўпроқ фойда олиш сиёсатини юргизганлигини яна бир бор исботлайди. Шу жиҳатдан, Туркистон маъмуриятининг расмий ҳисоботлари ўлка сиёсий-ижтимоий ва аграр соҳа тарихини ёритишда муҳим аҳамиятга эгадир.

III БОБ. РАСМИЙ ҲИСОБОТЛАРДА ЎЛКА ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИНГ ТАСНИФИ

III. 1-§. Ҳисоботларда ўлка қишлоқ хўжалигига оид маълумотлар

XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Туркистон қишлоқ хўжалиги ҳақида сўз кетганда шуни таъкидлаш лозимки, мазкур даврга оид ҳамма тарихий манбалар ҳам бу соҳани кенг ўрганиш имконини бермайди. Фақатгина ўлка ва вилоят ҳарбий губернаторлари йиллик ҳисоботлари, ҳамда уларнинг илова тарзидаги статистик шарҳларигина бунга кенг имкон беради.

Ушбу туркумдаги манбаларнинг йилма-йил, мунтазам равишда ёзилиб борганлиги қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришларни изчил ва аниқ фактлар асосида ўрганишга ёрдам беради.

Ҳисоботларда қишлоқ хўжалиги бўлими вилоят учун аҳамиятли соҳа сифатида жуда катта саҳифаларни эгаллайди.

Вилоятлар орасида энг кўп ҳисоботлар Фарғона ва Сирдарё вилоятларига тегишли. Шу жиҳатдан ушбу вилоятлардаги маълумотлар ҳам катта ҳажмга эга.

1882 йилдан бошлаб ёзилган Фарғона вилоятига тегишли ҳисоботларда дастлабки даврда «қишлоқ хўжалиги» бўлимларида биринчи навбатда донли экинлар тўғрисидаги статистик факт ва рақамлардан иборат маълумотлар берилган. Сирдарё вилоятига оид ҳисоботларда ҳам шу аснода ахборотлар тайёрланган. Унда донли экинлар турлари (буғдой, шоли, арпа ва ҳакозо), экилган майдон ҳамда йиғиб олинган ҳосил миқдори кўрсатилган.

Статистик иловаларда ушбу маълумотлар ҳатто уездлар бўйича тақсимланган ҳолда ёритиб борилган. Фарғона вилоятига

тегишли статистик иловаларда донли экинларга оид маълумотлар қуйидаги тартибда кўрсатилган:

а) экилган майдон (десятина ҳисобида).

б) экилган уруғ (пуд ҳисобида).

в) етиштирилган ҳосил (пуд ҳисобида).

1890 йилдан кейинги статистик иловаларда вилоятнинг кўчманчи ва ўтроқ аҳоли томонидан экилган ва етиштирилган ҳосил миқдори алоҳида кўрсатилган. Ушбу қисмда ҳар бир аҳолига ўртача қанча дон тўғри келиши ҳақида ҳам маълумотлар (пуд ҳисобида) берилган. Унга кўра, 1887 йили вилоятда бир киши учун 20 пуд дон тўғри келган бўлса, 1899 йили - 12,5 пуд дон маҳсулотлари тақсимланганлиги маълум қилинади[1].

Айрим Фарғона вилоятига оид иловаларда қишлоқ хўжалиги экинлари эгаллаган майдонлар фоизларда кўрсатилган. Жумладан, 1904 йили пахта майдонлари 31 %, буғдой - 28 %, шоли - 10 %, жўхори - 9 % ерни эгаллаган эди[2].

Статистик иловалар ичида Фарғонага тегишли бўлган 1900 йилги ҳисоботни алоҳида қайд этиш лозим. Унинг охирги саҳифалари махсус статистик жадваллардан иборат бўлиб, 1891-1900 йиллар орасидаги донли экинлар майдони ва олинган ҳосил жадвалларда кўрсатилган[3]. Унга кўра, 1891 йили - 11 715 минг пуд дон етиштирилган бўлса, 1900 йили ушбу рақам 25 479 минг пудга етган[4], яъни 10 йилда 2 баробар ошган.

---

[1] Обзор Ферганской области за 1887 и 1899 год. - Новый Маргелан. 1889, 1901. С. 30, 115.

[2] Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. - Новый Маргелан, 1905. С. 19.

[3] Обзор Ферганской области за 1900 год... С.131-132.

[4] Ўша жойда.

1907 ва 1910 йилги вилоят статистик иловаларида «лалми» ерларга экилган донли экинлар ҳақида алоҳида саҳифаларда маълумот берилган[1].

Сирдарё вилоятига оид манбалар ҳам юқорида таъкидланган асосда тайёрланган. Дастлабки 1885 йилги статистик иловада уч йиллик дон маҳсулотлари 38 640 000 пуд миқдорида бўлганлиги кўрсатилган[2]. 1912 йилги иловада донли экинлар майдони 30 359 дес., олинган ҳосил 141 523 000 пуд эканлиги қайд этилган[3].

Юқорида таъкидланганидек, иловалардаги ҳамма рақамлар тўғри эканлигига ишониш қийин.

Жумладан, 1913 йилдаги манбада йиғиб олинган ҳосил 1912 йилдагига нисбатан 20 баробар кам кўрсатилиб, 7 623 000 пуд дон олинганлиги маълум қилинади[4]. Лекин, бир йил ичида бундай даражада камайиб кетиши мумкин эмас.

Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ҳақида ҳарбий губернаторлар ҳисоботларида кенг маълумот берилган. Унда мазкур соҳа ривожланишига салбий таъсир кўрсатган омиллар (масалан, об-ҳаво) ҳақида ҳам мазкур манбаларда тўхталиб ўтилган.

Жумладан, 1901 йил ҳисоботида губернатор «қишнинг илиқ келиши натижасида 1900 йилга нисбатан 4 баробар кам миқдорда дон экинлари экилди»[5] - деб хабар қилса, 1909 йилнинг ҳисоботида чигиртка 7200 десятина ерга зарар етказганлиги маълум қилинади[6].

---

[1] Статистический обзор Ферганской области за 1907 и 1910 год. - Скобелев, 1909, 1912. С. 32, 16.
[2] Обзор Сырдарьинской области за 1885 год. - С.-Петербург, 1886. С. 148.
[3] Обзор Сырдарьинской области за 1912 год. - Ташкент, 1914. С. 12.
[4] Обзор Сырдарьинской области за 1913 год. - Ташкент, 1916. С. 13.
[5] ЎзР МДА. 18-жамғарма, 1-рўйхат, 1311-иш, 2-в.
[6] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1588-иш, 9-в.

Агарда, дон экин майдонлари ошиб борган бўлса, бу ҳолат фоизларда кўрсатилган. Масалан, 1911 йили экин майдонлари 1910 йилга нисбатан 13,4 % ошганлиги қайд этилади[1].

Шунингдек, ҳосил миқдори ўлчови кўп ҳолларда «четверт» билан ифодаланган. Жумладан, 1893 йили буғдой ҳосили - 1 300 000 четверт миқдорида йиғиб олинган[2].

XX аср бошида Туркистонда дон экинлари майдони бир мунча қисқариб борган. Бунинг сабаби сифатида кўпгина ерлар пахта билан банд бўлганлигидадир. Умуман, ўша даврда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғига айланган «пахтачилик» расмий ҳисоботларда яхши ёритилган. Дастлабки даврда «қишлоқ хўжалиги» бўлимида пахтачилик ва унинг ривожи ҳақида умумий маълумотлар берилган. Кейинчалик, пахтачиликни давлат эҳтиёжлари учун аҳамияти ошиб бориши билан бу соҳа тўғрисида ҳисоботларда алоҳида «пахтачилик» деган бандларда батафсил тўхталиб ўтилган[3].

Вилоятларга оид ҳисоботлар орасида Фарғонага тегишли манбаларда таъкидланаётган соҳага доир энг кўп маълумотлар сақланган. Унда экилган майдонлар, маҳаллий ва Америка навлари бўйича йиғиб олинган ҳосил, пахта навлари турлари, ажратиб олинган тола ва шунга боғлиқ масалалар баён қилинган.

Ушбу масалалар Фарғона вилоятининг 1887 йилги ҳисобот иловаларидан бошлаб бериб борилган.

Мазкур иловада «жорий йилда Фарғонада 49 224 дес. ерга пахта экилди. Шундан 23 054 пуд америка пахтаси ва 749 51 пуд

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1730-иш, 10-в.
[2] ЎзР МДА. 18-жамғарма, 1-рўйхат, 296-иш, 3-в.
[3] Мазкур бандлардаги статистик маълумотлар кейинчалик кўпгина илмий асарлар учун асосий манба сифатида фойдаланилди: Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности в Туркестане. - М., 1976; Зияев Х.З. Ўзбекистон пахтачилиги тарихидан. - Т., 1980 ва б.

маҳаллий навли пахта, жами 772 595 пуд пахта олинди. Россияга 300 278 пуд, суммаси 2 101 946 рублга тенг бўлган пахта юборилди»[1] - деб маълумот берилган.

Таҳлил этилаётган иловалар орасида вилоятнинг 1904 йилги статистик шарҳини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ушбу манбада вилоят бўйича 1888 йилдан 1904 йилгача бўлган вақт орасида экилган маҳаллий ва Америка пахтаси майдонларига доир маълумотлар алоҳида-алоҳида тайёрланиб, статистик жадвалларда баён қилинган[2].

Келтирилган жадваллардаги рақамларга кўра, 1889 йили Америка пахтаси экин майдонлари 15 008 дес. бўлса, 1904 йили - 173 586 дес.га етган[3]. Демак, 16 йил ичида биргина Фарғона вилоятида ушбу навли пахта экилган майдонлар қарийиб 12 мартага ошган.

Лекин, мазкур жараёнда нотекислик мавжуд эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, 1901 йили 194 595 дес. ерга Америка пахтаси экилиб, юқори натижага эришилган[4].

Ушбу жадвалдаги маҳаллий навли пахта майдонларига оид маълумотлар таҳлилига кўра, бу навнинг экин майдони қисқарганлигини кўриш мумкин (1888 йили - 19 661 дес., 1904 йили - 13 242 дес.)[5].

Шу билан бирга, иловалардаги ҳамма маълумотлар ҳам губернатор ҳисоботларидаги факт ва рақамлар билан доимо тўғри келмайди. Жумладан, юқорида таъкидланган жадвалда 1902 йилда Америка пахтаси экилган ер майдони - 151 132 дес. деб кўрсатил-

---

[1] Обзор Ферганской области за 1887 год. - Новый Маргелан, 1889. С. 10.
[2] Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. - Новый Маргелан, 1905. С. 19.
[3] Ўша жойда. С. 19.
[4] Ўша жойда. С. 19.
[5] Ўша жойда. С. 19.

са, 1902 йилги Фарғона ҳарбий губернаторининг йиллик ҳисоботида экилган майдон - 138 600 дес. деб кўрсатилган[1]. Тарихчи А.П. Демидов эса статистик иловадаги рақамларни тўғрилигини тасдиқлайди[2].

Фарғона вилояти бўйича статистик иловалар орасида 1900 йилги статистик шарҳни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Унда 1891-1900 йиллардаги пахта майдонлари, йиғиштириб олинган ҳосил, шу давр оралиғидаги харид қилинган пахта толаси нархларига доир рақамлар жадвалларда кўрсатилган[3].

Унга кўра, 1900 йилга келиб, пахта ҳосили 14 874 минг пуд[4]га етган эди.[4] Ёки, 10 йил мобайнида пахта етиштириш деярли 4 баробарга ошган.

Шунингдек, пахтанинг харид нархи тўғрисидаги жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, 1891 йили 1 пуд пахта 1 руб 30 коп - 2 руб 10 коп гача баҳоланган бўлса, 1900 йилга келиб 2 руб 40 коп. - 3 руб 50 коп гача етган[5].

Фарғона вилояти бўйича тайёрланган статистик иловаларда уездлар бўйича пахта етиштириш ҳақида ҳам маълумот берилган. Унда Наманган, Андижон ва Марғилон уездлари энг кўп пахта етиштирувчи ҳудуд, Ўш уезди кам пахта экиладиган уезд сифатида тилга олинади.

Статистик иловаларда етиштирилган пахтанинг умумий баҳоси ёки келтирилган соф фойдаси ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

---

[1] ЎзР МДА. 19-жамғарма, 1-рўйхат, 7856-иш, 1-в.
[2] Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли промышленности в Туркестане. - М., 1926. С. 43.
[3] Обзор Ферганской области за 1900 год. - Новый Маргелан, 1901. С. 132-136.
[4] Ўша жойда. С. 135.
[5] Ўша жойда. С. 136.

Хусусан, 1905 йилги статистик иловада «...жорий йилда 10 628 884 пуд Америка пахтаси етиштирилди, Америка пахтасини ҳаммаси 31 178 058 рубга баҳоланяпти. Шундан, 1-сорт - 24 092 134 руб, 2-сорт - 7 085 924 рубга тенг бўлди»[1] - деб ҳисоб берилади.

Фарғона вилоятига оид расмий ҳисоботларда пахта савдоси билан шуғулланувчи фирмалар фаолияти ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. (Бу ҳақда кейинги қисмда фикр юритилади.)

Дарҳақиқат, вилоятда пахтачилик юқори даражада ривожланган бўлиб, ундан келадиган фойда империя хазинасини бойитишга хизмат қиларди. Бу ҳақда ҳарбий губернатор Сусанин, «Бутун ўлка, Бухоро, Хива ва Кавказорти қўшилиб, Фарғона вилоятичалик пахта бермайди»,[2] - деб алоҳида таъкидлаган эди.

Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторининг йиллик ҳисоботлари ва унинг статистик иловаларида пахтачиликка оид статистик факт ва рақамлар талайгина. 1885 йилги статистик иловада сўнгги уч йиллик йиғиб олинган пахта ҳақида сўз борар экан, унда маҳаллий пахта навлари энг паст ўринда туриши таъкидланади[3]. Америка пахтаси ўлка миқёсида 1884 йил - 4 000 пуд, 1885 йил - 20 000 пуд йиғиб олинганлиги кўрсатилади[4].

1888 йилдан бошлаб ҳисоботлар ва статистик шарҳларда экилган пахта майдонлари ва етиштирилган ҳосил миқдори мунтазам бериб борилган. Мазкур манбаларга асосан 1888 йилда - 25 800 дес. бўлган пахта майдонлари 1913 йилда 76 726 дес.га етган,[5] яъни 3 баробар кўпайган.

---

[1] Статистический обзор Ферганской области за 1905 год. - Скобелев, 1908. С. 49.
[2] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1382-иш, 7-в.
[3] Обзор Сырдарьинской области за 1885 год. - С.-Петербург, 1886. С. 171.
[4] Ўша жойда.
[5] ЎзР МДА. 269-жамғарма, 1-рўйхат, 9-иш, 94-в; Обзор Сырдарьинской области за 1913 год. - Ташкент, 1916. С. 32.

Ёки, улардан олинган ҳосил 1888 йили - 1 058 263 пуд бўлса, (Америка ва маҳаллий пахта биргаликда), 1913 йили бу рақам 3 972 200 пудни ташкил қилган[1]. Ушбу маълумотлардан кўринадики, 25 йил мобайнида экин майдонлари ва ҳосил миқдори 3 баробарга кўпайган.

Вилоят ҳарбий губернаторининг йиллик ҳисоботларида пахтанинг навлари хусусида ҳам қизиқарли маълумотларни олиш мумкин.

1888 йилги ҳарбий губернатор ҳисоботида вилоятда пахтанинг қуйидаги 3 та тури мавжуд бўлганлиги кўрсатилади: 1) Америкача - Си Айланд, 2) Америкача - Упчанд; 3) Маҳаллий пахта навлари (Тошкент, Бухоро, Хива навлари)[2].

Шунингдек, Фарғона вилояти ҳисоботларига ўхшаб, ушбу вилоят ҳисоботларида ҳам ҳар бир десятинадан олинган ҳосил миқдори ва пахтанинг бозордаги нархлари тўғрисида ҳам кўп бора таъкидланган.

Мазкур манбаларда ҳисобот йилидаги тайёрланган фактларни олдинги йил билан қиёслаш ҳолати кўп учрайди.

Юқорида таъкидланганидек, баъзи ҳисоботларда губернаторлар яхши ҳосил бўлмаган йили, унинг сабабларини кўрсатиб борганлар.

Масалан, 1888 йилги ҳисоботда «...жорий йилнинг 15 ва 16 июл кунлари ва 2, 3 август кунлари қаттиқ гармсел бўлиши кўзланган ҳосилни йиғиб олишга тўсқинлик қилди. Ўз навбатида ишчиларга ишнинг оғирлиги учун 30 тийиндан 50 тийингача қиммат ҳолда ҳақ тўлашга мажбур бўлдик»[3] - деб хабар берилган.

---

[1] Обзор Сырдарьинской области за 1913 год. - Ташкент, 1916. С. 32.
[2] ЎзР МДА. 269-жамғарма, 1-рўйхат, 9-иш, 92-в.
[3] Ўша жойда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, губернаторларнинг йиллик ҳисоботларига қараганда, унинг статистик иловаларида маълумотлар кўпроқ. Йиллик ҳисоботларга иловалардаги энг асосий фактлар асос қилиб олинган. Иқтисодий ҳаётни кенгроқ ўрганишда статистик иловалар анча қўл келади.

Самарқанд вилояти ҳаётида ҳам пахтачилик сезиларли ўринга эга бўлган дейиш мумкин. Шу жиҳатдан, мазкур вилоятга тегишли бўлган ҳисоботларда бу тўғрисида етарли маълумотлар бор.

1890 - 1910 йиллардаги ҳисоботлар таҳлили шуни кўрсатадики, вилоятдаги пахта майдонлари мазкур даврда 1,5 мартага ошган. Лекин, йиғиб олинган ҳосил миқдорида катта ўзгариш сезилмайди. Жумладан, 1890 йили - 851 565 пуд пахта йиғиб олинган бўлса, 1910 йилга келиб 800 000 пуд миқдорида олинган[1]. 1910 йилда кам ҳосил олинганлигини ҳарбий губернатор қишда кам қор бўлганлиги билан изоҳлайди[2].

Баъзи вилоятларда пахта навларидан олинган ҳосил алоҳида кўрсатилган. Масалан, Самарқанд ҳарбий губернаторининг 1895 йил учун ёзилган ҳисоботида Америка пахтаси 1 десятинадан 48 пуддан 59 пудгача, маҳаллий пахта 35-53 пудгача етиштирилганлиги кўрсатилади[3].

Юқоридаги 3 та вилоят ҳисоботлари таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу манбаларда «пахтачилик»ни ёритилишига катта эътибор берилиши ушбу соҳадаги империянинг стратегик мақсадларини ифода этарди. Шу жиҳатдан, пахтачиликни ҳисоботларда кенг таҳлил этиб борилиши метрополиянинг диққат-марказида эди.

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 696-иш, 3-в; 12-рўйхат, 1717-иш, 24-в
[2] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1717-иш, 24-в.
[3] Ўша жойда. 4-в.

Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида пахтачиликдан кейин энг сердаромад соҳа ипакчилик бўлган.

Россия сармоядорлари Туркистонда асрлар давомида ривожланиб келган мазкур соҳага ҳам катта қизиқиш билан қараганлар. Унинг ривожланиши билан ҳисоботларда «ипакчилик» номли бандларда шу соҳага доир маълумотлар кенг тарзда бериб борилган.

Ҳатто, XIX асрнинг 70-йилларида Молия вазирлиги агенти қилиб жўнатилган Н.О. Петровский келажакда рус саноати ва савдоси учун муҳим аҳамият касб этувчи ипакчиликнинг аҳволи, ишлаб чиқариш усуллари, муаммолари ва ривожланишини ўрганиб чиқиб, бу ҳақда Молия вазирига батафсил ҳисобот ёзиб жўнатган[1].

Мазкур соҳага оид статистик факт ва рақамлар ҳамда қизиқарли маълумотлар фақат ҳарбий губернаторлар йиллик ҳисоботлари ва статистик иловаларда яхши ёритилган.

Ўлкада ипакчилик соҳаси Фарғона вилоятида яхши ривожланган эди. Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, дастлабки даврда бу соҳа унчалик тараққий этмаган. Маҳаллий навларни чидамсизлиги оқибатида турли хил касалликлар ипакчиликни ривожланишига имкон бермаган.

Жумладан, 1890 йилги статистик иловада 20 йил давомида «пебрина» касаллиги ипакчиликка катта зарар етказганлиги таъкидланади[2]. Лекин, кейинги йиллар ҳисоботларидаги фактлар ҳукумат ушбу сердаромад соҳага жиддий эътибор қаратганлигини исботлайди.

---

[1] О шелководстве и шелкамотании в Средней Азии. Отчет Министерству финансов агента в туркестанском генерал-губернаторстве Н.О. Петровского. - Т., 1873.
[2] Обзор Ферганской области за 1890 год. - Новый Маргелан, 1893. С. 20.

Манбаларда етиштирилган ипак маҳсулотлари пуд ҳисобида кўрсатилган. Унга кўра, Фарғонада 1890 йили - 51 325 пуд ипак олинган бўлса, 1910 йили унинг миқдори 163 972 пудга етган[1]. Ёки, 20 йил давомида 3 баробарга ошган.

Ҳисоботларда етиштирилган ипак пилласининг баҳоланиш нархлари тўғрисида маълумотлар берилган. Унга кўра, 1900 йили 1 пуд ипак пилласи 6 рублдан 15 рублгача баҳоланган бўлса, 1910 йили бу кўрсаткич 10 руб 50 коп. - 16 руб 60 коп.га етган[2]. Ушбу рақамлардан шуни аниқлаш мумкинки, турли йилларда нархларнинг турли даражада бўлиши ипакка бўлган талаб ва унинг сифати билан боғлиқ бўлган.

Таъкидланаётган манбаларда вилоятдаги ипакчиликка оид қизиқарли маълумотлар ҳам келтирилган. Масалан, 1894 йилги Фарғона ҳарбий губернаторининг йиллик ҳисоботида «...1894 йили француз фуқароси Алоизи томонидан Марғилон уезди Оқ-пилол қишлоғида дастлабки ипак қурти заводи ишга туширилди»[3] - деб хабар берилади.

Мазкур фактларни «Тарихи Азизий»даги маълумотлар ҳам тасдиқлайди: «...Андин сўнгра Фаранги Алвизи Оқ-пилол қишлоқ-қа келиб пилла тутиб тоза уруғ берадиган бўлди. Шундан бери қурт пилласи тобора тараққий қилди»[4].

Ушбу ҳисоботларда ипак қурти навлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар берилган. Чунки, ҳукумат бу сердаромад соҳани тараққий эттириш мақсадида серҳосил навлар ривожига кўп эътибор қаратган. 1891 йилги статистик иловада қуйидаги фирма-

---

[1] Обзор Ферганской области за 1890 год. - Новый Маргелан, 1893. С. 20; Статистический обзор Ферганской области за 1910 год. - Скобелев, 1912. С. 68.
[2] *Обзор Ферганской области за 1900 год. - Новый Маргелан, 1901. С. 135; Статистический обзор Ферганской области за 1910 год. - Скобелев, 1912. С. 68.*
[3] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 1280-иш, 3-в.
[4] «Тарихи Азизий», кўрсатилган асар. Б. 53.

ларнинг ипак қурти навлари кўрсатилган: Япон яшил пародаси, Brianza пародаси, Indigeno Diallo пародаси, Корсика пародаси.[1] 1904 йилги иловада эса ипак қурти навларининг 10 хил янги турлари ҳақида маълумот берилади[2].

Ипакчиликда Самарқанд вилояти ҳам алоҳида ўрин тутган. Ушбу вилоятга оид ҳисоботларда етиштирилган ҳосил миқдори, ажратиб олинган тола ва унинг қиймати ҳамда маҳсулотнинг харид нархига доир маълумотлар берилган.

1890 йилги Самарқанд ҳарбий губернатори ҳисоботида етиштирилган ипак пилла миқдори - 11 466 пуд, ажратилган тола - 952 пуд, ҳар пуд толанинг қиймати 120 рублдан - 256 рублгача бўлганлиги маълум қилинади[3]. 1901 йилги губернатор ҳисоботида ипак пилласи жами 51 962 пуд йиғиб олингани таъкидланади[4].

Баъзи ҳисоботларда жорий йилдаги фактларни олдинги йиллар билан қиёслаш ҳолатлари ҳам акс этган. Жумладан, 1895 йилдаги ҳисоботда ипак етиштириш 1894 йилга нисбатан 39 %га камайганлиги хабар қилинган[5].

Сирдарё вилоятига доир ҳисоботларда ҳам ипакчилик мавзусига оид қатор маълумотлар берилган. Лекин, мазкур вилоятда ушбу соҳа хўжалик ҳаётида сезиларли ўрин тутмаганлигини қуйидаги фактлар ҳам тасдиқлайди:

1894 йили - 2 500 пуд ипак[6]

1913 йили - 360 пуд ипак[7] етиштирилган.

---

[1] Обзор Ферганской области за 1891 год. - Новый Маргелан, 1893. С. 10.
[2] Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. - Новый Маргелан, 1905. С. 29.
[3] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 696-иш, 21-в.
[4] ЎзР МДА. 18-жамғарма, 1-рўйхат, 1311-иш, 5-в.
[5] Ўша жойда. 530-иш, 6-в.
[6] Обзор Сырдарьинской области за 1894 год. - Ташкент, 1897. С. 31.
[7] Ўша жойда. С. 72.

Бироқ, дастлабки даврда ипакчиликка маълум даражада эътибор берилган бўлса керак. Чунки, 1888 йилги ҳисоботда ипак қурти етиштириш учун синаб кўрилган 18 хил чет эл фирмалари ипак уруғлари рўйхати берилган бўлиб, улардан 6 та фирманинг уруғлари яхши синовдан ўтганлиги хабар қилинган[1].

Расмий манбаларда чорвачилик соҳаси ҳам яхши ёритилган. Унда ҳудуддаги чорвачилик аҳволи, чорва ҳайвонлари турлари, уларнинг сони ҳамда ҳайвонларнинг бозордаги нархлари ҳақида маълумотлар берилган.

1900 йилги ҳисоботга кўра, Фарғона вилоятида 750 000 га яқин ҳар хил йирик чорва ҳайвонлари ва 1 400 000 та майда ҳайвонлар борлиги маълум қилинади[2]. Ушбу манбада ҳар бир ҳайвонларнинг алоҳида миқдори ҳам берилган. Унга кўра, вилоятда қўй, от ва ҳўкиз каби чорва ҳайвонлари сони кўпроқни ташкил этган. Шунингдек, манбаларда ҳисобот йилида нобуд бўлган чорва ҳайвонлари сони ва унинг сабаблари ҳам кўрсатилган.

Жумладан, 1909 йилги Фарғона ҳарбий губернатори ҳисоботида ушбу йилда ҳайвонлар сони - 55 000 тага камайиб кетганлиги, бунинг сабаби эса кўп яйловлар ўзлаштириб юборилганлигидандир, деб кўрсатилади[3].

1896 йилги Самарқанд вилояти ҳисоботида «қишнинг совуқ келиши оқибатида Жиззах ва Хўжанд уездларидаги кўчманчи аҳолининг суммаси 1 200 000 рублга тенг бўлган 213 000 та чорва ҳайвони очлик ва совуқдан ўлиб кетди»[4] - деб маълумот берилади.

1910 йилги Сирдарё вилоятининг статистик иловасида «жорий йилда 251 069 та чорва ҳайвони ем-хашакнинг йўқлиги

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 1397-иш, 24-в.
[2] Обзор Ферганской области за 1900 год. - Новый Маргелан, 1901. С. 35-36.
[3] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1588-иш, 128-в.
[4] Ўша жойда. 11-рўйхат, 1600-иш, 3-в.

ҳамда отлар орасида касаллик тарқалиши оқибатида нобуд бўлди»[1] - деб хабар қилинади.

Вилоятлар ҳисоботлари таҳлили шуни кўрсатадики, вилоятлар орасида энг кўп чорва ҳайвонлари Сирдарё вилоятида бўлган. 1910 йилги маълумотга кўра, жами ҳайвонларнинг умумий миқдори - 8 449 468 тани ташкил этган[2].

Юқорида таъкидланганидек, манбаларда чорва ҳайвонларининг бозордаги ўртача нархлари тўғрисида ҳам маълумотлар берилган.

Унга кўра, вилоятлар бозорларидаги нархлар бир-бирига яқин бўлган. Жумладан, Фарғонада 1892 йили от - 27-29 рубл, қўй - 7-9 рубл, сигир - 12-15 рублга баҳоланган бўлса,[3] шу йили Самарқанд бозорларида от - 28 рубл, қўй - 7 рубл 50 к., сигир - 14 рублга тенг бўлган[4].

Таҳлил этилаётган манбаларда боғдорчилик ва полиз маҳсулотларини етиштиришга оид маълумотлар ҳам сақланган.

Боғдорчиликда узум етиштиришга кўп эътибор қаратилган. Айниқса, ўлкада виночилик корхоналари ишлай бошлаши билан узумга бўлган талаб ортиб борган. Ўз навбатида узумнинг қуритилгани (майиз) катта миқдорда Россияга олиб кетилган.

Вилоятлар ҳисоботлари таҳлили шуни кўрсатадики, энг кўп узум Самарқанд вилоятида етиштирилган. Жумладан, 1901 йилги ҳисоботда *«...жорий йилда узум майдонлари* - 9,146 десятинани ташкил этиб, 2 481 665 пуд узум етиштирилди. Бу кўрсаткич 1900 йилга нисбатан 4 809 733 пуд кам етиштирилганлигини билдиради»[5] - деб қайд қилинган.

---

[1] Обзор Сырдарьинской области за 1910 год. - Ташкент, 1912. С. 55.
[2] Обзор Сырдарьинской области за 1910 год. - Ташкент, 1912. 55-б.
[3] Обзор Ферганской области за 1892 год. - Новый Маргелан, 1894. С. 30.
[4] ЎзР МДА. 18-жамғарма, 1-рўйхат, 296-иш, 7-в.
[5] Ўша жойда. 1311-иш, 5-в.

1907 йилги Фарғона вилояти статистик иловасида вилоятдаги узумнинг навлари ҳақида маълумот берилган. Унга кўра, Фарғонада ўша даврда узумнинг чарос, хон чилгиси, ҳусайни, катта-қўрғон, дили-каптар каби навлари бўлган[1].

Полиз экинлари ҳақида маълумот берилганда, унинг майдони, йиғиб олинган ҳосил ҳамда унинг нархларига эътибор қаратилган. Жумладан, 1907 йили Фарғонада полиз экинлари эгаллаган майдонлар - 15 700 дес.ни ташкил этиб, қовун ва тарвуз 1 десятинадан ўртача 2 000 тагача ҳосил бергани маълум қилинган[2].

Хуллас, ҳарбий губернаторларнинг йиллик ҳисоботларида ҳамда уларнинг статистик иловаларида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларига оид бўлган материаллар берилган бўлиб, уларда бу маълумотлар ҳар бир вилоятнинг иқтисодий шароити ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда берилган. Бу эса, улардаги қишлоқ хўжалигини ўзига хос хусусиятларини, содир бўлган ўзгаришларни тўлиқ тасаввур қилиш имконини беради. Айни пайтда, ҳисоботлардаги статистик фактлар таҳлили ҳукуматнинг ўлкани хом-ашё базасига айлантириш жараёнини ҳам аниқ кўрсатиб беради.

Шуни алоҳида кўрсатиш лозимки, ҳисоботлардаги барча фактларни ҳам тўғри деб бўлмайди, бироқ мазкур фактларни кенгроқ илмий муомалага киритиш, тўлиқ қиёсий таҳлил қилиш пировардида тарихнинг очилмаган қирраларини ўрганиш имкони туғилади.

---

[1] Статистический обзор Ферганской области за 1907 год. - Скобелев, 1909. С. 33.
[2] Статистический обзор Ферганской области за 1907 год. - Скобелев, 1909. С. 34.

III. 2-§. Расмий манбаларда солиқлар, савдо ва саноатга оид масалалар

Россия ҳукмрон доираларининг Туркистонда олиб борган иқтисодий сиёсати турли соҳалардаги, чунончи, солиқ тизими, савдо муносабатларидаги ўзгаришларда ва саноат ишлаб чиқаришини йўлга қўйилишида намоён бўлди. Солиқ сиёсатининг ўзига хос томонларидан бири - маҳаллий халққа солинадиган солиқ ва мажбуриятлар анъанасини сақлаб қолган ҳолда уларнинг миқдори ва турини доимо ортиб боришида намоён бўлади.

Таҳлил этилаётган манбаларда мазкур сиёсат етарли даража ёритилган.

Империянинг ўлкадаги солиқлар сиёсатининг моҳиятини Туркистон генерал-губернатори бўлган барон А.Б. Вревский Россия императорига 1895 - 1897 йиллар бўйича тайёрлаган ҳисоботида аниқ кўрсатиб ўтган. У солиқларни янада кўпайтириб, ўлкадан олинадиган даромадни ошириш учун аҳолидан янги, ҳарбий солиқ ундиришни таклиф қилган.

Губернатор мазкур ҳисоботида фақат ҳарбий солиққа алоҳида урғу берган бўлса ҳамки, ўлкада бошқа солиқ турлари миқдори ҳам доимо ортиб борган. Солиқлар ҳақида кенг маълумотлар берувчи манбалар қаторида вилоят ҳарбий губернаторлари *йиллик ҳисоботлари ва уларнинг статистик иловалари* алоҳида ўрин тутади.

1867 - 1883 йилларгача маълумот берувчи расмий манбалардан бири бўлган К.П. Кауфманнинг ҳисоботида кўрсатилишича, 1868 йилда ўлкада 1 484 677 рубль солиқ йиғиб

олинган бўлса, 1879 йил бу кўрсаткич 4 053 270 рубл[1]га етган, яъни 10 йилда деярли 2,5-3 баробар ортган.

Келтирилган рақамлардан шуни тушуниш мумкинки, Россия империясининг Туркистондан олган жами даромади 1868 - 1879 йилларда, яъни, 12 йил давомида 32 млн. 423 минг рублдан ортиқни ташкил этган.

Аммо, генерал-губернатор К.П. Кауфман келтирган бу даромадлар жадвалига Самарқанд, Фарғона вилоятларидан олинган даромадлар тўлиқ киритилмаган. Шунингдек, қайд этилган рақамлар бевосита давлат хазинасига тушган даромадлар, холос.

Туркистон ўлкаси бўйича генерал-губернаторлар ҳисоботи мунтазам бўлмагани, уларнинг ҳаммасини топиш имкони йўқлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир вилоят йиллик ҳисоботларидан фойдаланиб, масалага ойдинлик киритиш талаб этилади.

Статистик иловаларда давлат ер солиғи, юрт солиғи, ижара тўловлари, лалми ва ишлов берилмайдиган ерлардан олинган солиқ ва турли тўловлардан тушган даромадлар махсус жадвалларда кўрсатилган.

Фарғона вилоятига оид ҳисоботлар таҳлили шуни кўрсатадики, вилоятда солиқ миқдори йилдан-йилга ошиб борган. Жумладан,

1883 йили - 1 527 668 руб 42 коп

1910 йили - 3 650 175 руб солиқ ундирилган[2].

Демак, 27 йил давомида биргина Фарғона вилояти бўйича йиғилган солиқлар 2 баробардан ошиб кетган.

Таъкидланаётган манбаларда ҳар бир солиқ туридан тушган даромад билан бирга, ундирилмай қолган солиқ миқдори ҳам

---

[1] Кауфман К.П. Кўрсатилган асар. Б. 370.

[2] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 324-иш, 96-в; Статистический обзор Ферганской области за 1910 год. - Скобелев, 1912. С. 112.

доимо кўрсатиб борилган. Жумладан, 1907 йили белгиланганидан 60 086 руб 73 коп кам солиқ тўланган. Шундан 28 423 руб 72 коп давлат ер солиғи ва юрт солиғи бўйича тўланиши лозим эди[1].

Шунингдек, 1893 йил учун Фарғона вилояти бўйича тузилган статистик иловада солиқлар ундириш тартиби тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилган. Унга кўра, 1886 йилги Туркистон ўлкасини бошқариш Низомига асосан «давлат ер солиғи» фойданинг 10 % ини ташкил қилиши, кўчманчи аҳолидан «юрт солиғи» ҳар бир ўтовдан 4 рубль миқдорида олиниши, ҳатто «лалми» ерлардан ҳам солиқ ундириб олиниши эслатиб ўтилган[2].

Мустамлакачи маъмуриятнинг солиқ сиёсатига маҳаллий аҳоли ҳайрихоҳ бўлмаганлиги шак-шубҳасиз. Водийнинг XIX аср 80-90 йиллардаги норозилик чиқишларининг асосий сабабларидан бири солиқларга қарши қаратилган эди.

Сирдарё вилояти бўйича ҳам ёзилган йиллик ҳисоботларнинг статистик иловаларида солиқ масалалари кенг ёритилган.

1885 йилги дастлабки иловада кейинги 3 йил ичида 3 943 558 руб миқдорида солиқ йиғиб олингани кўрсатиб ўтилган[3].

Турли йиллардаги Сирдарё вилоятига оид ҳисоботлар таҳлили солиқлар тўғрисида қуйидаги маълумотларни олиш имконини беради:

1891 йили - 1 346 545 руб[4]

1913 йили - 2 105 080 руб[5]

Демак, Сирдарё вилоятида ҳам мазкур давр давомида солиқлар тушуми 2 баробарга яқин миқдорда ошган.

---

[1] Статистический обзор Ферганской области за 1907 год. - Скобелев, 1909. С. 73.
[2] Обзор Ферганской области за 1893 год. - Новый Маргелан, 1895. С. 110.
[3] Обзор Сырдарьинской области за 1885 год. - С.-Петербург, 1886. С. 224.
[4] ЎзР МДА. 269-жамғарма, 1-рўйхат, 8-иш, 33-в.
[5] Обзор Сырдарьинской области за 1913 год. - Ташкент, 1916. С. 100.

Ушбу вилоят ҳисоботларида ҳам Фарғона вилоятига ўхшаб, ҳар бир солиқ туридан тушган даромад ва тушмай қолган солиқ миқдори алоҳида кўрсатиб борилган.

Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори томонидан ёзилган йиллик ҳисоботларнинг баъзиларида солиқ тушуми суммаси тўлиқ кўрсатилмай, қанча фоизга бажарилгани ҳақида ҳисоб берилган, холос.

Масалан, 1910 йил учун ёзилган ҳисоботда солиқлар 70 %га бажарилди деб кўрсатилса,[1] 1911 йилда 78,6 %га бажарилди[2] - деб маълумот берилган. Статистик иловалардаги маълумотларга кўра, 1910 йили Самарқанд вилояти бўйича - 2 097 346 руб[3] солиқ ундирилган.

Юқоридаги манбаларда келтирилган фактлар таҳлили шуни кўрсатадики, солиқлар миқдорининг ошиб бориши аҳолига уни ўз вақтида тўлаш имконини бермаган.

Шунингдек, экилмаган ерларга ҳам солиқ солиниши вазиятни анча мушкуллаштирган.

Мазкур фикрларни «Тарихи Азизий» асаридаги қуйидаги жумлалар ҳам тасдиқлайди: «...Аммо бу Ўрусия экин экмаган ерларга ҳам то бахё полигача таноб тортиб, онинг тепасидан ҳисоблаб (солиқ) олиб туради. Бозорларда нархлар арзон бўлиб тургани учун фуқаролар подшолик ҳақларини ўз вақтида пул жамлаб беролмасдан, кўп қийналдилар. Шул жиҳатдан ерлар тиллодан арзон бўлиб қолди...»[4].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Россия империяси фақат солиқлар билан чекланиб қолмаган. Юқорида таъкидланганидек,

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1717-иш, 26-в.
[2] Ўша жойда. 1730-иш, 10-в.
[3] Обзор Самаркандской области за 1910 год. - Самарканд, 1912. С. 32.
[4] Муҳаммад Азиз Марғилоний. Кўрсатилган асар. Б. 72.

Туркистондан пахта, ипак маҳсулотлари, қуруқ мева, чорва маҳсулотлари, ер ости бойликлари ва бошқа товарлар сезиларли даражада олиб кетилган. Темир йўлларнинг ишга тушиши эса бу жараённи янада кучайтирган.

Тадқиқот объектидаги манбаларда савдо-сотиқ, ўлкадан олиб кетилган бойликлар миқдори, тури ва шунга оид кўпгина маълумотлар берилган.

Фарғона вилоятига оид дастлабки йиллик ҳисоботлар ва статистик иловаларда Россияга ва бошқа жойларга юборилган товарлар миқдори ва унинг аниқ суммаси келтирилмаган. Жумладан, вилоят бўйича 1882 ва 1883 йиллар учун тайёрланган статистик иловада «узум, гилос, ўрик, ёнғоқ каби мевалар Бухоро, Қашғар, Россиянинг Европа қисми ва Сибирга жўнатилди»[1] - деб маълумот берилади, лекин олиб кетилган товар миқдори ва суммаси кўрсатилмаган.

Шунингдек, пахта хусусида ҳам «катта миқдорда Бухоро ва Россияга жўнатилди»[2] - деб таъкидланади.

1884 йилги статистик иловада 1 000 000 пудга яқин дон маҳсулотлари олиб кетилгани маълум қилинади, лекин пахта ва ипак махсулотлари қанча олиб кетилгани кўрсатилмаган.

Кейинги йиллардаги ҳисоботларда олиб кетилган товар тури, миқдори ва суммаси ҳақида аниқ маълумотлар кўплаб учрайди. Жумладан, 1887 йилги иловада вилоятдан олиб кетилган умумий миқдори 4 201 946 рублга тенг бўлган қуруқ мева, узум, пахта ҳамда уларнинг миқдори алоҳида ҳолда келтирилган[3].

Бу фактлар йилдан-йилга ошиб борган.

---

[1] ЎзР МДА. 19-жамғарма, 1-рўйхат, 1170-иш, 13-в.
[2] Ўша жойда.
[3] Обзор Ферганской области за 1887 год. - Новый Маргелан. С. 32.

Баъзи ҳисоботларда ҳар бир уезддан Россияга жўнатилган товарлар турлари, миқдори ва унинг суммаларигача кўрсатиб борилган. Жумладан, 1895 йилги губернатор ҳисоботида вилоятнинг Қўқон, Марғилон, Наманган, Андижон уездларидан 1894 ва 1895 йилларда олиб кетилган товарлар ҳақида маълумот берилган.[1]

Кейинги йиллардаги статистик иловаларда олиб кетилган товарлар ҳақида темир йўл бошқармасининг ахборотига таянган ҳолда маълумотлар берилганлиги эслатиб ўтилади.

Жумладан, 1907 йилги статистик иловада «...темир йўл бошқармасининг ахборотига кўра қуруқ мева 358 856 пуд жўнатилди. 1906 йилга нисбатан кам юборилганлигига сабаб, 1907 йилда темир йўл ходимлари иш ташлаш уюштирганлиги учун юклар шу йилнинг охирида жўнатилди»[2] - деб изоҳ берилган.

Вилоятда фаолият кўрсатувчи хусусий фирмалар фақат Россияга эмас, балки бошқа ҳудудларга ҳам товар чиқариш билан шуғулланиб келган.

Масалан, 1910 йилги Фарғона вилояти статистик иловасида Қашқар билан бўлган савдо алоқалари ҳақида тўхталиб қуйидаги рақамлар келтириб ўтилади: (Вилоятдан чиқарилган товар)

1909 йили - 84 431 пуд турли хил товарлар суммаси 2 002 538 рубль

1910 йили - 123 743 пуд, суммаси - 3 054 971 рубль[3].

Кўриниб турибдики, рус савдогарлари вилоятда катта имкониятга эга бўлганлар.

Таҳлил этилаётган манбаларда вилоятда турли хил товарлар билан савдо қилувчи хусусий йирик фирмалар фаолияти ҳақида маълумотлар берилган. Жумладан, 1899 йилги статистик иловада

---

[1] *ЎзР МДА. 19-жамғарма, 1-рўйхат, 5298-иш, 4-в.*
[2] Статистический обзор Ферганской области за 1907 год. - Скобелев, 1909. С. 32.
[3] Статистический обзор Ферганской области за 1910 год. - Скобелев, 1912. С. 97.

Фарғона вилояти бўйича 1899-1900 йилларда пахта сотиб олиш ишлари билан шуғулланган 10 га яқин ширкат ва фирмалар номлари келтирилган[1]. Улар орасида «Катта Ярославл мануфактураси ширкати», «Москва савдо-саноат ширкати», «Ака-ука Водяев» фирмаси ва бошқалар бор эди.

Вилоятда ипак билан савдо қилувчи фирмалар ҳам мавжуд бўлган. Масалан, 1904 йилги иловада шу соҳа савдоси билан шуғулланган 3 та фирма номи кўрсатилиб, улар орасида Туманьянц фирмаси энг кўп ипак сотиб олиши алоҳида таъкидланган[2].

Шунингдек, 1910 йилги Фарғона ҳарбий губернаторининг йиллик ҳисоботида мазкур йилдаги ипак маҳсулоти хусусий фирмалар томонидан Милан ва Марсель шаҳрига жўнатилганлиги хусусида маълумот берилади[3]. Бироқ қайси фирма томонидан ва қанча миқдорда жўнатилганлиги маълум қилинмаган.

Ҳисоботларда ҳудудга келтирилган товарлар ва олиб кетилган товарлар қиймати баланси кўрсатиб борилгани учун мазкур масалага ҳам ойдинлик киритиш талаб этилади. Лекин, олдиндан айтиш мумкинки, келтирилган товарлар қийматидан олиб кетилган товарлар қиймати доимо баланд бўлган. Жумладан, 1900 йили Фарғона вилоятига 22 242 165 рублга тенг бўлган турли буюмлар келтирилган бўлса, шу йили 33 325 642 рублга баҳоланган маҳсулот олиб кетилган[4].

Кейинчалик, олиб келинаётган товарларнинг асосини дон маҳсулотлари ташкил қилган. Масалан, 1910 йилги статистик иловада 1905-1910 йилларда вилоятга олиб келинган дон маҳсулотлари миқдори ҳақида маълумот берилган. Унга кўра, шу йиллар

---

[1] Обзор Ферганской области за 1899 год. - Новый Маргелан, 1901. С. 155.
[2] Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. - Новый Маргелан, 1905. С.31.
[3] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1717-иш, 12-в.
[4] Обзор Ферганской области за 1900 год. - Новый Маргелан, 1901. С. 68.

давомида дон маҳсулотлари олиб келиш 4 баробарга ортган бўлиб, 1910 йилда унинг миқдори 16 413 389 пудга етган[1]. Чунки, дон экиладиган асосий майдонларга пахта экилиши бу муаммони келтириб чиқарган эди.

Мазкур фикрни «Тарихи Азизий» асаридаги қуйидаги жумлалар ҳам тасдиқлайди: «...Пахта ва пилла баҳоси жуда кўтарилиб, ҳамма ерларга пахта экадиган бўлиб, қора ғалла зироатини экмайдиган бўлдилар. Шу учун атроф момоликлардан ҳар қанча вагонда ғаллот келса, каппонда бир ҳафта, икки ҳафтадан ўтмасдан туриб, ҳаммаси сотилиб кетар ва соф (тамом) бўлар эди. Лекин одамларни кўплигидан ҳар қанча ғалла келгани билан асло арзончилик бўлишига ақл унамайди»[2].

Фарғона вилоятидан фақат пахта, пилла ёки боғдорчилик маҳсулотлари эмас, балки катта миқдоридаги чорва маҳсулотлари, айниқса жун сезиларли миқдорда олиб кетилган. Жумладан, 1904 йилги вилоят ҳисоботининг статистик иловасида 1903 ва 1904 йилда олиб кетилган чорва маҳсулотлари миқдори кўрсатилган. Унга кўра, 1904 йилда 14 585 пуд жун олиб кетилган[3].

Мустамлакачиларни Сирдарё вилоятидан кўрган фойдалари ҳам беқиёс бўлиб, ушбу фикрларни расмий ҳисоботлардаги маълумотлар тасдиқлайди.

1885 йилги Сирдарё вилоятининг статистик иловасида етиштирилган дон маҳсулотларини 60 %и Россияга жўнатилганлиги қайд этилган. Ёки шу йилларда 1 081 000 рублга тенг бўлган маҳсулотлар Россияга жўнатилганлиги илова қилинади[4].

---

[1] Статистический обзор Ферганской области за 1910 год. - Скобелев, 1912. С. 20.
[2] Маҳаммад Азиз Маргилоний. Кўрсатилган асар. 73-бет.
[3] Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. - Новый Маргелан, 1905. С. 54.
[4] Обзор Сырдарьинской области за 1885 год. - С.-Петербург, 1886. С. 213.

Кейинги йиллардаги ҳисоботнинг иловаларида ҳар қайси маҳсулотнинг алоҳида номи кўрсатилган ҳолда, қанча миқдорда олиб кетилгани ҳам кўрсатиб борилган. Масалан, 1909 йилги статистик иловада йил давомида 7 хил турдаги маҳсулотлар миқдори ҳамда уларнинг қиймати 25 миллион рублга тенг эканлиги маълум қилинган[1].

Сирдарё вилоятидан Россияга жўнатилган маҳсулот миқдори йилдан-йилга кескин даражада ўсиб борган. 1909-1912 йиллардаги статистик иловалар таҳлили шуни кўрсатадики, 4 йил ичида олиб чиқиб кетилган маҳсулотлар миқдори 2,5 баробарга ортган ва 1912 йилда 18 024 943 пудга етган[2].

Шуниси эътиборлики, Фарғона вилоятига нисбатан Сирдарё вилоятига Россиядан олиб келинган маҳсулотлар олиб кетилган маҳсулотларга нисбатан кўпроқни ташкил этган:

	Россиядан олиб келинган	Вилоятдан чиқарилган
1885 йил	1 413 700 рубль	1 018 000 рубль
1908 йил	55 000 000 рубль	20 400 000 рубль
1912 йил	20 480 325 рубль	18 024 993 рубль[3]

Шунингдек, Сирдарёга оид статистик иловаларда ҳам савдо-сотиқ билан шуғулланувчи фирмалар ҳақидаги маълумотлар учрайди. Жумладан, 1885 йилги иловада Тошкентда 1876 йилдан буён «Яковик К⁰» фирмаси фаолият олиб бораётганлиги, унинг вазифаси пахта савдоси билан боғлиқлиги таъкидланган[4].

---

[1] Обзор Сырдарьинской области за 1909 год. - Ташкент, 1911. С. 111.
[2] Обзор Сырдарьинской области за 1912 год. - Ташкент, 1914. С. 137.
[3] Обзор Сырдарьинской области за 1885 год. - С.-Петербург, 1886. С. 148; Обзор Сырдарьинской области за 1908 год. С. 42; Обзор Сырдарьинской области за 1912 год. С. 137.
[4] Обзор Сырдарьинской области за 1885 год. - С.-Петербург, 1886. С. 171.

Самарқанд вилояти гарчи Сирдарё ва Фарғона вилояти каби империя ғазнасига катта ҳисса қўшмаган бўлсада, бироқ баъзи соҳаларда сезиларли даражада ўз улушига эга бўлган. Бу ҳақда Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори 1892 йил ҳисоботида «...Самарқанд вилояти ўз имкониятлари билан Россияда муҳим ўрин эгаллайди»[1] - деб ёзган эди.

Дарҳақиқат, Самарқандан пахта, ипак, дон маҳсулотлари ва катта миқдорда узум олиб чиқиб кетилган.

1890 йилги ҳарбий губернатор ҳисоботида шу йили жўнатилган 7 хил турдаги маҳсулотлар миқдори ва умумий суммаси кўрсатилган. Унга кўра, жами Россияга чиқарилган маҳсулот миқдори 1 779 916 пуд бўлиб, унинг суммаси 3 017 501 рублга тенг бўлган[2].

Самарқанд вилояти энг кўп узум етиштирганлиги сабабли, биргина 1895 йили 2 745 000 пуд узумдан 80 %и Россияга жўнатилган. Ёки, шу йили 300 000 пуд майиз йиғиб олиниб, шундан 200000 пуд Баку ва Астрахан шаҳарларига, 100 000 пуд туяларга ортилиб Дашт генерал-губернаторликка олиб борилган[3]. Мазкур фактлар ҳақида маълумот берувчи ҳисобот охирида императорнинг ушбу ҳисоботга муносабати билдирилиб, вилоятда виночилик ривожи учун кадрлар масаласини ҳал қилиш зарур, деган сўзлари ҳам берилган[4].

Самарқанд вилоятида экин экиладиган майдонларнинг катта қисмини «лалми» ерлар ташкил қилганлиги, кўп ҳолларда бу ерларга экин экилмай қолишига олиб келган. Шунинг учун ун ва бошқа маҳсулотлар Бухоро ва Россиядан олиб келинган. Жумладан, 1901 йилги ҳисоботда шу йили темир йўллар орқали 2 210 327

---

[1] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 27-рўйхат, 1126-иш, 3-в.
[2] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 696-иш, 2-в.
[3] ЎзР МДА. 18-жамғарма, 1-рўйхат, 530-иш, 5-в.
[4] Ўша жойда.

пуд ун, 682 149 пуд гуруч, ва 60 000 пуд картошка Россия ва бошқа жойлардан олиб келингани, маълум қилинган[1].

Россия империяси даврида саноат ишлаб чиқариши юзага келиб, кенгайиб борди. Лекин, ўлкада фабрика-завод саноатининг асосини пахта тозалаш корхоналари ташкил этгани тасодифий эмас, албатта. Чунки, метрополиянинг саноат соҳасидаги сиёсатида ўлкада етиштириладиган пахта биринчи навбатда зарур эди.

Мазкур масала йиллик ҳисоботлар ва унинг статистик иловаларида яхши ёритилган. Айниқса, ҳар бир вилоят статистик иловаларида завод ва фабрикалар сони, ишлаб чиқарилган маҳсулот суммаси ва ишчилар сони имкон даражада кўрсатиб борилган.

Фарғона вилояти пахтачиликка ихтисослашгани боис, вилоятда пахта тозалаш заводлари сони йилдан-йилга ошиб борган.

Дастлабки йиллардаги иловаларда мазкур соҳа бўйича ноаниқликлар учрайди. Масалан, 1883 йилги статистик иловада «...Жорий йилда завод ва фабрикалар сони 3 564 тага етди. 1882 йилда бор-йўғи 372 та эди, холос»[2] - деб маълумот берилган. Ушбу манбада бунчалик катта рақам кўрсатилганлигини сабаби, унда маҳаллий аҳолининг майда хусусий корхоналари эътиборга олинган бўлиши керак, деб изоҳлаш мумкин. Чунки, бу даврда назарда тутилган капиталистик корхоналар сони бу даражада кўп бўлмаган.

1884 йилги иловада мазкур соҳада бирмунча аниқлик киритилган ҳолда маълумот берилади. Унга кўра, 1884 йили вилоятдаги завод ва фабрикалар сони 7 364 тага етган бўлиб, хусусий рус фирмалари эгалик қилувчи корхоналардан 1 та пахта тозалаш

---

[1] ЎзР МДА. 18-жамғарма, 1-рўйхат, 1311-иш, 3-в.
[2] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 324-иш, 415-в.

заводи, 1 та ароқ заводи, 1 та тери заводи, 1 та вино ҳамда 2 та пиво заводи мавжуд бўлган[1].

Мазкур маълумотдаги пахта тозалаш заводи сонини ҳам унчалик тўғри деб бўлмайди. Сабаби, 1904 йилги статистик иловада вилоятдаги пахта тозалаш заводларининг 1880 йилдан 1904 йилгача бўлган даврдаги рўйхати келтирилган бўлиб, унда 1880 йилдаёқ 2 та пахта тозалаш заводи вилоятда мавжуд бўлганлиги таъкидланади[2].

Дарҳақиқат, вилоятда пахта тозалаш заводлари сони кескин ўсиб борди ва 1910 йилги статистик ҳисоботга кўра, уларнинг сони 152 тага етган[3].

Бундай корхоналарнинг кўпайиши билан ҳисоботларда уларда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ҳақида ҳам маълумотлар бериб борилган. Мазкур манбалар таҳлилига кўра, 1890 йили вилоятдаги бундай заводлар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг умумий миқдори 2 273 293 рублни ташкил этса, 1898 йили 8 558 459 рубллик маҳсулот ишлаб чиқарилган[4].

Шунингдек, статистик иловаларда пахта тозалаш заводларининг тузилиши ва ишлаш тартиби ҳақида ҳам маълумот берилган[5].

Пахта тозалаш заводларининг сони ортиб бориши билан пахта ёғи ишлаб чиқарувчи заводлар ҳам кўпая борган.

Ҳисоботлардаги маълумотларга кўра, улар сони вилоятда 1904 йилда 6 та, 1910 йили 17 тани ташкил этган[6].

---

[1] Обзор Ферганской области за 1884 год. - Новый Маргелан, 1886. С. 30.
[2] Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. - Новый Маргелан, 1905. С. 21.
[3] Статистический обзор Ферганской области за 1910 год. - Скобелев, 1912. С. 78.
[4] Обзор Ферганской области за 1890, 1898 гг. - Новый Маргелан, 1893, 1900. С. 25. 42.
[5] Обзор Ферганской области за 1899 год. - Новый Маргелан, 1901. С. 155.
[6] Статистический обзор за 1904, 1910 гг. - Новый Маргелан (Скобелев). 1905. 1912. С. 22. 78.

Вилоятда ипак маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам тараққий этган. 1907 йилги ҳисоботга кўра бундай корхоналар сони 501 тани ташкил этиб, умумий ишчилар сони 1 508 та, бир йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати 477 470 рублга тенг бўлган[1].

Вилоятда спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам бўлган. Статистик маълумотларга кўра, Фарғонада пиво ишлаб чиқариш билан Соболев, Фирсов, Громов, Витте, Агабоев ва бошқалар кенг фаолият кўрсатганлар[2].

Мустамлакачи маъмурлар XIX аср охирида ўлка бойликларини талаш сиёсатида фақат ер усти бойликлари билан чекланмасдан, ер ости бойликларини ўзлаштириш сиёсатини тутганлар.

Шунинг учун статистик иловаларда тоғ-кон саноатини ёритувчи янги саҳифалар пайдо бўлган.

1889 йилги Фарғона вилоятининг статистик иловасида тоғ-кон ишлари бўйича дастлабки аниқ маълумотлар берилди. Унга кўра, 1884 йилда нефть ва тошкўмир конлари аниқланган, шу йили Ош уездида савдогар Громовга қарашли тошкўмир кони, Наманган уездидаги Кўктепада савдогар Петров томонидан тошкўмир кони ишга туширилган[3]. Шунингдек, савдогар Петров томонидан Майлисойдаги кондан 3 052 пуд ер ости бойликлари бир йилда қазиб олинган[4].

1904 йилги иловада Марғилон уездининг Аувал волости, Учқўрғон ҳудуди ва Ичкиликсой волостида тошкўмир конлари иш бошлагани, шу йили қазиб олинган кўмир миқдори 650 000 пудни

---

[1] Статистический обзор за 1907 год. - Скобелев, 1909. С. 42.
[2] Обзор Ферганской области за 1907 год. - Скобелев, 1909. С. 42.
[3] Обзор Ферганской области за 1889 год. - Новый Маргелан, 1890. С. 20.
[4] Обзор Ферганской области за 1889 год. - Новый Маргелан, 1890. С. 20.

ташкил этиб, шундан 550 000 пудга яқин хом-ашё вилоят ҳарбий маъмурияти ихтиёрига берилгани, маълум қилинган[1].

1905 йил учун тузилган статистик иловада шу йили тадбиркор Бакланов Наманган уездида 23 000 пуд кўмир олишга эришганлиги қайд этилган[2].

1910 йилги статистик иловада Батюшков, Пиварович, Эйленфельд, Ракитин каби савдогарларни тоғ-кон саноатидаги фаолияти ёритилиб, улар ўзлаштирган ер ости бойликлари миқдори ҳам кўрсатилган[3].

Вилоятдан катта миқдорда нефть ҳам ўзлаштирилган. 1910 йилги маълумотга кўра «Чимён» ҳиссадорлик жамияти томонидан бир йилда 1 416 551 пуд нефть қазиб олинган[4].

Мазкур ҳисоботлар таҳлили шуни кўрсатадики, Фарғона вилоятида капиталистик корхоналар ривожи фақат қишлоқ хўжалигини қамраб олмасдан, саноатнинг бошқа тармоқларини эгаллашда ҳам намоён этган эди. Бироқ, таъкидланган барча завод-фабрикалар дастлабки хом-ашё ишловчи корхоналар эди, холос.

Сирдарё вилояти ҳисоботларида ҳам саноат тўғрисида кенг тўхталиб ўтилган. Мазкур ҳудудда ҳам пахта тозалаш заводлари саноатда муҳим ўрин тутган.

Турли йиллардаги ҳисоботлар таҳлили бундай корхоналар турли йилларда қуйидагича бўлганлигини кўрсатади: 1890 й - 15 та, 1894 й - 18 та, 1912 й - 42 та[5].

Бундан ташқари спиртли ичимликлар билан шуғулланувчи корхоналар мавжуд бўлиб, бу ҳақда 1910 йилги ҳисоботда

---

[1] Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. - Новый Маргелан, 1905. С. 79.
[2] Статистический обзор Ферганской области за 1905 год. - Скобелев, 1907. С. 58.
[3] Статистический обзор Ферганской области за 1910 год. - Скобелев, 1912. С. 88, 89.
[4] Ўша жойда. С. 90-91.
[5] Обзор Сырдарьинской области за 1890, 1894, 1912 гг. - Ташкент. С. 27, 32, 118.

«Москвалик савдогар Первушин ва Ивановларга тегишли бўлган Тошкентда 3 та арақ заводи, 1 та вино заводи ва 4 та пиво заводи фаолият кўрсатган» лиги[1] таъкидланган.

Вилоятда бундай корхоналарнинг фаолият кўрсатиши ва кенг тармоқ отиши пировардида ҳунармандларнинг майда корхоналарини кескин даражада камайиши кузатилади. Чунки, улар йирик корхоналар рақобатига бардош беролмаган, оқибатда қашшоқлар сони йилдан-йилга ошиб борган.

Ҳунармандлар фаолияти билан боғлиқ маълумотлар ҳам таъкидланаётган манбаларда мавжуд. Жумладан, 1894 йили вилоятда майда ҳунармандлар сони - 7 471 та бўлса, 1908 йили улар 5 500 тани ташкил этган, холос[2].

Маъмурият уларнинг фаолияти билан ҳам қизиққанлигини 1909 йилги вилоят ҳисоботидаги қуйидаги жумлалар тасдиқлайди: «...Уста ҳунармандлар жуда ҳам малакали бўлиб, биз уларга моддий ва маънавий ёрдам беришимиз зарур. Уларни қандайдир уюшмага бирлаштириш зарур... Шу йили ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар 10-17 миллион рубл атрофида бўлди»[3].

Самарқанд вилоятида 1900 йилги ҳисоботга кўра, жами завод, фабрикалар сони 87 та бўлиб, шундан 22 таси пахта тозалаш заводлари бўлган.[4] Вилоятда виночилик юқори даражада бўлган. Ҳисоботлардаги маълумотларга кўра, виночилик иши билан йирик рус ишбилармонлари Филатов, Иванов, Прохоровский, Гладишев, Толочиков, Дилнин, Абрамов ва бошқалар

---

[1] Обзор Сырдарьинской области за 1910 год. - Ташкент, 1912. С. 118.
[2] Обзор Сырдарьинской области за 1894 и 1908 гг. - Ташкент. С. 39, 42.
[3] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1588-иш, 69-в.
[4] Обзор Самаркандской области за 1900 год. - Самарканд, 1901. С. 22.

шуғулланғанлар[1]. Чой қадоқлаш билан Губкин ва Вогау фирмалари фаолият кўрсатган[2].

Расмий ҳисоботлардаги иқтисодий аҳволга оид маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Туркистон ўлкасида товар-пул муносабатларининг ривожланиши, капиталистик корхоналар тараққиёти ўлка иқтисодий ҳаётида янги даврни бошлаб берган. Лекин, бу ўзгаришлардан рус сармоядорлари кўп фойда кўрган.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлил этилган манбаларда ўлка иқтисодий ҳаётининг барча соҳалари комплекс тарзда ёритилган. Аввало, расмий ҳисоботларда ўлка қишлоқ хўжалиги аҳволига катта эътибор қаратилди. Шу билан бирга, ушбу ҳужжатларда аграр соҳанинг сердаромад тармоқлари яхши ўрганилиб, ҳукумат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилди.

Тадқиқот объектидаги манбаларда империянинг талончилик сиёсати савдо-сотиқ, солиқлар ва саноатни ёритувчи саҳифаларда ўз ифодасини топди. Унда Туркистоннинг капиталистик товар-пул муносабатларига тортилиш жараёнлари ҳам акс этган эди. Ҳисоботларда ушбу мавзуларни ҳикоя қилувчи воқелик гарчи фақат факт ва рақамлардан иборат бўлса ҳам, уларни холисона таҳлил этиш баробарида аниқ илмий хулосалар чиқариш имкони туғилди.

---

[1] Обзор Самаркандской области за 1904 год. - Самарканд, 1905. С. 24.
[2] ЎзР МДА. 1-жамғарма, 12-рўйхат, 1717-иш, 27-в.

ХУЛОСА

Туркистоннинг XIX аср охири - XX аср бошидаги тарихини ёритишда қатор тарихий манбалар орасида расмий ҳисоботлар муҳим ўрин тутади. Тадқиқотлар давомида империя маъмуриятининг расмий даражадаги ҳисоботлари ўрганилиб, улар тури ва мазмунига кўра алоҳида туркумланди. Шунингдек, тадқиқотга янгича ёндошув асосида ўрганилган расмий ҳужжатлар 3 та гуруҳга ажратилди:

1. Мунтазам равишда ўлка ва вилоят губернаторлари томонидан император номига ёзилган йиллик ҳисоботлар ва уларнинг статистик иловалари. Мазкур ҳужжатлар даврий изчилликда йилма-йил Туркистоннинг юқори маъмурияти томонидан тайёрланиб борилган. Ушбу ҳужжатлар бошқа гуруҳга кирувчи ҳисоботлардан тубдан фарқ қилиб, унда ўлканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг турли соҳалари ҳар томонлама ёритилган.

2. Сиёсий йўналишдаги ҳисоботлар. Ушбу гуруҳга кирувчи ҳужжатлар ўлка ва вилоят губернаторлари, уезд, участка бошлиқларининг ахборотлари (рапортлари) ва маърузалари (доклад) бўлиб, ушбу манбалар ҳам расмий ҳисоботларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу ҳужжатларнинг сиёсий йўналишдаги манбалар таркибига киритилишига сабаб шундаки, уларда ҳукумат ва маъмуриятга қарши кураш билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган. Уларда, шунингдек, ушбу кураш жараёнларини акс эттирувчи маълумотлар билан бирга маъмуриятнинг бу воқеалар бўлиб ўтишига берган баҳоси ва уларга барҳам бериш юзасидан таклифлари ҳам ўрин олган эди. Шу сабабли, бу ҳужжатлар ҳар бир йирик сиёсий воқеа билан боғлиқ ҳолда

манбавий йўналишда таҳлил ва тасниф этилиши мақсадга мувофиқдир.

3. Стратегик йўналишдаги ҳисоботлар. Ушбу гуруҳга Туркистон ўлкасини тафтиш этиш мақсадида император ҳукумати йўллаган тафтиш комиссияси ҳисоботлари киритилди. Чунки, уларда иқтисодий аҳамиятга молик масалалар билан бир қаторда маъмурий бошқарув, ҳамда ўлкани мустамлака тизимида ушлаб туришнинг стратегик мақсадлари ўрин олган эди.

Расмий даражадаги ҳисоботларни туркумларга ажратиш, уларни қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш қуйидаги аниқ илмий хулосалар чиқариш имкониятини беради:

1. Туркистон ўлкаси ижтимоий ҳаётининг барча жабҳалари ҳамда мустамлака ҳукмрон доиралари фаолиятини ўзида акс эттирувчи маъмурият расмий ҳисоботлари - Туркистон тарихини ўрганиш борасида муҳим тарихий манба ҳисобланади.

2. Ҳисоботлар тарихий манба сифатида нафақат Туркистондаги империя мустамлака сиёсати тарихи, унинг вазифалари, маъмурият таркиби ва фаолиятини ўрганибгина қолмасдан, балки ўлканинг бошқарув усулларини ҳамда мустамлака тузум ҳукмронлиги таянч механизмларини аниқлаштиришга ҳам бевосита ёрдам беради.

3. Мазкур ҳужжатлар тайёрланишига кўра, ўзининг беқиёс жиҳатлари, жумладан, жамиятнинг этник таркиби, ҳудуди, ишлаб чиқарувчи кучлари, ўлка, вилоят, уезд, волост иқтисодий салоҳияти ва империя манфаатларига жавоб берувчи барча имкониятларни ўзида мужассам қилганлиги билан ҳам бошқа даврий ҳужжатлардан фарқ қилади. Ушбу маълумотлар асосида марказий ҳукумат ўлкани асоратта солувчи янги чора-тадбирлар ишлаб чиққан.

4. Расмий ҳисоботлардаги мавжуд маълумотлар метрополия ҳукмронлиги даврида Туркистон ўлкасининг босқичма-босқич ривожланишини узвий тарзда ўзида намоён этади. Шу билан бирга, унда ҳукмрон доираларнинг режа ва тадбирлари, у ёки бу режаларнинг бажарилиши ҳамда маъмуриятнинг бир қатор муҳим масалалар юзасидан лойиҳалари ўрин олган эди. (Руслаштириш, пахтачиликни ривожлантириш, табиий ресурслардан унумли фойдаланиш).

5. Мазкур ҳужжатларда, шунингдек, рус мустамлака маъмурияти ваколатларини кенгайтириш, маҳаллий аҳоли устидан ҳарбий-полиция назоратини кучайтириш, маҳаллий маъмурият ва суд-ҳуқуқ тизимидаги сайловларни бекор қилиш каби масалалар ҳам ўрин олган.

6. Тадқиқот объектидаги манбаларда минтақадаги қишлоқ хўжалиги аҳволи ҳам таҳлил этилган. Мустамлакачилар арзон хомашё базасини яратиш механизмини ишлаб чиқдилар. Унинг диққат марказида пахтачилик асосий ўрин тутди. Ушбу соҳани ривожланиши билан боғлиқ факт ва маълумотлар хусусан вилоят ҳарбий губернаторлари йиллик ҳисоботлари ва уларнинг статистик иловаларида қатор саҳифаларни эгаллади.

Пахтадан кейинги сердаромад соҳа ҳисобланган ипакчилик ҳам метрополиянинг диққат-марказида бўлди. Мазкур соҳани ҳам ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Ҳисоботлардаги маълумотлар хулосаси мунтазам ўзлаштирилган ипак маҳсулотлари қиймати империя ғазнасини сезиларли равишда бойитганлигини кўрсатди.

Пахта ва ипакдан ташқари чорва маҳсулотлари, қуруқ ва ҳўл мева катта миқдорда ўзлаштирилдики, бу жараёнда темир йўллар қурилиши асосий ўринда турди.

7. Ҳисоботлардаги статистик маълумотлар империянинг ўлкада олиб борган солиқ сиёсати мазмун ва моҳиятини ёритиб беради. Шунингдек, минтақага товар-пул муносабатлари ва капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг кириб келиши, саноатга оид фактик маълумотларни ушбу ҳужжатларда бериб борилиши Туркистон иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришларни тушунишга ёрдам беради.

8. Манбавий таҳлил шуни кўрсатадики, Туркистон халқлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ёритиб берувчи расмий ҳисоботлардаги кўплаб маълумотлар шу вақтгача илмий ўрганиш доирасидан четда қолган. Улар қаторига ўлкадаги демографик ҳолат, диний муносабатлар каби масалалар киради.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқ этилган ҳужжатлар Россия империя маъмуриятининг Туркистондаги сиёсий ҳатти-ҳаракатлари барча жиҳатларини яққол намоён этиб, ўлканинг мустамлака даври тарихи бўйича муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган илмий хулосаларга таянган ҳолда диссертант қуйидаги тавсияларни таклиф этади:

1. Туркистондаги XIX охири - XX аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, демографик ҳолат, динга бўлган муносабат (диний сиёсат), ўлкадаги банк-кредит тизимининг ривожланиши, аҳоли ижтимоий таркибининг ўзгариб бориши каби масалаларни янада чуқурроқ ва бирламчи манбалар асосида ўрганиш ҳамда таҳлил этиш мақсадида расмий ҳисоботларни янада кенгроқ ўрганиш учун келажакда катта эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

2. Архивларда сақланаётган манбалар асосида Россия империясининг Ўрта Осиёни босиб олиши, бошқарувда колониал

тартибнинг ўрнатилиши ҳамда бу жараённинг ўлка халқлари ҳаёти ва турмуш тарзига таъсирини акс эттирувчи расмий ҳужжатлар ёки ҳисоботлар тўпламини тайёрлаш ва чоп этиш катта илмий аҳамиятга эга бўлур эди.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ, 1998. - 36 б.

II. Архив ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви:

1-жамғарма. Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси

1-рўйхат: ишлар-1280, 1286, 2475, 2566, 2700;

11-рўйхат: ишлар-324, 696, 825, 838, 1113, 1186, 1243, 1397, 1600, 1712, 1832-а, 1927, 1927;

12-рўйхат: ишлар-32, 80, 88, 129, 164, 191, 465, 529, 801, 1382, 1588, 1717, 1730;

14-рўйхат: ишлар-9, 9-а, 21, 25;

16-рўйхат: иш-8;

17-рўйхат: иш-86;

20-рўйхат: иш-5091;

22-рўйхат: иш-3;

25-рўйхат: ишлар-11-а, 19, 25, 27, 31, 72, 73, 114, 157;

27-рўйхат: ишлар-23, 40, 83, 227, 383, 700, 841, 1126, 1127, 1128, 1128-в, 1133, 1186, 1195, 1286, 1356, 1505, 1510-а, 1514, 1529, 1589, 1794, 1806, 1819, 1820;

31-рўйхат: ишлар-3, 29, 30, 33, 92, 1062, 1182, 1197.

2. 18-жамғарма. Самарқанд вилояти бошқармаси.

1-рўйхат, 296, 530, 3665, 3973, 3977-ишлар.

3. 19-жамғарма. Фарғона вилояти бошқармаси.

1-рўйхат, 92, 93, 114, 115, 121, 122, 170, 908, 1170, 5967, 7856, 22594, 35434-ишлар.

4. 269-жамғарма. Сирдарё вилояти статистика қўмитаси.

1-рўйхат, 4, 5, 8, 9, 18, 19, 26, 27, 296-ишлар.

III. Статистик шарҳлар

1. Обзор Ферганской области за 1884 г. - Новый Маргелан, Б.И., 1886. - 91 с.

2. Обзор Сырдарьинской области за 1885 г. - С.-Петербург: Б.И., 1886. - 89 с.

3. Обзор Ферганской области за 1887 г. - Новый Маргелан: Б.И., 1889. - 107 с.

4. Обзор Ферганской области за 1889 г. - Новый Маргелан: Б.И., 1890. - 86 с.

5. Обзор Ферганской области за 1890 г. - Новый Маргелан: Б.И., 1893. - 94 с.

6. Обзор Самаркандской области за 1890 г. - Самарканд: Б.И., 1891. - 93 с.

7. Обзор Ферганской области за 1891 г. - Новый Маргелан: Б.И., 1893. - 96 с.

8. Обзор Ферганской области за 1892 г. - Новый Маргелан: Б.И., 1894. - 98 с.

9. Обзор Ферганской области за 1893 г. - Новый Маргелан, Б.И., 1895. - 90 с.

10. Обзор Сырдарьинской области за 1894 г. - Т.: Б.И., 1897. - 101 с.

11. Обзор Сырдарьинской области за 1895 г. - Т.: Б.И., 1897. - 88 с.

12. Обзор Ферганской области за 1897 г. - Новый Маргелан, Б.И., 1899. - 87 с.

13. Обзор Ферганской области за 1898 г. - Новый Маргелан, Б.И., 1900. - 128 с.

14. Обзор Ферганской области за 1899 г. - Новый Маргелан, Б.И., 1901. - 112 с.

15. Обзор Ферганской области за 1900 г. - Новый Маргелан, Б.И., 1901. - 141 с.

16. Обзор Самаркандской области за 1900 г. - Самарканд: Б.И., 1901. - 121 с.

17. Статистический обзор Ферганской области за 1904 г. - Новый Маргелан, Б.И., 1905. - 117 с.

18. Обзор Самаркандской области за 1904 г. - Самарканд: Самаркандский областной статистический комитет, 1905. - 105 с.

19. Обзор Сырдарьинской области за 1904 г. - Ташкент: Сыр-Дарьинский областной статистический комитет, 1905. - 253 с.

20. Статистический обзор Ферганской области за 1905 г. - Скобелев: Б.И., 1908. - 139 с.

21. Статистический обзор Ферганской области за 1907 г. - Скобелев: Б.И., 1909. - 129 с.

22. Обзор Сырдарьинской области за 1908 г. - Ташкент: Б.И., 1910. - 133 с.

23. Статистический обзор Ферганской области за 1910 г. - Скобелев: Б.И., 1912. - 127 с.

24. Обзор Сырдарьинской области за 1910 г. - Ташкент: Сыр-Дарьинский областной статистический комитет, 1912. - 193 с.

25. Обзор Сырдарьинской области за 1912 г. - Ташкент: Сыр-Дарьинский областной статистический комитет, 1914. - 195 с.

26. Обзор Сырдарьинской области за 1913 г. - Ташкент: Б.И., 1916. - 125 с.

IV. Адабиётлар

1. Абдурахимова Н.А., Рустамова Т. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX - 1 четверти XX вв. - Т.: Университет, 1999. - 160 с.

2. Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (2 половина XIX ст. до I-ой Мировой войны). - Т.: Фан, 1966. - 348 с.

3. Асаткин А. Очерки хозяйственной жизни Туркреспублики. - Т.: Б.И., 1921. - 36 с.

4. Ахмеджанов Г.А. Советская историография присоединения Средней Азии к России. - Т.: Фан, 1989. - 156 с.

5. Ахмеджанов Г.А. Российская Империя в Центральной Азии. - Т.: Фан, 1995. - 217 с.

6. Ахмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. - Т.: Ўқитувчи, 1991. - 216 б.

7. Бобобеков Ҳ. ва б. Ўзбекистон тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1996. - 256 б.

8. Бродовский М.И. Колониальное значение наших среднеазиатских владений для внутренних губерний. - М.: Б.И., 1891. - 278 с.

9. Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX - начала XX в.). - Т.: Фан, 1987. - 145 с.

10. Вяткин П.М. Монополистический капитал в Средней Азии. - Фрунзе: Илым, 1962. - 162 с.

11. Галузо П.Г. Туркестан - колония (очерк истории Туркестана от завоевания его русскими до революции 1917 г.). - М.: Коммунистический ун-т трудящихся Востока, 1929. - 162 с.

12. Галузо П.Г. Аграрные отношения на юге Казахстана в 1867 - 1914 гг. - Алма-Ата: Казахстан, 1965. - 344 с.

13. Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане. - М.: Институт этнологии и антропологии им. Миклухо-Маклая, 1991. - 144 с.

14. Гирс Ф.К. Отчет о состоянии Туркестанского края. В 2-х частях. - СПб.: Б.И., 1888. - 379 с.

15. Григорьев В.В. Русская политика в отношении Средней Азии. - СПб.: Б.И., 1906. - 352 с.

16. Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркестанского района. Ч. 1-3. - Асхабад: Б.И., 1913. Ч. 1. - 223 с.

17. Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности Туркестана. - М.: Госиздат, 1926. - 249 с.

18. Добромыслов А. Ташкент в прошлом и настоящем. - Т.: Б.И., 1912. - 147 с.

19. Заорская В.В., Александер А. Промышленные заведения Туркестанского края. - П.: Б.И., 1915. - 557 с.

20. Зияев Х.З. Ўзбекистон пахтачилиги тарихидан. - Т.: Фан, 1980. - 52 с.

21. Зиёев Х.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. - Т.: Шарқ, 1998. - 475 б.

22. Зиёева Д.Х. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. - Т.: Адабиёт ва санъат, 2000. - 176 б.

23. Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Тошкентнинг «янги шаҳар» қисми тарихи. - Т.: Фан ва технология, 2004. - 136 б.

24. История Узбекской ССР. Т. 2. - Т.: Фан, 1968. - 548 с.

25. Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917). - Т.: Фан, 1997. - 201 с.

26. Кастельская З.Д. Восстание 1916 года в Узбекистане (к 20-летию восстания). - Т.: Госиздат УзССР, 1937. - 68 с.

27. Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края (1865-1917 гг.). - М.: Наука, 1980. - 170 с.

28. Кауфман К.П. Проект всеподданнейшего отчёта генерал-адьютанта К.П. Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в области Туркестанского генерал-губернаторства. 07.10.1867-25.03.1881 гг. - СПб.: Б.И., 1885. - 384 с.

29. Ковалев П.А. Революционная ситуация 1915 - 1917 гг. и её проявление в Туркестане. - Т.: Б.И., 1917. - 91 с.

30. Костенко А.Ф. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. - СПб.: Б.И., 1871. - 376 с.

31. Кривошеин А.В. Записка Главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. (Приложение к всеподданнейшему докладу). - СПб.: Б.И., 1912. - 88 с.

32. Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии). - Л.: Госиздат, 1930. - 160 с.

33. Левтеева Л.Г. Присоединение Средней Азии к России в мемуарных источниках. - Т.: Фан, 1986. - 141 с.

34. Малаховский Н.И. Производительные силы Туркестана. - СПб.: Б.И., 1909. - 357 с.

35. Марғилоний Муҳаммад Азиз Тарихи Азизий (Фарғона чор мустамлакачилиги даврида) / Нашрга тайёрловчилар ва сўзбоши муаллифлари Ш. Воҳидов. Д. Сангирова. - Т.: Маънавият, 1999. - 112 б.

36. Масальский В.И. Хлопковое дело в Средней Азии. - СПб.: Б.И., 1892. - 298 с.

37. Масальский В.И. Туркестанский край. - СПб.: Б.И., 1913. - 372 с.

38. Муҳаммад Йунус ибн Мухаммад Амин Х^{в}аджа (Та'иб). «Тухфа-йи Та'иб» / Подготовка к изданию и предисловие: Б.Н. Бабаджанов, Ш.Х. Вахидов, Х. Коматцу. - Ташкент-Токио, 2002. - 45 с.

39. Оглоблин В.И. Промышленность и торговля Туркестана. - М.: Госиздат, 1914. - 189 с.

40. Прошлое Казахстана в источниках и материалах. - Алма-Аты, 1998.

41. Романовский Д.И. Заметки по Среднеазиатскому вопросу. - СПб.: Б.И., 1868. - 291 с.

42. Савицкий А.П. Поземельный вопрос в Туркестане. - Т.: СамГУ, 1963. - 208 с.

43. Садыков А.С. Россия и Хива в конце XIX - начала XX вв. - Т.: Фан, 1972. - 211 с.

44. *Сафаров Г. Колониальная революция (опыт* Туркестана). - М.: Госиздат, 1921. - 269 с.

45. Стеткевич А. Убыточен ли Туркестан для России. - СПб.: Б.И., 1899. - 212 с.

46. Суюнова О. Туркистонда 1916 йил миллий озодлик кураши тарихидан. - Т.: Фан, 1997. - 131 б.

47. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. - Т.: Шарқ, 2001. - 456 б.

48. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. Т. I-III. - СПб.: Б.И., 1906. Т. I. - 184 с.

49. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. - Т.: Шарқ, 2000. - 445 б.

50. Турсунов Х.Т. Восстание 1916 г. в Средней Азии и Казахстане. - Т.: Госиздат, 1962. - 428 с.

51. Тухтаметов Т.Г. Русско-бухарские отношения в конце XIX - начале XX вв. - Т.: Узбекистан, 1966. - 188 с.

52. Фёдоров М.П. Хлопководство в Средней Азии. - СПб.: Б.И., 1898. - 189 с.

53. Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси. Фарғонада истибдод жаллодлари / Нашрга тайёрловчилар: С. Аҳмад, У. Долимов, Ш. Ризаев. - Т.: Чўлпон, 1992. - 80 б.

54. Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России. - М.: Наука, 1965. - 468 с.

55. Хидоятов Г.А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце XIX в. - Т.: Фан, 1969. - 456 с.

56. Царская колонизация в Казахстане по материалам русской периодической печати. - Алма-Аты, 1995. - 350 с.

57. Чориев З.У. Туркистон мардикорлари. Сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916 - 1917 йиллар). - Т.: Шарқ, 1999. - 160 б.

58. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. - СПб.: Департамент земледелия, 1908. - 512 с.

59. Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи Эшон (ҳужжатли қисса). - Т.: Шарқ, 1994. - 144 с.

60. Юлдашев А. Аграрные отношения в Туркестане. - Т.: Фан, 1969. - 256 с.

48. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. Т. I-III. - СПб.: Б.И., 1906. Т. I. - 184 с.

49. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. - Т.: Шарқ, 2000. - 445 б.

50. Турсунов Х.Т. Восстание 1916 г. в Средней Азии и Казахстане. - Т.: Госиздат, 1962. - 428 с.

51. Тухтаметов Т.Г. Русско-бухарские отношения в конце XIX - начале XX вв. - Т.: Узбекистан, 1966. - 188 с.

52. Фёдоров М.П. Хлопководство в Средней Азии. - СПб.: Б.И., 1898. - 189 с.

53. Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси. Фарғонада истибдод жаллодлари / Нашрга тайёрловчилар: С. Аҳмад, У. Долимов, Ш. Ризаев. - Т.: Чўлпон, 1992. - 80 б.

54. Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России. - М.: Наука, 1965. - 468 с.

55. Хидоятов Г.А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце XIX в. - Т.: Фан, 1969. - 456 с.

56. Царская колонизация в Казахстане по материалам русской периодической печати. - Алма-Аты, 1995. - 350 с.

57. Чориев З.У. Туркистон мардикорлари. Сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916 - 1917 йиллар). - Т.: Шарқ, 1999. - 160 б.

58. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. - СПб.: Департамент земледелия, 1908. - 512 с.

59. Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи Эшон (ҳужжатли қисса). - Т.: Шарқ, 1994. - 144 с.

60. Юлдашев А. Аграрные отношения в Туркестане. - Т.: Фан, 1969. - 256 с.

61. Юнусова Х.Э. Тошкентда 1892 йилги халқ қўзғолони. - Сариёғоч: Нашриётсиз, 1998. - 94 б.

62. Юферев В.И. Труд в хлопковых хозяйствах Туркестана. - СПб.: Б.И., 1914. - 60 с.

63. Ўзбекистон халқлари тарихи. II жилд. - Т.: Фан, 1993. - 256 с.

V. Диссертация ва авторефератлар

1. Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX - начало XX вв.): Дисс. ... док. ист. наук. - Т., 1994. - 68 с.

2. Авазова Х.Ш. Развитие банков и фирм в Туркестане во второй половине XIX - начала XX вв.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Т., 1997. - 24 с.

3. Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX - начало XX вв.): Автореф. дисс. ... док ист. наук. - Т., 1990. - 52 с.

4. Жаббаров М.Р. Освещение истории Ферганской области в «Туркестанском сборнике» (конец XIX - начало XX вв.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Т., 2000. - 27 с.

5. Зияева Д.Ҳ. Туркистонда миллий-озодлик ҳаракати XX аср тарихнавислигида (1916 йил қўзғолони ва 1918 - 1924 йиллардаги истиқлолчилик ҳаракатини ўрганиш муаммолари): Дисс. ... док. ист. наук. - Т., 1999. - 276 б.

6. Мусаев Н.У. Формирование и развитие промышленного производства в Туркестане (конец XIX - начало XX вв.): Автореф. дисс. ... док. ист. наук. - Т., 1999. - 58 с.

7. Потапова Н.Ю. История предпринимательства в Туркестане (вторая половина XIX - начала XX вв.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Т., 2002. - 27 с.

8. Рустамова Т.К. Колониальная сущность царской и большевистской власти в Туркестане (1867 - 1924 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Т., 1999. - 34 с.

9. Садыков Х.Д. Политико-административное устройство Туркестанского генерал-губернаторства (1867 - 1917 гг.): Дисс. ... канд. ист. наук. - Т., 1973. - 209 с.

10. Ҷодиқов Ҳ.Ж. XX аср бошларида чоризмнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати ва истиқлол учун кураш: Тарих фанлари док. ... дисс. - Т., 1994.

11. Суюнова О. Национально-освободительная борьба 1916 года в Туркестане (на примере Сырдаринской области): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Т., 1997. - 33 с.

12. Чориев З.У. XX аср бошида Туркистон ўлкасида мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмнинг кучайиши ҳамда унинг оқибатлари (мардикорликка сафарбарлик мисолида): Тарих фанлари док. ... дисс. - Т., 1999.

VI. Мақолалар

1. Блиев М.М., Дегоев В.В., Киняпина Н.С. Современная буржуазная историография политики России на Кавказе и в Средней Азии // Вопросы истории. - 1988. - № 4. С. 37 - 53.

2. Васильев Д.В. Организация и функционирование главного управления в Туркестанском генерал-губернаторстве (1865-1884 гг.) // Вестник Московского университета. Серия История. - М., 1999. - № 3. С. 48 - 63.

3. Дятлова Н.П. Отчёты губернаторов как исторический источник // Проблемы архивоведения и источниковедения. - Л., 1964. С. 228 - 237.

4. Зиёева Д.Ҳ. 1916 йил қўзғолони тарихшунослиги ва манбалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - 1997. - № 1-2. Б. 53 - 56.

5. Исмоилова Ж. Туркистонда 1916 йил мардикорликка сафарбарлик // Ўзбекистон тарихи. 2002. - № 1. Б. 31 - 38.

6. Пясковский А.В. Источники по истории революции 1905-1907 гг. в Туркестане // Проблемы источниковедения. - М., 1955. - № IV. С. 148 - 154.

7. Тиллабоев С. Мустамлакачиларга қарши Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолон // Ўзбекистон тарихи. 2002. - № 1. Б. 19 - 26.

VII. Чет эл адабиётлари

1. Golszewski Frank. Russlands Zentralasiatische Expansion im lichte der neweren sowjetischen jeschechtsinterpetation // Osteuropa N6. - 1980. S. 481 - 493.

2. Meyer, Karl E., Brysac, Shareen Bluir. Tournament of Shadows: The Great Game and Race for Empire in Central Asia. - Washington D.C., 1999. - 245 p.